

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ

ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ, ЛОНДОН

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ  
ТАЪЛИМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА  
TEMPUS ЛОЙИҲАСИ**

# **ЯКУНИЙ ҲИСОБОТ**

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ АМАЛИЁТИ:  
ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
УЧУН ТАВСИЯЛАР**

Тошкент – 2006

**МУНДАРИЖА**

ҚИСҚАРТМАЛАР.....	5
<b>I ҚИСМ. ЛОЙИҲА МАЗМУНИ ВА МАҚСАДЛАРИ.....</b>	<b>6</b>
Лойиҳа Мақсадлари.....	6
Лойиҳа Иштирокчилари.....	9
<b>II ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛИШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИГА ДОИР ЭҲТИЁЖЛАР ТАҲЛИЛИ ҲИСОБОТИ 11</b>	
Ташқи Назорат Тизими.....	12
Таълим стандартлари.....	12
Ўқув режаси.....	14
Ўқитувчи ва талабалар ўқув иш юклараси.....	16
Баҳолаш тизими.....	17
Академик қоидалар.....	19
Ўқув ресурслари.....	20
Кадрларни қайта тайёрлаш тизими.....	22
Ички Назорат Тизими.....	24
Талабаларнинг кўчиш имконияти.....	24
Ўқитиш услублари ва билим олиш кўникмалари.....	24
Мураббийлик тизими.....	28
Талабаларни касбга йўналтириш.....	29
Талабаларнинг ижтимоий ҳаёти.....	30
Таълим маркетинги.....	31
<b>III. ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШНИ ЯХШИЛАШ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР 31</b>	
Ташқи Назорат Тизими.....	32
Таълим стандартлари.....	32
Ўқув режаси.....	34
Ўқитувчи ва талабалар учун ўқув иш юклараси.....	36
Баҳолаш тизими.....	37
Академик қоидалар.....	38
Ўқув ресурслари.....	40
Ходимлар малакасини ошириш.....	42
Ички Назорат Тизими.....	44
Таълим йўналишини кўчириш.....	44
Мураббийлик.....	44
Талабаларни касбга йўналтириш.....	45
Ўқув шароитлари.....	45
Талабаларнинг ижтимоий ҳаёти.....	46
Таълим маркетинги.....	47
<b>IV. ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШНИ ЯХШИЛАШ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҲАРАКАТ РЕЖАСИ.....</b>	<b>47</b>
Ташқи Назорат Тизими.....	48
Таълим стандартлари.....	48
Ўқув режаси.....	48
Баҳолаш тизими.....	49
Академик қоидалар.....	51

Ўқув ресурслари .....	53
Ходимларни қайта тайёрлаш тизими.....	54
Ички НАЗОРАТ ТИЗИМИ .....	54
Таълим йўналишини кўчириш имконияти.....	54
Дарс бериш ва билим олиш услублари .....	55
Мураббийлик .....	56
Талабаларни касбга йўналтириш .....	57
Ўқув шароитлари.....	57
Ижтимоий ҳаёт .....	58
Таълим маркетинги .....	59
<b>1 – ИЛОВА. ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УНИВЕРСИТЕТЛАРГА</b>	
<b>ҚИЛИНГАН ТАШРИФЛАР ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ .....</b>	<b>61</b>
Талабаларнинг сўровномалари таҳлили .....	61
Ўқитувчи ходимлар билан ўтказилган суҳбатлар таҳлили .....	67
Маъруза ва семинар кузатувлари таҳлили.....	75
Маъмурият ходимлари билан ўтказилган интервьюлар таҳлили.....	80

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган мазкур ҳисобот катта ишчи гуруҳ аъзоларининг бир йиллик халқаро лойиҳа доирасидаги самарали меҳнати маҳсулидир. Лойиҳа фаолияти давомида саволларимизга жавоб тариқасида ўзларининг фикрлари ва вақтлари билан ҳисса қўшган Ўзбекистон, Буюк Британия ва Полша олий таълим муассасаларининг барча ходимлари ва талабаларига, ҳамда ушбу ҳисоботни яратишга асос бўлган илмий изланишларни олиб борган лойиҳа ишчи гуруҳига ўз ташаккуримизни билдирамыз.

Бошланғич таҳлил Халқаро Вестминстер университети ходимлари Турсун Шодиев, Виктория Левинская, Анна Козлова, Ирода Комилова, Боҳодир Аюпов, Азиза Хакимова томонидан Умида Мирханованинг мувофиқлаштирувида амалга оширилди. Абдумалик Джуманов эксперт сифатида лойиҳа вазифалари ва натижаларини шаклланишида ва ҳисоботни таҳрир қилишда ўз ҳиссасини қўшди. Шу билан бирга биз лойиҳанинг халқаро экспертлари Анн Румпус ва Станислав Дилакка ҳам ўз ташаккуримизни етказамиз. Лойиҳанинг илмий изланишларини амалга ошириш ва йиғилган маълумотларини таҳлилида ўзларининг амалий йўланмалари билан иштирок этган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маъсул ходимлари Иномжон Мажидов ва Румия Сулейманованинг беқиёс ёрдамларини алоҳида таъкидлаймиз ва ўйлаймиз-ки, ҳисоботда ёритилган маълумотлар ва тавсиялар уларнинг мустақил Ўзбекистоннинг олий таълим тизимини янада ривожлантириш йўлидаги ишларига кўмак бўлади.

Даниел Стивенс  
Лойиҳанинг раҳбарияти номидан

Абдумалик Джуманов  
Мартин Севиор  
Даниел Стивенс

**ҚИСҚАРТМАЛАР**

**АМУ** – Адам Мицкевич университети

**ОТМ** – Олий таълим муассасаси

**МЎРМ** – Мустақил ўқув ресурслари маркази

**ОЎМТВ** – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**КТМД** – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

**ЛИГ** – Лойиҳанинг ижрочи гуруҳи

**МОИ** – Малака ошириш институти

**ТХВУ** – Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети

## I ҚИСМ. ЛОЙИҲА МАЗМУНИ ВА МАҚСАДЛАРИ

### ЛОЙИҲА МАҚСАДЛАРИ

25 ёшгача бўлган ёшлар Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 56 %ини ташкил этар экан, ҳукуматнинг таълим сиёсати мамлакат ривожини учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши аниқ. Мустақилликдан буён Ўзбекистон таълим соҳасида улкан ютуқларга эришди, бошланғич таълимдан бошлаб то олий таълимгача ихлос қилиниб узлуксиз таълим тизимига ырлаштирилди. Ҳозирда деярли 6 миллион бола ўрта таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Аммо, бошқа ижтимоий соҳаларда бўлгани каби, таълим соҳасини ҳам ўтиш даври қийинчиликлари четлаб ўтмади. Хусусан олий таълимда номувофиқлик аломатлари кўзга ташланади. Ўзбекистон олий таълим тизими ўзгараётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароит эҳтиёжларига яхшироқ хизмат қилиши ва илмга асосланган бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтишни таъминлаши лозим. Бу мақсадга эришиш йўлида тизимни ислоҳ қилиш кераклиги юқори доираларда эътироф этилмоқда. 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури устувор соҳаларда туб ислохотларни амалга ошириш учун узок муддатли стратегияни тақдим қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ЎЗР ОЎМТВ) бир қатор ислохотларни йўлга қўйишда фаол иштирок этмоқда ва сезиларли силжишларга эришмоқда. Тажриба шуни кўрсатадики, ички ижтимоий-маданий шароитни тўлиқ англаб ета олмайдиган хорижлик экспертларнинг рецептларига асосланган “юқоридан” бериладиган кўрсатмаларга қараганда олий ўқув юртларида бевосита таълим берувчи тажрибали мутахассислар томонидан илгари суриладиган ва тарғиб этиладиган ташаббуслар кўпроқ самара беради. Яна шуниси аниқки, ОЎМТВнинг ўзида имкониятларни яратиш ОЎМТВ тузилмаларини четлаб ўтувчи аралашувлардан кўра самаралироқдир, зеро ислохотнинг ўзини шакллантиришда, ОЎМТВ унга эгалик қилади ва демакки уни самаралироқ амалга оширади.

Айни чоғда, ОЎМТВ ислохотни бир неча устувор соҳаларга қаратган. Улар жумласига қуйидагилар қиради:

- Олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни яхшилаш ҳамда ўқув дастурларнинг касбий ҳаётга кўпроқ алоқадор бўлишини таъминлаш;
- Таълим сифатини таъминлайдиган аттестация тизимини жорий қилиш;
- Ўқитувчи кадрларнинг малакасини ошириш;
- Олий таълим ўқув режасида мустақил таълимга каттароқ урғу бериш.

Бу йўналишлар орасида мустақил таълимни ривожлантириш қисқа муддатда ижобий ўзгаришларга эришиш ҳамда бошқа йўналишларга ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши мумкин. Бунинг сабаблари қуйида баён қилинади.

Ўзбекистондаги олий таълим тизими тузилмаси кўпроқ таълим жараёни ва муассасаларини структуравий бошқариш ва молиялашга қаратилган эди. Ваҳоланки, таълим жараёнини шаклан ва мазмунан ривожлантириш, янги талабаларнинг билим олиши учун янги замонавий ёндошувларни тарғиб қилиш ва ўзлаштириш ҳозирги вақтнинг асосий талаби бўлиб келмоқда. Собиқ совет тизимидан эскирган дидактик ўқув дастурлари, ўқитувчи синфнинг “хукмдори” деган ёндашув, “ўқитувчи берган маълумотни талаба такрорлаб бера олса, демак у илмни эгаллабди” деган ақида мерос бўлиб қолган эди. Бу тизимнинг ҳозирги кун талабига жавоб бермаслиги ҳамда

замонавий таълим эҳтиёжларига мос келмаслиги эътироф этилмоқда. Талабаларни ўқув жараёнининг марказига қўйиб, уларнинг мустақил таълим олишларини рағбатлантирувчи педагогик ёндашувлар, замонавий талабларга жавоб бера оладиган ўқув режалар томон силжиш зарурлигини Ўзбекистон ҳукумати тан олмоқда. Президент Ислон Каримовнинг ўзи ҳам шунга урғу бермоқда: “Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз. Агар болалар эркин фикрлашга ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар.” (“Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, 1997)

Ҳозирда ўртача бакалаврият талабаси анъанавий таълим тизимида белгиланган ҳафталик умумий 54 ўқув соатлик юкламанинг 32 соатини аудиторияда таълим олиш учун сарфлайди. Бу эса талабанинг билим олишида ўқитувчидан узвий боғлиқликда бўлишга мажбур этади. Шу билан бирга талабанинг мустақил таълим олишини ўқув жараёнида ташкил қилиш умуман кўга тугилмаган. Талабаларни ўз ўқишларини режалаштириш ва йўналтириш учун зарур кўникмалар билан қуроллантириш ҳамда ўқитувчиларни бу жараёнга ёрдам бера оладиган қилиб тайёрлаш эҳтиёжи мавжуд. Бироқ биз интилаётган мустақил таълим талабаларнинг билим олишларини унумли қилибгина қолмай, ўқитувчиларнинг ўқув юкласини қисқариши ва шу орқали уларнинг ўз устиларида ишлашга кўпроқ вақт сарфлаш имкониятини ҳам яратади. Ўзининг илмий тақомилига кўпроқ вақт ажрата олган ўқитувчи талабага мустақил ўқиши учун кўмак беришда янада қобилиятлироқ бўлади. Қолаверса ўқитиш вақтининг камайиши ўқитувчиларга касбий маҳоратларини оширишлари учун шароит туғдириб, Ўзбекистон таълим тизимини халқаро миқёсда интеграллашуви учун Европа Ҳамжамиятининг Болония келишуви талабларидан келиб чиқувчи янги ролларни самарали бажара олишларига имконият яратади. Болония тамойилларига мувофиқ, расмий таълим-тарбия тизими янада очиқ ва мослашувчан бўлиши ва имкониятларни чинакамига ўқувчининг эҳтиёжларига монанд қилиши лозим. Мустақил таълим ўз таърифига кўра юқори даражадаги мослашувчанликни назарда тутди. Мисол учун, Европа ўлчов (кредит) ўтказиш ва тўплаш тизимида, талабанинг йиллик 1500-1800 соат машғулотидан сезиларли улуши унинг мустақил ўқишига сарфланиши белгиланган. Бундан ташқари, мустақил ўқиш кўникмаларини ривожлантира олмаган талабалар расмий таълим якунига етганда билим олишни давом эттира олмайдилар.

Гарчи мустақил таълим ривожини учун қилинадиган саъй ҳаракатлар, узоқ муддатда, олий таълим бюджетини қайта тақсимлаш ҳамда кутубхона ва ахборот коммуникация технологияларига кўпроқ сармоя киритишни талаб этсада, бундан қисқа муддатда мустақил таълим борасида муҳим қадамларни ташлаб бўлмайдиган деган маъно чиқмайди. Мустақил таълимнинг асоси учун моддий ресурслардан кўра талабаларни ўз олаётган билимлари учун масъул дея қаровчи тафаккур тарзининг шаклланиши кўпроқ аҳамият касб этади. Мустақил таълим янгича қарашларни тақозо этар экан, яхши режалаштирилган қисқа муддатли аралашувлар мувофиқ ўқув муҳитини сақлаб туриш учун талаба ва таълим муассасаларининг интеллектуал ҳамкорлигини таъминлашда қатта ёрдам бериши мумкин.

Лойиҳанинг мақсади лойиҳа учун ажратилган вақт мобайнида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ)га мустақил таълимни кенг миқёсда тарғиб қилиши учун кўп босқичли ҳаракат режасини ишлаб чиқишда кўмаклашишдир.

Лойиҳанинг якуний маҳсули ва натижалари қуйидагича белгиланган:

1. Маҳаллий экспертлар, шу жумладан Вазирлик ходимларидан иборат лойиҳани ижрочи жамоа (ЛИГ)нинг қуйидагилардан маълумот олиши: мустақил таълим

тамоийллари; олий таълим муассасаларидаги эҳтиёжларни баҳолаш ва ташкилий ташхис қўйиш; Европадаги бошқа олий таълим муассасаларининг мустақил ўқишни ривожлантиришдаги тажрибасини таҳлил қилиш; ОЎМТВга мустақил ўқишни тарғиб қилиши учун ҳаракат режасини ишлаб чиқишда ёрдам бериш учун керакли кўникмалар;

2. Эҳтиёжларни баҳолаш ва ташкилий ташхис қўйишга қаратилган лойиҳаларни ижро этувчи жамоаларни тайёрлаш учун ўқув қўлланма;
3. Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ривожлантириш учун мавжуд эҳтиёжлар ва имкониятлар тўғрисида ЛИГ тузган ҳисобот;
4. Мустақил таълим учун эҳтиёж ва имкониятларни яхши англаб, мустақил билим олиш ривожини учун фасилитатор сифатида фаолият юритишга тайёрланган олий таълим муассасаларининг стратегик вакиллари гуруҳи;
5. Ўзбекистондаги олий таълимда мустақил таълимнинг идеал модели ва бу моделга эришиш учун стратегияларни баён қилувчи ҳисобот.
6. ОЎМТВнинг ЛИГ билан биргаликда мустақил ўқишни ривожлантириш учун ишлаб чиққан ҳаракат режаси.
7. Мустақил таълимни қўллаб-қувватловчи таълим сифатини таъминловчи аттестация тизимини йўлга қўйиш ва олиб бориш бўйича тавсиялар.
8. Мустақил таълим муҳитини яратишда ташкилий жиҳатларни қандай амалга оширишни ўргатувчи тайёрлов курси.
9. Ходимларни мустақил таълим концепцияси билан таништирувчи қўлланма.
10. Мустақил таълим соҳасидаги билимларини оширишлари ва уни тарғиб қилишда фойдаланишлари учун ОТМ ва ОЎМТВ ходимларига ажратилган Тошкент Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ)даги Мустақил ўқув ресурслари маркази (МЎРМ).
11. МЎРМни очиш, қўлланма ва тайёрлов курсини эълон қилиш ҳамда олий таълим тизимида мустақил таълимни жорий қилишга қаратилган ҳаракат режасини ишга туширишга бағишланган якуний тантана.
12. Лойиҳанинг баҳоланиши тўғрисида ҳисобот.
13. ОЎМТВ ва ЛИГ маҳаллий мутахассисларининг эҳтиёжлар таҳлили ва олий таълим муассасаларига аралашувларни режалаштириш соҳасида олган билимлари.

Ушбу натижаларни ҳосил қилиш учун ЛИГ қуйидаги ҳаракатларни амалга оширди:

1. Вестминстер университети (ВУ) ва Адам Мицкевич университети (АМУ) мутахассислари томонидан ЛИГ учун ўтказилган бошланғич тренинг.
2. Вазирлик ва ТХВУ вакилларида ташкил топган лойиҳани ижрочи гуруҳнинг Британиядаги Вестминстер университети ва Польшадаги Адам Мицкевич университетига лойиҳа ҳамкорларининг мустақил таълим соҳасидаги тажрибасини ўрганиш учун қилинган ташрифи.
3. Олий таълим муассасалари (ОТМ)да мустақил таълим соҳасидаги эҳтиёжларни баҳолаш ва ташкилий ташхисни амалга ошириш учун ҳаракат режасининг тадқиқот стратегияси ишлаб чиқилиши.



4. ЛИГнинг 15 та масканда ўтказган мустақил таълим борасидаги эҳтиёжлар таҳлили: 2-3 кишидан иборат лойиҳани тадбиқ этувчи гуруҳлар икки кун (Тошкентдан ташқарида бўлганда сафар билан уч кун) мобайнида Тошкентдаги 5 та ҳамда вилоятлар (Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Термиз, Навои, Гулистон ва Қарши)даги 10 та университетда бўлишди. Бу ташрифлар интервью, сўровнома ва аниқ муаммога қаратилган гуруҳли суҳбатлар каби тадқиқот усулларида фойдаланиб маълумотни тўплаш ҳамда мазкур таянч университетларда стратегик ҳамкорларни аниқлашга имконият яратиб берди.
5. Натижаларни таҳлил қилиш ва маҳаллий университетлардаги билим олиш муҳитининг жорий ҳолати тўғрисида ҳисобот ёзиш, мустақил ўқишни янада ривожлантириш учун мавжуд эҳтиёж ва салоҳиятни аниқлаш.
6. ОТМнинг стратегик вакиллари билан ўтказилган икки кунлик семинарда уларнинг таълим бериш ва билим олишга доир муаммолар хусусидаги мулоҳазаларини тинглаш ҳамда билим олиш сифатини яхшилашда мустақил ўқиш асосий омил эканлигини англаб етишларига эришиш.
7. Ўзбекистон университетларида мустақил таълимни янада ривожлантириш учун қилинадиган тавсияларга доир ҳисобот тайёрлаш. У қуйидагиларни ўз ичига олган:
  - а) Ўзбекистондаги олий таълимда мустақил билим олиш учун икки босқичли модел ва унга эришиш учун стратегиялар.
  - б) ОЎМТВ учун мустақил таълимни амалга оширишга қаратилган ҳаракат режаси.
  - в) Мустақил ўқишни тарғиб қилишда Таълим сифатини таъминловчи аттестация тизими бўйича таклифлар ва уларнинг амалий аҳамияти.
8. ЛИГ томонидан Мустақил таълимни жорий қилиш курсини тайёрлаш.
9. Маҳаллий ОТМлар учун мустақил таълимни амалга ошириш қўлланмасини ишлаб чиқиш.
10. ТХВУда МЎРМни ташкил қилиш. Бу, албатта, МЎРМни зарурий воситалар ва ахборот билан қуроллантириш, уни юритиш жараёнларини ишлаб чиқиш ҳамда материалларни тайёрлаш ва таржима қилишни тақазо қилади.
11. Манфаатдор шахслар ва лойиҳа қатнашчилари иштирокидаги якуний тантанани тайёрлаш. Бу тайёргарлик (кичик базмли) тантанани режалаштириш, реклама қилиш ва ўтказиш, шунингдек унинг телевидение, газета ва илмий-маърифий нашриётларда имкон қадар ёритилиб, максимал таъсирга эга бўлишини таъминлаш учун оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланишни ўз ичига олади.
12. Лойиҳа ижрочи гуруҳи томонидан лойиҳа аудитини ўтказиш ва баҳолаш. Бунда маҳаллий мустақил эксперт лойиҳа муваффақияти ва олинган сабоқларнинг кадр-қимматини белгилайди.
13. ЛИГнинг лойиҳа жараёнида олинган сабоқлар юзасидан ОЎМТВ билан алмашадиган фикр-мулоҳазалари сессияси.

#### **Лойиҳа Иштирокчилари**

Грант координатори, **Тошкентдаги Халқаро Вестминстер Университети (ТХВУ)**, Ўзбекистонда халқаро миқёсда аккредитацияланган таълим дастурларини биринчилардан бўлиб тақдим қилишда сезиларли ижобий тажрибага эга бўлиб, Европа

амалиётини Ўзбекистондаги олий таълим соҳасига узатишда ўзига хос ўрин тутди. 2002 йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилганидан буён, ТХВУ Ўзбекистонда мустақил таълим технологияларини жорий қилишда яққол етакчилик қилиб келмоқда. Шунингдек ҳукумат томонидан унинг зиммасига модел сифатида иш тутиб, халқаро амалиётни олий таълим соҳаси бўйлаб ёйиш вазифаси юклатилган. Бу хусусда, ТХВУ алоқаларни ўрнатиб, Ўзбекистондаги бошқа университетларнинг ректорлари билан мунтазам учрашувлар ўтказди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Мисол учун, ТХВУ, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда, Ўзбекистон университетлари раҳбарияти учун, уларни Британия таълим тизими ва унинг Ўзбекистонда тадбиқ этиш тажрибаси билан таништиришга бағишланган семинарлар туркумидан иборат кўшма дастурни амалга оширишга киришишди. Уни кузатиб бориш ТХВУ ректори зиммасига юкланган. ТХВУ ректори олий таълим масалалари бўйича Президент маслаҳатчиси вазифасида ишлаган бўлиб, ОЎМТВга мустақил таълимни ривожлантириш борасида ҳаракат режасини ишлаб чиқишда кўмак бериши мумкин.

ТХВУ ходимлари ҳам ўзига хос мавқега эга бўлиб, ҳам Ўзбекистондаги олий таълим тизимининг ҳақиқий ҳолатини (унинг доирасида ўқиганлари ёки ўқитганлари боис), ҳам Европа тизимини (ўқитувчиларнинг аксарияти Европа университетларининг магистрлик даражаларига эгаллиги боис) яхши англайдилар. Ўзбекистондаги ўқитувчи ҳуқмронлиги кучли таълимда ҳам, Европадаги мустақил таълимда ҳам тажриба орттирганликлари туфайли, улар мустақил ўқишни соҳа бўйлаб тарғиб қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш учун ОЎМТВга кўмаклашишда муҳим ўрин тутадилар.

Буюк Британиядаги **Вестминстер Университети** ТХВУга у ташкил топган кундан буён ҳамкорлик қилади ва мустақил билим олишни ривожлантиришда, хусусан Маориф ташаббуси марказининг ютуқларидан фойдаланишда унга йўлбошчилик қилади. Айтиш жоизки, Маориф ташаббуси маркази раҳбари мустақил таълимни амалга оширишда ТХВУга кўмаклашиш учун Ўзбекистонга икки бора ташриф буюрган. ТХВУдан ташқари, Вестминстер университети Россия ва Хитойдаги ТЕМПУС ҳамкорлари билан яқиндан иш кўриб, янги қатнашчи мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга қатъий киришган. Доктор Анна Рампус дарс беришда 30 йилдан ортиқ тажрибага эга бўлиб, яқиндан бошлаб университет ўқув режаларини ишлаб чиқиш вазифасини бажармоқда, модулли тузилмалар, таянч билимларни аккредитациялаш ва кредит тўплаш билан боғлиқ ишларда иштирок этмоқда. У ҳозирда Университетнинг Маориф ташаббуси макази раҳбари бўлиб, бу бўлим таълим соҳасидаги ютуқларини қўллаб-қувватлайди ҳамда университетдаги ўқув режалари ва дарс бериш услубларига янгилик ва ўзгартириш киритишни тарғиб қилади. У шунингдек университетдаги бир қатор фан соҳаларига йўналтирилган коллежлар ва бошқа олий ва олий таълимдан кейинги таълим муассасалари учун ўқитиш ва билим олиш (жумладан мустақил таълим) масалаларида ходимлар малакасини ошириш амалиётини ўз ичига олади. ТХВУга қилган аввалги икки ташрифи ва ТХВУдаги ҳамкасблари учун ўтказган ўқув машғулотида кўшимча равишда, Анна хоним Нигерия ва Литвада ҳам тренинглар ўтказган. У шунингдек, университетнинг ўқиш, ўқитиш ва баҳолаш сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш, Олий таълим бўйича магистратура курси (илмий-методик кадрлар учун дастур), университетнинг таълим соҳасидаги тадқиқотлар маркази ҳамда университетга уюшган олий таълимдан кейинги таълим коллежлари ва бошқа таълим органлари билан ўрнатилган алоқалар учун масъулдир. У олий ва олий таълимдан кейинги таълимдаги ҳукумат молиялаштирган бир қатор лойиҳаларни қўлга киритиш, ривожлантириш ва амалга оширишда иштирок этмоқда.

**Адам Мицкевич университети (АМУ)** Польшанинг Познан шаҳрида жойлашган бўлиб, TEMPUS лойиҳаларида қатнашишда катта тажрибага эга ва унинг ўзи ҳам собиқ совет иттифоқи таъсиридаги таълим тизимидан Европа Ҳамжамияти меъёрларини ўзлаштирган тизимга ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Университет номидан лойиҳага иштирок этувчи эксперт, профессор Дилак Станислав, Польшанинг Таълим Вазирлигини қайта ислоҳ қилишда, шу жумладан қайта қуриш бўйича ишчи гуруҳнинг аъзоси ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва педагогик кадрларни тайёрлаш масалаларида таълим вазири маслаҳатчиси сифатида бу соҳада улкан тажриба орттирган. Педагогик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича тадқиқотлар департаменти раҳбари сифатида, у мустақил таълимга доир масалаларда кўпдан-кўп асарлар чоп эттирган (жумладан “Ўқув режасини тайёрлашга кириш” уч қарра қайта нашр этилган бўлиб, мустақил таълим учун зарур ўқув материаллари ва дарс бериш стратегияларига бағишланади). Унинг мавқеи ва тажрибаси Польша университетлари тажрибаси ва унинг Ўзбекистондаги олий таълим ислохотларига мувофиқлигидан бохабар бўлишда алоҳида аҳамият касб этади.

**Жамила Ғуломова (Британия кенгашининг Тошкентдаги ахборот ва ўқув ресурслари маркази менежери)** лойиҳани якуний баҳолашда мустақил эксперт вазифасини бажаради. У ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқув материалларини тайёрлаш ва очиқ таълим соҳасидаги бир қанча таълим лойиҳаларида иштирок этган. Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмасидаги раҳбарлик фаолиятдан сўнг, у “Очиқ таълим маркази” синови лойиҳаси бошқарувчиси сифатида Британия кенгашига кўшилди. 2004 йилда у Буюк Британиядаги Шеффилд коллежи тақдим этган очиқ ва масофавий таълим бўйича махсус курсни тамомлади.

## **II ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛИШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИГА ДОИР ЭҲТИЁЖЛАР ТАҲЛИЛИ ҲИСОБОТИ**

Ушбу қисм “Ўзбекистон олий таълим тизимида мустақил таълим салоҳиятини ривожлантириш” лойиҳасининг ижрочи гуруҳи (ЛИГ) томонидан амалга оширилган кенг кўламли тадқиқотга асосланади. Мазкур тадқиқот мақсади Ўзбекистон олий таълимида мустақил таълимнинг ҳозирги аҳволини турли нуқтаи назарлардан синчковлик билан ўрганишдан иборат эди.

Дастлаб ЛИГ аъзолари Вестминстер университети ва Адам Мицкевич университетининг малакали мутахассислари томонидан мустақил билим олишнинг замонавий масалаларига доир ўтказилган тренингда қатнашдилар. Тренинг давомида ЛИГ аъзолари мустақил таълимга турлича таърифлар ва қарашлар, мустақил ўқишнинг талаба ва ўқитувчилар учун манфаатли томонлари ҳамда уни Ўзбекистон олий таълим муассасаларида тадбиқ қилиш йўлларида хабардор бўлдилар. Лойиҳанинг иккинчи босқичида, ЛИГ аъзолари Лондондаги Вестминстер университети ва Познандаги Адам Мицкевич университетида мустақил билим олишни кузатиш имкониятига эга бўладилар. Гуруҳ ушбу университетларнинг педагогик ва маъмурий ходимлари ва талабалари билан учрашди ҳамда бу университетларда мустақил ўқиш қандай амалга оширилиши, дуч келинган қийинчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ва энг яхши амалиётларга назар ташлашга ҳаракат қилди.

Кейинга босқичда гуруҳ Ўзбекистоннинг вилоятлардаги 10 та ва Тошкентдаги 5 та олий таълим муассасасига ташриф буюрди. ЛИГ мустақил билим олишни муваффақият билан ривожлантиришга таъсир ўтказувчи ҳамма ва ҳар бир омилни қараб чиқишга ҳаракат қилди. Ташқи ва ички назорат тизимини белгилаб олиш, ушбу омилларни аниқлаш сари биринчи қадам бўлди. Қўйидагилар назоратнинг ташқи тизими, яъни университет назоратидан ташқари омиллар сифатида қаралади:

- таълим стандартлари;
- ўқув режаси;
- педагогик ходимлар ва талабалар ўқув юклараси;
- баҳолаш тизими;
- академик қоидалар;
- ўқув ресурслари;
- кадрлар малакасини ошириш тизими.

Назоратнинг ички тизими, яъни ички ёки университет қарорлари ва ҳаракатлари билан тартибга солинадиган ҳолатларга мисоллар:

- таълим йўналишини кўчириш учун шарт-шароитлар;
- ўқитиш ва билим олиш услублари;
- мураббийлик;
- талабаларни касбга йўналтириш;
- ижтимоий ҳаёт;
- таълим маркетинги.

## **Ташқи Назорат Тизими**

### **Таълим стандартлари**

Таълим стандартлари Ўзбекистон олий таълим муассасалари (ОТМ) даги ўқув жараёнлари табиатини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ)нинг 2001 йил 12 августдаги 343-сон буйруғига мувофиқ ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий университетлар бакалавр ва магистратура дастурлари учун Давлат олий таълим стандартларини ишлаб чиқишган.

Давлат олий таълим стандартлари таълим йўналишларининг зарурий мазмуни ва талабаларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабалардан иборат бўлиб, унда қўйидагилар қайд қилинган:

- кундузги ўқишнинг меъёрий муддати;
- малака даражаси таърифи;
- таълим йўналиши тавсифи ва касбий фаолият объектлари;

- касбий мослашув имкониятлари;
- ўқишни давом эттириш мумкин бўлган йўналишлар;
- битирувчининг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари;
- битирув малакавий ишларга қўйиладиган талаблар;
- Ўқув режаси тузилмаси ва мазмуни.

Гарчи таълим стандартларида ўқитиш натижаларига кенг қамровли таърифлар ва талаблар келтирилган бўлсада, олий таълимдаги ўқув жараёни бевосита ўқув режаси билан бошқарилади (ёки айтайлик олдиндан белгиланади).

Бакалавр босқичида ўқиш 4 йил ёки 8 семестр давом этгани ҳолда, магистр босқичи 2 йил ёки 4 семестрлик ўқув дастурини ўтишни талаб этади.

Умуман олганда, биз таълим стандарларида куйидаги чекланишларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

Фақат ягона битирув академик даража мавжуд бўлиб, ҳеч қандай оралиқ малакалар кўзда тутилмаган. Олий таълимда фақат битирув академик даража, яъни бакалавр ва магистр даражалари берилиши қонунчилик билан мустаҳкамланган. Бу эҳтимол қисқа муддатли масала бўлиб, ўтиш даврининг илк босқичида бўлгани каби Олий таълим ҳам ўзи тақдим қиладиган миллий олий маълумот даражаларининг сифати ва стандартларини таъминлаш учун бир қадар қатъий тузилмани талаб қилиши мумкин. Аммо очиқ бозор муҳити турли даражадаги малакаларга зарурият туғдиради. Бу бир томондан талабаларга ўз ўқишларини режалаштиришга, айниқса олий таълим вақт ва молиявий ресурсларни сарфлашни тақозо қилганда, яхши имконият берса, бошқа томондан, ташқи бизнес турли оралиқ малакаларга эга ходимларни ёллаш, уларни рағбатлантиришга эҳтиёж сезиши мумкин.

Битирув академик даражаларига қўйилган стандарт талаблар ўз таърифида кўра жуда кенг ва мавжум бўлиб, улар фақат битирувчидан талаб қилинадиган касбий сифатларни тавсифлайди. Академик даража учун талаб қилинадиган билим ва кўникмаларни тавсифловчи стандарт таърифлар етакчи университетлар томонидан турли мутахассислик соҳалари учун тузилган. Андозавий (“типовой”) таълим стандарти алоҳида даража ва мутахассислик учун мўлжалланган. Бу шуни англатади-ки, ҳар қандай янги мутахассислик учун олий таълим тизими малака ёки, аниқроғи, мутахассислик сифатларини белгиловчи махсус таълим стандартини талаб қилади. Муайян поғонали жараён доирасида таълим стандартини тасдиқлашнинг бундай жараёни, маълум маънода, Буюк Британиянинг олий таълим стандартларига асосан курсларни валидациялаш тизимида қиёсланиши мумкин. Бироқ ушбу тасдиқлаш жараёни анча ноэластик ва чекланган бўлиб, кўп вақтни олади. Бу эса кадрларга бўлган шиддатли бозор эҳтиёжларини ўз вақтида кондиришда олий таълим тизимида ҳалал беради. Бунга қўшимча равишда, таълим стандартлари касбий билим ва кўникмаларнинг даражалар бўйлаб қандай ривожланиб боришини баён қилмайди. Бу албатта турли даражалар учун ўқиш стратегиясини режалаштириш ва турли даражалар учун махсус ўқиш ва ўзлаштириш натижаларини аниқлашда мавҳумлик келтириб чиқаради.

Стандартлар талабага битирув малакасини олиши учун қандай махсус кўникмаларга эга бўлиши лозимлигини қайд этмайди. Бозор эҳтиёжларига жавобан, ОТМ ўқувчиларда нафақат фандаги билимларни, балки ўқишни давом эттиришлари ва касбий ҳаётда фойдаланишлари учун бир қанча қўшимча кўникмаларни ҳам ҳосил қилиши лозимдир. Бу кўникмалар замонавий рақобат муҳити ҳукм сураётган жамият аъзосининг барқарор ҳаёти ва камолоти учун янада муҳимроқ аҳамият касб этади.

**Талабаларнинг муайян даражадаги дастур доирасида ўз йўналишларини ўзгартиришлари кўзда тутилмаган.** Олий таълимнинг юқори босқичларида таклиф қилиш кўзда тутилган қўшимча фанлар жуда чекланган бўлиб, мавжуд мутахассисликлар ўқишни яна давом эттиришни талаб қилади. Магистратура босқичига қабул қилишда абитуриентлар олдида қўйилган баъзи чекловлар, хусусан таянч “мутахассисликнинг мос келмаслиги”, талабаларнинг кейинги ўқишлардаги ҳаракатланувчанлигини (яъни бошқа мутахассисликка кўчишларини) чеклаб қўяди. Бунга сабаб шуки, дерли барча магистратура курслари талабаларга асосан илмий изланиш фаолиятлари учун керак бўладиган илғор назарий билимларни ўргатишга мўлжалланган. Масалан, муҳандислик мутахассислиги бўйича бакалавр даражасига эга киши бизнес бошқаруви ёки санъат мутахассислиги бўйича магистратура йўналишида таълим ола олмайди.

### Ўқув режаси

Намунавий ўқув режаси таълим стандартларининг бир бўлаги бўлиб, маҳаллий университетларда жорий қилинган амалдаги ёки ишчи ўқув режаси учун асосий ҳужжат саналади. Педагогик кадрларга ўқув режасининг баъзи қисмларига ўзгартиришлар киритиш учун муайян эркинлик берилган бўлиб, бу қисмлар одатда юқори босқичлар ва мутахассислик фанларига тегишлидир. Ўзгартириш киритиш тартиби ҳам Вазирлик томонидан белгиланган бўлиб, баъзи кичик ўзгартиришлар университетлар доирасида ички тартибда амалга оширилиши ва кафедрадан тортиб то университет даражасигача бир неча босқичли тасдиқлашдан ўтиши лозим.

Бакалавр дастурларининг стандарт ўқув режасида<sup>1</sup> тўртта фан блоки кўзда тутилган:

1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар;
2. Математика ва табиий-илмий фанлар;
3. Умумқасбий фанлар;
4. Мутахассислик фанлари.

Стандарт ўқув режаси маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, семинарлар, курс ишлари ва мустақил ўқиш каби бир неча машғулотларга ажратилган. Гарчи мустақил ўқиш учун алоҳида соатлар ажратилган бўлсада, мустақил ўқишга жами соатларнинг 41 фоизи тақсим қилинганлигининг сабаби аниқ-равшан асослаб берилмаган. Мисол учун, баъзи фанлар бўйича талабалар курс ишлари бажаришлари зарурлиги кўзда тутилган бўлиб, табиийки, бундай фанлар талабалардан кўпроқ мустақил ўқиш вақтини талаб қилади. Аммо ҳозирда мазкур фанларга курс ишини талаб қилмайдиган фанларга ўхшаб айнан бир хил мустақил ўқиш соатлари ажратилган.


Бакалавр даражаси дастурини тамомлаш учун талабадан жами 7344 соат ўқишни талаб қилинади. Бу бакалавр даражаси учун мажбурий дарс бериш соатидир.

ОЎМТВнинг 2004 йилдаги 199-сонли буйруғига биноан, жами ўқув ҳажмининг 2992 соати (41%и) мустақил ўқиш учун ажратилган. Бу яхши нисбат бўлиб, талабаларнинг мустақил билим олишларини рағбатлантириш учун ўқув дастурида етарли вақтни таъминлаши мумкин. Гарчи ОЎМТВ талабаларнинг мустақил ўқиш вақтини қандай бошқаришга доир бир қанча йўриқномалар чиқарган бўлса ҳам, аниқроғи, мустақил таълимни таъминлаш учун муайян тузилма мавжуд бўлса ҳам, амалда университетлар

<sup>1</sup> Тошкент Давлат Техника Университети “Менежмент” йўналиши Бакалаври 5340200 учун ўқув режаси мисолида

ушбу соатларни ташкил қилишда жуда хилма-хил ёндошувлардан фойдаланадилар. Баъзида амалиётлар ўқув жараёнига зид келади ва баъзилари ўқув жараёнига салбий таъсир ҳам кўрсатади.

Қўйидаги диаграммада бакалавр босқичи маркетинг йўналишида (5340300) кўзда тутилган фан блоклари бўйича тақсимот ва нисбатни кўриш мумкин.



1- Диаграмма. Бакалаврият дастурида фан гуруҳлари нисбати.

1-Жадвал. Бакалаврият дастурида жами ўқув соатлар тақсимоти.

	Аудитория машғулоти	Мустақил ўқиш	Жами	%
Гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий фанлар	1102	758	1860	25%
Математика ва табиий-илмий фанлар	684	470	1154	15%
Умумқасбий фанлар	2094	1440	3534	48%
Мутахассислик фанлари	472	324	796	12%
	<b>4352</b>	<b>2992</b>	<b>7344</b>	<b>100%</b>

Барча фан гуруҳлари (маҳаллий тил билан айтганда блоклар) ни ўқитиш 8 семестр орасида бир текис тақсимланган. Мутахассислик фанлари гуруҳи (одатда 4 ва 5-блок) бундан мустасно бўлиб, асосан ўқишнинг сўнгги босқичида, 7 ва 8-семестрларда

ўқитилади. Гарчи юқори босқичлардаги таълим мустақил ўқиш стратегиясига кенгрок ёндашишни талаб қилсада, аудитория машғулоти ва мустақил ўқиш нисбати барча босқичларда бирдек қолган.

Юқоридаги ўқув режасини синчковлик билан таҳлил қилган холда, талабаларнинг мустақил ўқишини чекловчи кўйидаги омилларни қайд этишни жоиз билдик:

- Гуманитар ва ижтимоий фанлар каби, асосий мутахассисликка боғланмаган мажбурий фанлар ҳаддан зиёд кўп.
- Курс иши бериладиган ёки берилмайдиган дарслар учун бирдек мустақил ўқиш соатлари белгилангани инобатга олинганда, мустақил ўқиш соатлари асосли тақсимланмаган.
- Аудитория машғулоти ва мустақил ўқиш соатлари нисбати барча босқичларда бирдек бўлиб, таълимнинг юқори босқичлари учун кўпроқ мустақил ўқиш вақти ажратилмаган.
- Мустақил ўқиш соатлари қандай ва қайси турдаги машғулотлар учун ажратилиши аниқ-равшан тавсифланмаган.
- Танлов фан сифатида таклиф этиладиган дарслар жуда кам бўлиб, уларнинг соати гуманитар фанлар учун ажратилган соатлардан анча кам.
- Умуман олганда маърузалар соати семинар ва амалий машғулотлар соатидан кўпроқ.

### Ўқитувчи ва талабалар ўқув иш юкламаси

Амалга оширган тадқиқодларимизга асосан айтишимиз мумкин, ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув иш юкламаси Буюк Британия, Польша ва Ўзбекистон университетларида деярли бир хил. Фақат ушбу иш соатларининг мазмуни ва ташкиллаштирилишида фарқлар мавжуд.

Маҳаллий университетларда педагог ходимларнинг иш юкламаси миқдори ОЎМТВ нинг 2005 йил 22 июндаги 111-сонли буйруғига мувофиқ белгиланади. Унга кўра тўлиқ бир ҳажмда ишловчи ўқитувчининг иш юкламаси 1540 соат бўлиб, шундан 900-1100 соати бевосита дарс бериш ва илмий ишга раҳбарлик қилиш ажратилган.

Бакалавр дастури, мисол учун, 204 ҳафта (4 йил) даги вақтни ўқувчининг турли машғулотлари учун кўйидагича тақсимлашни тақазо қилади:

Бакалавр дастури учун ўқув жараёни таркиби	Ҳафталар сони	Семестр
Назарий ўқиш	136	1 - 8
Малака амалиёти	12	4, 6, 8
Рейтинг ва якуний давлат аттестацияси (ДА)	16 + 2 (ДА)	1 – 8
Битирув иши	8	8
Таътилар	30	1 – 8
<b>ЖАМИ</b>	<b>204</b>	



Таълим стандартига мувофиқ, талабанинг аудиториядаги ўқув соатлари ҳажми ҳафтасига 32 академик соатдан ошмаслиги ва мустақил ўқиш 24 соатгача бўлиши лозим. Аммо, фан дастурлари талабаларнинг мустақил ўқиш соатларини қандай ташкил қилиш мумкинлигини ҳар доим ҳам батафсил ёритмайди. Баъзи университетлар раҳбарияти томонидан, талабаларнинг мустақил ўқиш соатларини ташкил қилиш мақсадида, “аудитория” семинарлари тайинланган бўлиб, унда бир гуруҳ талабалар аудиторияда банд бўлишади ва ўқитувчининг гувоҳлигида ўз уй ишларини бажаришади. Кузатувларимизга асосан айтишимиз мумкинки, бу турдаги дарслар интерактив бўлиб, ўқитувчининг ҳуқумронлиги сезилмайди: талабалар ўз вазифаларини бажариш асносида истаган саволларини бемалол сўрайдилар, ўқитувчилар ҳам, ўз ўрнида, синф бўйлаб юриб, саволларга жавоб қайтардилар ва йўл-йўриқ кўрсатадилар. Ушбу “мустақил ўқиш” соатлари ўқитувчиларга қўшимча иш сифатида юкланган. Бироқ биз бундай дарслар талабани мустақил билим олишга бевосита рағбатлантиришдан кўра ўқитувчи ва талаба орасидаги алоқани янада мустаҳкамлайди деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистондаги таълим жараёнида спортга жуда катта аҳамият берилади. Спорт машқлари мустақил таълим учун ҳақиқатда жуда кенг имкониятларни яратади. Ўқиш/ўқитиш ҳажмини ҳам синчковлик билан кўриб чиқиш талаб этилади. ОЎМТВнинг профессор-ўқитувчиларнинг иш юкласини белгиловчи 111-сонли буйруғида кўзда тутилгандек, ҳар бир спорт тадбирини ташкил қилиш учун ўқитувчининг иш юкласидан 10-соат ажратилади. Қолаверса, ушбу “спорт тадбирларини ташкиллаштириш” соатлари йилига 40-соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Амалда эса, спорт мураббийсидан бир йилда 5-6 та спорт тадбирини ўтказиш талаб қилинади. Талабалар спорт машғулотларининг асосий қатнашчиси бўлганликлари туфайли, жисмоний тарбия соатлари талабаларнинг иш вақтини ҳам олади. Асосан спортда фаол бўлган талабалар одатда спорт машғулотларини устувор деб билиб бошқа дарсларга қатнаши суствлашади, спортда ютуқларга эришган талабалар эса босқичдан босқичга “силлиқ” ўтиб олишлари таъминланади. Бу - қараб чиқиш лозим бўлган алоҳида мавзудир.

### **Баҳолаш тизими**

ОЎМТВнинг 1999 йил 8 июндаги буйруғига мувофиқ баҳолашнинг рейтинг тизими қабул қилинган ва 2005 йилдаги янги буйруқ асосида бу баҳолаш тизими янада такомиллаштирилди. Бу тизимдан Ўзбекистоннинг барча олий таълим муассасаларидаги талабалар билимини баҳолашда фойдаланилади. Ҳозирда, баҳолаш уч тоифадан иборат: жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари. Ушбу компонентлар улуши Вазирлик томонидан қуйидаги тарзда белгиланган: 85% жорий ва оралиқ назорат учун ва яна 15 % якуний баҳолаш учун.

Рейтинг тизимига биноан, барча дарсларда баҳолаш, фан хусусиятларидан қатъий назар, аксарият ҳолларда қуйидагилардан ташкил топган:

- 4 та жорий;
- 2 та оралиқ;
- 1 та якуний имтиҳон (ёзма).

Ҳар бир университет 85% лик жорий ва оралиқ баҳолашни ўзига маъқул тарзда тақсимлаш ҳуқуқига эга. (Масалан, жорий ва оралиқ баҳолаш учун мос ҳолда 40 % ва 45%, 30% ва 55%, ва ҳ.к.). Бундан ташқари, ҳар бир ўқитувчи жорий ва оралиқ

баҳолашнинг янада кичикроқ компонентлари улушини қандай тақсимлашни ўзи ҳал қилиши мумкин. Лекин бу ҳам кафедралар томонидан тасдиқланиши лозим.

Умуман олганда, жорий ва оралик баҳолаш тахминан 6 та кичик компонентлардан тузилган бўлиб, улар жумласига талабаларнинг давомади, семинарлардаги фаол иштирок, конспектлар, тестлар, рефератлар ва шу қабиларни киритиш мумкин. Баҳолаш тури ўқитувчининг ихтиёрига ҳавола қилинади.

ЛИГ мавжуд тизим, айниқса, унинг талабалар билимини баҳолашдаги самараси ҳақида ўқитувчи ва маъмурият ходимлари, шунингдек талабаларнинг фикрларини билиш учун улар билан интервьюлар ўтказди. Қўшимча ҳолда, баҳолаш мезонлари, талабаларнинг курс ишлари ва имтиҳон варақалари яхши ўрганилиб, таҳлил қилинди. Натижада, мустақил таълимнинг амалга ошиши ва ривожланиши йўлида қуйидаги тўсиқлар аниқланди:

**Баҳолашлар сонининг кўплиги.** Ўтказилган суҳбатларнинг 47 %ига биноан, семинар мобайнида баҳолаш жуда тез-тез амалга оширилгани ўқитувчиларнинг иш сифатига ўз таъсирини кўрсатган. Баҳо қўйиш кўп вақт талаб қилувчи жараён бўлиб, бир семестр мобайнида еттига баҳолашнинг мавжудлиги сабабли, ўқитувчилар бошқа машғулотларга, жумладан илмий иш ёқлаш, маърузаларга тайёрланиш ва талабалар билан ишлаш, хусусан уларни мустақил ўқишга йўналтириш учун камроқ вақт бағишлагга мажбур бўлганлар. Қолаверса, умумий баҳолаш сифати пасайиб кетган. Ўқитувчилар бажарилган вазифани сифатли баҳолаб, талабага тегишли йўриқлар беришдан кўра, ишга қандайдир бир баҳо қўйиш билан қифояланганлар. Демак, баҳолашга бўлган юзаки муносабат талабаларнинг топшириқларга юзаки муносабатини келтириб чиқарган, бу эса уларнинг мустақил ўқишга бўлган иштиёқини сўндирган.

**Баҳолаш компонентлари улуши.** Гарчи университетларга жорий ва оралик баҳолашдаги улушларни (85%) тақсимлашда бир қадар эркинлик берилган бўлсада, якуний имтиҳон учун белгиланган улуш (15%) ҳамма фанлар учун бир хил қолмоқда. Шундай экан, баъзи фанлар учун белгиланган баҳолаш тизими талабалар билимини самарали баҳолаш имконини берса, бошқаларида фаннинг хусусиятларига мос равишда баҳолашга ожизлик қилади. Бундан ташқари, ҳозирги улушлар нисбати талабага фан ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиб, кейин баҳолашни имконини бермайди, негаки баҳолаш куллий, яъни бутун камровли эмас, балки жузъий, яъни қисм-қисм ташкил қилинган.

**Баҳолаш усуллари.** Тестлар, “реферат”лар ва шу каби баҳо қўйиш учун кўп вақт талаб қилмайдиган баҳолаш усуллари анча оммавийлашган. Уларда текшириш ҳам, алданиш ҳам осон. Айни бир хил баҳолаш турларининг йиллар мобайнида қўлланиши асносида талабалар бир-бирларидан осонгина кўчириш ва юқори натижаларга эришиш йўллари ўрганиб олишган. Гирромлик ва плагиат (кўчирмачилик) – мавжуд баҳолаш усуллари юзага келтирган иллатлар. Бунда энг аҳамиятлиси шуки, мазкур усуллар фақатгина юзаки ўқиш ва ахборотни ёдга олинишини баҳолайди, талабаларни чуқурроқ билим олишга чорламайди. Олиб борилган тадқиқотлар давомида маъмурий ходимларнинг 18%и эътироф этишича, бажариш учун ёзма топшириқлар кўплиги туфайли, мазкур баҳолаш тизими бошқа баҳолаш усуллари рағбатлантirmайди. Шунга қарамай, баҳолаш усуллари қайта кўриб чиқиш ҳамда мустақил билим олишни рағбатлантирувчи ва талабаларни танқидий ва таҳлилий фикрлашга ўргатувчи янгича баҳолаш усуллари жорий қилиш зарурияти мавжуд. Бу йўл билан билим олиш сифатини ҳам яхшилаш мумкин.

**Тақриз.** Талабага бажарган иши бўйича тақриз бериш тизими мустақил ўқишни ривожлантиришда жуда муҳим ўрин тутаяди, чунки тақриз, агар яхши ёзилган бўлса,

талабанинг кучли ва заиф томонларини кўрсатиши ҳамда уни мақсадли ўқишга йўналтириши мумкин. Тадқиқотдан кўринадики, Ўзбекистон Олий таълим муассасаларида талабаларга тақриз беришга жуда кам эътибор қаратилади. Одатда, тақриз атамаси талаба ва педагогнинг иккаласи учун ҳам талабанинг семинар мобайнидаги оғзаки жавобига ўқитувчининг берган шарҳларини аниқлатади. Ёзма равишда талабага тақриз бериш камдан-кам учрайди ва асосан умумий гаплар билан чегараланади.

### **Академик қоидалар**

Академик қоидалар масаласи университетларга қилинган сафарлар мобайнида тадқиқ этилмасдан, балки ТХВУда бўлиб ўтган семинарда муҳокамага қўйилди. Унда вилоятлар ва Тошкентдаги давлат университетларидан ҳамкасабалар иштирок этишди. Академик қоидалар таълимни тартибга солувчи муҳим омиллардан бири бўлгани боис, уни семинар давомида ўрганиб чиқишга қарор қилинди.

Муҳокамада куйидагиларга эътибор қаратилди:

- Қониқарсиз давомад учун ўқишдан четлатиш;
- Плагиат (кўчирмачилик);
- Имтиҳонда ғирромлик қилиш (шпаргалка ишлатиш);
- Курс ишларини тақдим қилиш муддатлари;
- Умумий ўқитиш жараёни ёхуд қўшимча дарсларни танлаш хусусида талабаларнинг фикрларини ифодалаш тизими;
- Академик қарзлар.

**Академик қоидалар.** Семинар мобайнидаги муҳокамада аён бўлишича, талабаларга берилиши лозим бўлган бирорта ҳам академик қоидалар жамланган китоб мавжуд эмас. Амалда фақатгина китоб эмас, бундай қонун-қоидаларни белгилайдиган ҳужжатлар ҳам йўқлиги ачинарлидир. Бунга қарши қиёсласак, Британия тизимида академик қоидалар китоби талабаларга биринчи кунлардаёқ берилиши шарт бўлган энг муҳим ҳужжат саналади.

**Қониқарсиз давомад учун ўқишдан четлатиш.** Гарчи 30 соатдан ортиқ қолдирилган дарс учун талабалик сафидан чиқариш қоидаси, умуман олганда, маълум бўлсада, университет таълим ҳақини тўловчи талабаларни бой беролмайди ва бу қоидага қатъий риоя этишда сусткашлик қилади.

**Плагиат (кўчирмачилик).** Маълум бўлдики, плагиат ҳеч қанақасига жазоланмас экан. Бунинг устига, баъзи маориф ходимлари “Китобдан олиб ёзилган иншо (реферат)га плагиат деб қараш керакми?” деган саволларни ҳам беришди. Барча ўқитувчилар талабаларнинг ёзиш кўникмалари умумий муаммо эканлигини билдиришди. Уларнинг айтишича, талабалар тегишли ёзиш кўникмалари билан қуроллантирилмаган. Улар тўғри ёза олмайдилар. Қолаверса, талабаларни илмий ёзиш кўникмаларига ўргатувчи дарснинг ўзи мавжуд эмаслигига ҳамқасблар иқрор бўлишди.

**Ғирром ёзувлардан фойдаланиш. (Шпаргалкалар).** Имтиҳон давомида ғирром ёзувлар (шпаргалкалар) дан фойдаланиш борасида ҳолат бир мунча фарқ қилади. Битта университетдан ташқари, ҳеч бирида бунинг учун талабаларга жазо тайинланмаган. Гарчи, битта институтда ғирромлик жиддий қаралсада, талаба бир бор, икки бор, уч бор

ва ҳ.к. қўлга тушганда қандай жазо тайинлашни назарда тутувчи қоидалар ёзма равишда мавжуд эмас.

**Муддатлар.** Курс ишларини тамомлаш учун қатъий муҳлат белгилаш кераклиги борасида ихтилофлар мавжуд. Ўқитувчилар қатъий муҳлат талабани пунктуал ва масъулиятли бўлишга ўргатишини яхши англайдилар, лекин қишлоқ хўжалик ишлари даврида академик жараён нисбатан беқарор бўлишини ҳисобга олиб, қатъий муҳлатни биринчи семестр учун жуда ноўрин деб биладилар.

**Талабалардан фикр-мулоҳазалар олиш тизими.** Таълим жараёнининг сифати ҳақида талабалардан фикр-мулоҳазалар олиш борасида аҳвол турлича. Баъзи университетларда, корридорларда махсус қутилар жойлаштирилган бўлиб, талабалар ўз ёзувларини унга ташлашлари мумкин. Яна, ушбу мулоҳазалар билан қандай иш кўрилиши университетдан университетга фарқ қилади. Уларнинг баъзиларида ректорнинг ўзи талабаларнинг фикр-мулоҳазасини ўқийди. Аммо барибир талабалар қўшимча дарсларни ўзлари танлай олмайдилар. Бу одатда кафедра мажлисида тасдиқланади.

**Академик қарзлар** тизими ТХВУ экспертларига таниш бўлган тизимдан тубдан фарқ қилади. Унинг фарқланишига, аввало, рейтинг тизими сабаб. Агар талаба оралик назоратда етарли балл тўплай олмаса, у ўз балларини тўлдириш учун қўшимча иш қилади, акс ҳолда у кейинги ёки якуний назоратда қатнаша олмайди. Яна шундай ҳолатлар ҳам бўладики, талабанинг умумий балли етарли бўлмайди ва бу ҳолатда унга ўша балларни жамғариши учун қўшимча иш қилиш имконияти берилади. Бундай талабаларга ўқитувчи билан учрашиб, вазифани олишлари ва унинг устида ишлашлари учун маълум вақт, одатда 2 ҳафта, берилади. Бу тизимга ҳам унчалик эътибор билан риоя қилинмайди. Қолаверса, “ўтди” – “ўтмади” баҳолаш мезонлари ҳам аниқ-равшан қилиб белгиланмаган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳеч қандай истисноларсиз жуда қатъий риоя қилиниши лозим бўлган кенг камровли академик қоидалар тўпламини ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

## **Ўқув ресурслари**

Ўқув ресурслари мустақил таълимни юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амалда, мустақил таълимнинг кенг тарқалган таърифларидан бири унинг ресурсларга асосланган таълим эканлигини назарда тутаяди. Кутубхона ресурслари қуршовида ишлашга асосланган дастур талабанинг ўз устида ишлашга бўлган рағбатини янада оширади. Ресурсларга асосланган таълим талабалар учун ресурсларга йўл очади ҳамда уларнинг университетдаги фаол ўқув жараёнларида машғул бўлишларини таъминлайди. Талабалар ўз ўқишлари учун тобора масъул бўлиб борар эканлар, мукамал кутубхона дастурлари бу борада уларга йўл-йўриқ, кўмак ва эркинлик беради. Ўқув ресурслари ва материаллари етарлича қизиқарли ва жозибали бўлиб, талабаларнинг ўқишга бўлган иштаҳасини очиши лозим.

Ҳозирги кунда, технологик тараққиёт таъсирида талабанинг билим олишига кўмак берувчи воситалар хилма-хиллиги ошиб бормоқда ва булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: компьютерга асосланган интерактив видео, CD-ROM ва гипермедиа ёзувларини ўз ичига олувчи воситалар; компьютерга асосланган мулоқот воситалари, жумладан электрон конференция, электрон почта, онлайн маълумотлар базаси ва Интернет; аудио-видео материаллар ва бошқа амалий ўқув қуроллари. Бунга қўшимча

равишда, телефон орқали машғулотлар, телеконференция ва видеоконференция сингари коммуникация воситалари иштирокидаги имкониятлар ҳам мавжуд.

“Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципиал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек аҳолини янада кенгрок ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлаш тўғрисида”ги 2006 йил 20 июндаги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарорнинг асосий моҳияти мавжуд кутубхоналарни барча замонавий ахборот воситаларига эга ҳамда ахборот ва ўқув ресурсларини топиш ва танлашда ёрдам берувчи Ахборот-ўқув ресурслари марказларига айлантиришдан иборат.

ЛИГ мустақил таълим учун маҳаллий университетлардаги ўқув ресурслари таъминоти жорий даврда қандай аҳволда эканлигини ўрганиш учун кенг кўламли сўровлар ўтказди. Жамоа аъзолари кутубхона раҳбарлари ва ходимлари билан суҳбатлар ўтказишди ҳамда кутубхоналарни кўздан кечиришди. Кузатув формалари ва сўровномалар тўлдирилди.

Мазкур сўровларда маълум бўлишича, ўқув ресурсларининг жорий ҳолати мустақил таълимнинг ривожланиши ва кенг ёйилишини тўлиқ қўллаб-қувватламайди. Сифатли таълим бериш, айниқса магистратура босқичида, ўқув ресурсларининг етишмаслиги ҳақида ўқитувчи ходимлардан бир қанча шикоятлар олинди. Талабалар ҳам худди шундай шикоятлар билдиришди.

**Китоб жамғармаси.** Гарчи кутубхоналарнинг кўпчилиги жуда бой китоб жамғармасига эга бўлсада (баъзи университетларда 1 млн. атрофида: масалан, Самарқанд Давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро Давлат университети), китобларнинг аксарияти 15-20 йил аввал сотиб олинган ва эскирган. Худди шу ҳолат ўртача ва факультетларнинг кичик кутубхоналарида ҳам кузатилади.

**Даврий матбуот нашрларига обуна.** Кутубхоналарнинг ҳеч бири халқаро ёки электрон нашрларга обуна бўлмаган. Лекин вазирлик томонидан таклиф этилган ва бепул таъминлаб берилган электрон нашрлардан аксарият ҳолларда талабалар хабардор эмас. Вилоят олий ўқув юртларидаги Интернетга боғланиш тезлиги сустлиги ҳисобга олсак, мазкур ахборот манъбаларидан фойдаланишнинг умуман имконияти йўқ.

**Тил муаммоси.** Маҳаллий тиллар (ўзбек, қорақалпоқ, тожик тиллари) даги дарсликлар етарли эмас. Вилоят талабаларнинг аксарияти фақат ўз она тилларида мулоқот қилишларини назарга олсак, бу муаммо талабаларининг таълим олишида жиддий чекланишларни вужудга келтиради.

**Китобга буюртма бериш жараёни.** Ўқитувчилар жамоаси ва кутубхона ходимлари китобларга буюртма бериш жараёнида иштирок этишмайди. Натижада, баъзи фанларга оид ўқув материаллари сони керагидан ортиқча бўлса, баъзиларида умуман йўқ. Китобга буюртма беришдан олдин, кутубхона ходимларидан умуман маълумот олинмайди. Сўнгги келтирилган китобларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий мавзуларга бағишланган. Биология, химия, бизнес, иқтисод ва шу каби фанларга оид адабиётларни харид қилишга талаб жуда юқори.

**Каталог тизими.** Барча кутубхоналар ҳамон қўл каталогидан фойдаланишмоқда, бу эса китоб излашга кўп вақт сарфлашни талаб қилади. Баъзи университетлар электрон кутубхона каталогини жорий қилишга уринишмоқда, лекин бунда бир қанча муаммоларга ҳам дуч келишмоқда, жумладан: электрон каталогга киритилиши керак

бўлган китоблар сони ниҳоятда кўп; фойдаланилаётган таснифлаш тизими эскирган (кутубхоналарнинг аксарияти ҳали ҳам Совет тизимидан фойдаланишмоқда), компьютер кўникмаларига эга ходимлар етарли эмас. Аксарият кутубхоначиларнинг ёши 55 дан ошган ва ойлик иш ҳақи қониқарсиз бўлиб, ўз малакаларини оширишга иштиёқи суст. Иш ҳақи камлиги туфайли, электрон кутубхона каталогини ташкил қилиш устида ишлаши мумкин бўлган, компьютер малакасига эга ёш ходимларни жалб қилиш мушкул.

**Кутубхона ходимлари ва аъзолари ўртасида мулоқот яхши йўлга қўйилмаган.** Талабалар ва ўқитувчиларни хабардор қилиш учун, доимий равишда янги келтирилган адабиётлар кўргазмаси ташкиллаштирилиши керак. Ушбу мақсадда кутубхонанинг веб саҳифасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Кутубхона жамғармасидан фойдаланиш тартиби.** Университетларидаги кутубхоналардаги мавжуд ўқув ресурсларидан фойдаланиш тартиб-қоидалар ўқувчиларнинг барча китоб жавонларидаги адабиётлардан бевосита фойдаланишга имконият бермайди. Бу эса китобга буюртма бериш жараёни узоқ ва самарасиз бўлишига сабаб бўлади, талабаларнинг гоҳида кутубхонадан китоб олиш нияти ҳам сўнади ва кутубхона ресурсларидан фойдаланишга бўлган қизиқиши йўқолади.

**Ахборот технологияси ресурслари** катта муаммо бўлиб, кутубхоналардаги компьютерлар сони етарли эмас. Аммо кутубхоналарда талабалар фойдаланиши учун мўлжалланган компьютерлар мавжуд бўлган университетлар ҳам учрайди. Лекин бу хоналар ёпиқ бўлиб, ҳеч бир компьютер талаба томонидан ишлатилмайди. Камдан-кам кутубхоналарда интернетдан фойдаланиш имконияти, чоп этиш ва нусха кўчириш воситалари мавжуд.

Кутубхонанинг **янги аъзолари учун ташкиллаштириладиган таништирув сабоқлари** самарасиз бўлиб, у фақатгина кутубхонанинг қўл каталогидан қандай фойдаланишни ўргатиш билан чекланади, бошқа турдаги ресурслар ҳақида ҳеч нарса тушунтирилмайди.

## **Кадрларни қайта тайёрлаш тизими**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кўрилган кўпгина чора-тадбирлар ва қилинган ташаббусларга асосланиб айтганда, ходимларни тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари талабаларга бериладиган таълим сифатини яхшилашда жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этиши ўз-ўзидан маълумдир. Тадқиқотларимиз доирасида, мазкур тизимга масъул бўлган мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари билан суҳбатлар ҳам ўтказилди. Қуйида бу тизимнинг бизнинг тадқиқотимиздан ҳосил бўлган умумий манзараси берилди:

**Умумий қоидалар.** Гарчи ҳар бир университет ўз ходимларининг касбий маҳоратини оширишга қаратилган бўлимга эга бўлсада, бу тизим мамлакат миқёсида Вазирлик томонидан мувофиқлаштирилади. Ҳар бир ўқитувчидан уч йилда бир марта малака ошириш курсини ўташ талаб қилинади. Бу малака ошириш курслари учта университетда олиб борилади: Ўзбекистон Миллий университети – гуманитар фанлар бўйича, Тошкент Давлат Техника университети – техника фанлари бўйича, Иқтисодий университет – иқтисодий фанлар бўйича. Бу курслар 2-3 ҳафта атрофида давом этади. Ўқитувчилар, ўз ташаббусларига кўра, малака ошириш давридан ўз илмий ишлари ва тадқиқотлари устида кўпроқ ишлаш учун фойдаланишлари мумкин. Бу бизнинг назаримизда анча фойдали ташаббусдир.

Гарчи, илгари, университетлардан маълум сондаги ўқитувчи кадрларни ушбу малака ошириш курсларига юбориш талаб қилинган бўлсада, яқинда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан, бу жараён энди мажбурий эмас. Шу кундан бошлаб, Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг йиллик жараёни қуйидаги кўринишда бўлади. Малака ошириш институтлари (ушбу ҳисобот мақсади учун МОИлар) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ўзлари таклиф қила оладиган курслар рўйхатини тақдим этадилар. Сўнгра Вазирлик бу рўйхатларни барча университетларга жўнатади. Кейин ҳар бир университетнинг Малака ошириш факултети ушбу рўйхатларни кўриб чиқади ҳамда тегишли малака ошириш курсларини ўтишга эҳтиёжи бўлган ходимларининг рўйхатини қайтариб Вазирликка юборади. Шундан сўнг Вазирлик ҳар бир Малака ошириш институти (МОИ) учун йиллик режа тузади ва МОИ бу режани йил якунигача бажариши лозим бўлади.

**Мураббий-услугиётчиларни танлаш.** Малака ошириш курсларини ўтказадиган тренер-мураббийлар турли университетлардан танланади ва муайян давр учун ёлланади. Қизиғи шуки, МОИлар томонидан мавжуд талаб ва эҳтиёжларни таҳлил қилиш учун ҳеч бир аниқ тартиб ишлаб чиқилмаган. Тренинг дарслари асосан ёлланган мураббийларнинг мутахассислик малакасига боғлиқ равишда тузилади. Бундан кўринадики, университетлар “Малака ошириш курслари рўйхати”да нима берилган бўлса шундан танлашлари лозим бўлади. Гарчи бундай тренинг курсларнинг сони кўп бўлсада, университетлар учун имкониятлар чекланган бўлади, сабаби ҳар бир университет мутахассислик фанлари учун ўз эҳтиёжига эга.

**Малака ошириш курсларининг самарадорлиги** яна бир муҳокама мавзусини ташкил қилади. Гарчи бу тренинглари бир неча йиллар аввал жуда самарали бўлгани таъкидлансада, эндиликда бу ҳол деярли кузатилмайди. Жуда кўп ҳолларда бу малака ошириш учун мўлжалланган даврдан бундай курс тингловчилари мутлақо ноўрин мақсадларда фойдаланишади, масалан норасмий таътил учун. Афсуски, курс ўталгани тасдиғи сифатида тренер-мураббий томонидан битта бланкани тўлдириш (муҳр босилган хат) кифоя қилгани сабабли, мураббий билан тегишлича “қелишиб олиш” учун тингловчилардан кўп машаққат талаб қилмайди.

Семинарда ошкор бўлган бу борадаги энг салбий ҳолатлардан бири шу бўлдики, ходимнинг малака ошириш курси рўйхатига тушиши, айниқса ўз соҳаси бўйича тренингга жўнатилиши, унинг томонидан салбий қабул қилинади.

Ваҳолан-ки, малака ошириш курслари битирувчиларни сертификатлар билан таъминлайди ва бу ҳолат тингловчилар томонидан яхши қабул қилинади. Қўшимча равишда, вазирлик малака ошириш жараёни устидан доимий мониторинг олиб боради.

## **Ички НАЗОРАТ ТИЗИМИ**

### **Талабаларнинг кўчиш имконияти**

Мустақил таълимда талабаларнинг кўчувчанлиги муҳим масаладир. Ҳозирги ҳолатда, таълим стандартлари талабанинг ўз таълим жойи ва йўналишини кўчиришига шароит яратиш учун ҳеч қандай талаб қўймайди. Маълум курсга қабул қилинган талабалар шу курсни тамомлашлари ва белгиланган даражани олишлари керак. Бироқ, олий таълим тизимида мавжуд амалиётга кўра, агар фан соҳалари бир-бирига яқин бўлса, талабани бир университет ёки мутахассисликдан бошқасига ўтказиш мумкин. Бу ҳолда талаба ўзининг янги ўқув дастурида мавжуд бўлган, лекин аввал ўқимаган барча фанларни қўшимча равишда олиши керак бўлади. Талабаларни йўналишдан йўналишга (ёки университетдан университетга) кўчириш тартиботи турли миқёсда махсус кўмиталар томонидан бошқарилади ва ҳар бир кўчириш тасдиқланади.

ОЎМТВ мамлакатдаги олий таълим соҳасини бошқариш ва такомиллаштириш учун давлат томонидан органлигини ҳисобга олсак ҳам, барча олий таълим муассасалари мазкур вазирликка тўлиқ бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатмайдилар. Баъзи олий таълим муассасалари ўзларининг асосий мутахассислик йўналишлари бўйича вазирликларга ёки давлат агентликлари ҳам бошқарувидадирлар.

Талабаларнинг турли “идоравий” олий таълим муассасалари орасидаги кўчиши ОЎМТВ томонидан ташкил қилиниб, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги махсус кўмита томонидан тасдиқланади. ОЎМТВнинг бевосита бошқарувидаги олий таълим муассасалари ўзаро талабаларининг кўчишини Вазирлик тасдиғи билан амалга оширсалар, олий таълим муассасаси ичидаги талабалар кўчишлари муссаа раҳбарияти тасдиғи билан амалга оширадилар. Албатта талаюаларнинг кўчишида мутахассислик йўналишлари катта аҳамиятга эга.

### **Ўқитиш услублари ва билим олиш кўникмалари**

Ҳисоботнинг ушбу боби Ўзбекистоннинг турли олий ўқув юртларида амалга оширилган 18 та маъруза ва 14 та семинар кузатувлари натижаларини таҳлил қилиш асосида ёзилган. Бу кузатувлардан асосий мақсад Ўзбекистон олий таълим муассасаларида дарс ва семинарларни олиб бориш йўллари аниқлаш, мустақил ўқиш қай даражада рағбатлантирилиши ва қўллаб-қувватланишини аниқлаш эди.

Гарчи бу кузатувларнинг ҳолислигини таъминлаш учун ҳаракат қилинган бўлсада, олдиндан тайёрлаб қўйилган ёки айтиш мумкинки “саҳналаштирилган” маъруза ва семинарлар ҳам кузатилди. Бу, одатга кўра, университетлар раҳбарияти томонидан Лойиҳа аъзоларини назоратчилар жамоаси сифатида қабул қилиш натижасида юз берди дейиш мумкин. Бу ҳолатларда объективликни таъминлаш учун интер- ва экстраполяция усули ишга солинди. Ҳар бир маъруза ва семинар ўз ҳолича бошқаларидан фарқли кўринсада, бир қанча умумий тенденциялар аниқландики, бундан келиб чиқадиган тегишли хулосалар ушбу ҳисоботнинг кейинги ўринларида тақдим қилинади.

**Талабаларнинг сони ва дарслардаги иштироки.** Талабаларнинг маърузалардаги ўртача сони 40 нафар ва семинарларда 17 нафар бўлиб, аксарият ҳолларда давомад етарлича қониқарли бўлади. Талабалар сони, умуман олганда, эътибордаги дарс мақсади учун етарли бўлади. Гарчи, синфда дарсдаги иштироки ҳамда билим ва янги маълумот олиш иштиёқи юқори бир қанча талабалар албатта топилсада, оғзаки огоҳлантиришдан



тортиб вақтинча ўқишдан четлатиш ва ҳаттоки талабалик сафидан чиқаришгача бўлган жазоланиш таҳдиди борки, улар талабалар давомадининг сезиларли улушини таъминлаб бериши кундек равшан.

**Кўргазмали қуроллар.** Синф тахтаси (доска) аксарият ўқитувчи ва мураббийлар томонидан ишлатиладиган асосий кўргазмали қурол бўлиб қолган. Шундай бўлсада, синф тахтасидан маърузалардан кўра семинарларда кўпроқ фойдаланишадикки, унда талабалар чиқиб ўқитувчи томонидан тахтада акс эттирилган муайян масалаларга ечим топишади. Синф тахтаси маърузалар пайтида асосан мавзу номини ва/ёки муҳокама қилинадиган муҳим тушунчаларни ёзиш учун ишлатилади.

Бироқ, телевизор, видеомагнитофон, лингофон, оддий ва рақамли проекторлар, PowerPoint слайдлари ва компьютер сингари анча илғор дарс бериш воситаларидан фойдаланишни маъқул кўрадиган (ва амалда фойдаланадиган) кам сонли муаллимларни ҳам кўриш мумкин. Айтиш жоизки, ушбу қуроллардан фойдаланиш билан дарс сифати яхшиланди деган хулосага бориш шарт эмас. Баъзи ўқитувчилар бу афзалликдан фойдаланишда беқиёс шижоат кўрсатишса (бирор янгилик киритиш, мавжуд қуролларни янгича йўллар билан ишга солиш, улардан максимал фойдаланиш орқали), бошқалари ундан шунчаки ўз йўлига фойдаланиб қўйишади холос. Мисол учун, чет тили дарсларининг бирида видеомагнитофондан қандай унумли фойдаланилгани бизнинг диққатимизни тортган эди. Муаллим “The Swan Prince” фильмини “товушсиз” равишда кўрсатади. Маълум нуқтада у видео тасмани тўхтатади ва талабаларни муҳокамага чорлаб, қўйилган видео лавҳанинг тахминий мавзуси ҳақида савол беради. Ундан кейин, мазкур видео лавҳа яна бир бор қайтирилади, фақат бу сафар товуш билан, ва талабалар ўз жавоб ва тахминларини таққослайдилар.

Бошқа ҳолатда, бир ўқитувчининг компьютердан семинар давомида фойдалангани кузатилди. Видеомагнитофонга қараганда компьютернинг имкониятлари кўп ва хилма-хил бўлишига қарамай, бу машинада талабалар электрон слайдларнинг бирма-бир ўтиши ва ҳар бир слайд кетидан муаллимнинг ўзгармас оҳангда шарҳ беришини шунчаки томоша қилишарди.

**Дарс ўтишга ёндашувлар.** Турли ўқитувчиларнинг дарс ўтишда “тўғри” йўлни танлашга бўлган ёндашувлари хусусида маълум бир ўрта чизикни тортиш ғоят мушкул. “Жуда масъулиятли”, “фаол”, “жуда агрессив”, “таҳдид билан иш кўрувчи”, “рағбатлантирувчи”, “асосан дўстона муносабатда, лекин тез-тез талабаларга бақириб туради”, “талабаларга жуда кўпол муомалада”, “шижоатли”, “мадакдор”, “босиқ ва ўзаро мулоқотда”, “интерактив”, “назоратчи ва ҳукмрон” каби сифатлар билан кузатувчилар томонидан ўқитувчиларнинг дарс ўтиш йўлларига тавсиф берилди. Бироқ, гарчи шижоатли ва дўстона муносабатга эга, ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга тайёр, ҳар доим талабаларни ўз фикрларини ифода этишга руҳлантирадиган бир қанча ўқитувчиларни кузатишдан баҳра олган бўлсақда, аксарият олиб борилган дарслар “ўқитувчи - ҳукмрон” кўринишда ўтгани, ахборот олишнинг ягона манбаи ўқитувчи деб эътироф этилгани ва бунга ҳеч шубҳа қилинмагани яққол кўзга ташланди. Талабалар ўқитувчининг қатъий назорати ва буйруғи остида олиб бориладиган дарсларда бу ақида яна бир бор ўз тасдиғини топади. Баъзи дарсларда талабалар берилган нотўғри жавоблар учун нафақат ёмон баҳо билан жазоланадилар, балки, янада кўпроқ, агрессив ва баъзи ҳолларда ҳақоратли йўллар билан танбех бериладилар.

Кузатувларнинг яна бир жиҳатини ушбу бобда айтиб ўтиш лозимки, ўқитувчиларнинг дарс ўтиш маҳоратлари ҳам турличадир. Мамнун бўлиш керакки, ўқитувчиларнинг аксарияти соҳалари бўйича ўз билимларига ишонишгани қайд қилинган. Бироқ уларнинг кўпчилигида оғзаки нутқ, презентация қилиш маҳорати

кониқарсиз бўлгани, хусусан “кўз алоқаси”, ўзини тутиш, овоз проекцияси яхши бўлмагани таъкидланган. Бу камчиликлар меъёрдан ошганда, бу ҳолат лоқайд ва иштиёксиз талабалар сонининг ортишига сабаб бўлган.

Муайян фан учун белгиланган **ўқув режаси ва фан дастури** мустақил ўқиш учун шароит ва имконият яратишда муҳим рол ўйнайдиган омиллардан саналади. Кузатувларда қилинган қайдлар шуни аниқ кўрсатадики, аксарият ҳолларда талабаларга муайян дарс мавзуларининг тўлиқ рўйхати семестр бошидан бериб қўйилади. Бироқ ўша мавзуларнинг ҳар бири бошқаларига қандай боғлиқлигини намойиш қилишга етарлича эътибор берилмагани ва бу ўз ўрнида дарснинг кадрига таъсир кўрсатгани туфайли, талабалар бу рўйхатни жиддий қабул қилишмайди ва фақат бир нечталаригина унда-бунда кейинги маъруза ёки семинарнинг мавзусини билиш учун унга мурожаат қилишади. Гарчи ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўтилган ва келгуси дарснинг мавзусига юзланишга жазм қилишса-да, буни кўпинча фан ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш учун боғлаш ва тушунтириш йўли билан бажариш ўрнига, эслатиш (эсга тушириш учун саволларни бериш орқали) ва хабардор қилиш тарзида амалга оширишади.

**Ўқув ресурлари.** Тегишли ўқув материаллари масаласи ҳам аксарият дарс бериш ёндашувлари учун яна бир умумий камчилик ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда, талабалар аудиторияни маъруза конспекти ёзилган дафтар билан тарқ этишади ва кейинги дарсга тайёрланиш учун ундан асосий манба сифатида фойдаланишади. Бу эса берилган мавзунини тўлиқ англаб етишда талабадаги имкониятлар доирасини торайтиради.

**Дарслар тузилмаси.** Кузатув қайдларидан яққол кўринадики, кўпгина дарсларнинг олиб борилиши тузилишига кўра бир-бирини такрорлайди. Маърузалар учун, масалан, “Кириш → мавзу баёни → (баъзида, ўтилган мавзунини ёдга солувчи саволлар) → янги мавзунинг диктант тарзида ёздирилиши → хулоса” кўринишидаги умумий формулага риоя қилинади. Семинарлар асосан талабаларнинг ўтилган мавзуга оид билимларини баҳолашдан бошланади (кўпинча уларнинг ҳаммаси саволларга жавоб бериши ва дарс учун маълум баҳога эга бўлиши талаб этилади) ва унинг кетидан янги мавзу ёздирилади. Қизиғи шуки, кузатилган семинарларнинг кўпчилиги олиб борилишига кўра маърузалардан фарқ қилмаган, чунки дарс вақтининг сезиларли қисми янги мавзунини ёздиришга бағишланиб, ўтилган мавзунини муҳокама қилишга кам, баъзан эса, умуман вақт қолдирилмайди.

**Маъруза ва семинарлар орасидаги нисбат** эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим мавзудир. Биз кутган “1 та маъруза : 1 та семинар” нисбатига қарши ўлароқ гувоҳ бўлдикки, баъзи маърузалар икки ҳафтада бир марта ўтказилган пайтда, семинарлар бир ҳафтада икки бора ташкил қилинган. Дарсларнинг бундай ташкил этилиши куйидагича асосланади. Маърузалар катта мавзунини жуда кенг доирада қамраб олса, унга эргашиб келувчи семинарларда айна мавзу батафсил кўринишда муҳокама қилинади.

**Талабаларнинг дарсларга қизиқиш даражаси.** Ўқитувчиларнинг интизомга бўлган кучли эътибори ва синфда лойиҳа аъзоларининг мавжудлиги шароитида, талабаларнинг дарсга бўлган ҳақиқий қизиқиш даражасини аниқлаш қийин кечди. Бироқ дарсда фаоллик ва иштиёқ даражасини, озми кўпми, объектив кўрсаткич деб олиш мумкин. Умумий кузатувга кўра, фаол бўлмаган талабалар улуши дарснинг иккинчи қисмига бориб яққол равишда ортган.

Жуда кўп ҳолларда пассив талабалар дарснинг бошидан охиригача бирдек қолишган. Бироқ, ушбу талабаларни жалб қилишга уринган ўқитувчилар асосан тўғридан-тўғри ва билвосита саволлардан фойдаланишган. Баъзи ҳолатларда, пассив эмас балки қизиқиши йўқ деб қараш мумкин бўлган талабалар ҳам кўзга ташланган.

Улар ўзларининг дарсга алоқасиз ишлари билан машғул ҳолда барчага ҳалал бериб, диққатни бўлинишига сабаб бўлишган. Ушбу талабаларни дарсга жалб қилишга уриниш ўрнига, уларга нисбатан, ҳалал беришни бас қилишлари учун, иш бериши амри маҳол бўлган чоралар кўрилган.

Деярли барча Ўзбекистон университетларида “диктовка ва конспект” маъруза ҳақида энг кучли тасаввур уйғотувчи элемент ҳисобланади. Интерактив усулдан фойдаланмаслик эса алоҳида мавзу. Гуруҳда ва биргаликда ишлаш, агар таъқиқланмаса, умуман рағбатлантирилмайди.

Умумий хулоса қилиб айтганда, гарчи кузатилган маърузалар ва семинарларга доир фикрлар юқоридаги муҳокамада тақдим қилинган бўлсада, уларга кенгроқ назар ташлаганда, бир неча саволларни илгари суриш мумкин.

“Давомад мажбурий бўлиши лозимми?” деган савол анча узоқ суҳбатга мавзу бўлиши мумкин. Мажбурий иштирокнинг зарурлиги мантиқан қандай асосланиши аниқ: талабаларга ушбу борада танлаш ихтиёри ва масъулият ҳеч бир тизимсиз бериб қўйилганда, улар дарсга қатнашиш имкониятини бошқа нарсаларга шунчаки алмашиб юборишади. Қолаверса, талабалар шунчаки дарсга келганлари учун “+” ёки баллар билан сийланишганда, уларнинг муҳокама қилинадиган мавзунини тушуниш этимоллари юқори бўлиши яна бир баҳсли масала. Бахтга қарши, шунини айтиш керакки, яхши давомаддан деярли ҳеч қачон унумли фойдаланилмайди. Талабаларни гуруҳли муҳокамалар, жамоавий ишлар ва ўйинлар, жуфтликда ишлаш ва шунга ўхшаш бошқа биргаликдаги машқлар билан машғул қилиш имконияти маърузалар ва ҳаттоки семинарлар мобайнида тўлиқ бой берилади.

Кузатув қайдларидан кўринадикки, дарс беришнинг турли усуллари билан фойдаланиш ва талабаларнинг дарсда иштирок этиш даражаси ўртасида ижобий боғлиқлик (корреляция) мавжуд экан. Доска дарс жараёни учун стандарт ва энг оммабоп қурол деб билинади. Шу боисдан, бирор бир фарқли воситадан фойдаланиш орқали талабаларнинг ҳаётига хилма-хиллик олиб кириш, дарснинг бошқаларидан ажралиб туришини таъминлаш ва шу билан унга бўлган қизиқишни жонлантириш мумкин. Аммо юқоридаги бир жуфт мисол “дарснинг интерактив ва қизиқарли ўтиши учун технологик жиҳатдан илғор ресурслар керак бўлади” деган ақидани йўққа чиқаради. Яққол ҳаётий мисолки, интерактив дарс ўтишда баъзи ўқитувчилар ҳеч бир қўшимча қуролсиз ҳам, ишга солиш учун маълум аппаратураси бўлганлардан кўра, кўпроқ муваффақиятга эришишган. Шунингдек, кузатув маълумотлари таҳлили ўқитувчининг дўстона, мададкор, руҳлантирувчи ва қатнашувчан муносабати билан талабанинг дарсда иштирок этиш ва фаол бўлишга хоҳиши ўртасида ижобий боғланиш борлигини намоён қилади.

Муаллимларнинг дарсга тайёрланиб келмаган талабаларга нисбатан кўпинча агрессив ва баъзан ҳатто кўпол муносабатда бўлиши кишини сергак торттиради. Бу йўл билан талабаларнинг тайёрланиб келишларига эришиш ҳаракати самара бериши даргумон. Яна ҳам аҳамиятлиси шуки, дарсга тайёрланиб келиш шунчаки тайёрлик учун бўлса, буни самарадорлик деб қараш мутлақо янглиш фикрдир. Чунки бундай ёндашув, кўпинча, талабани, мавзунини тўғри тушулмаган бўлса ҳам, шунчаки ахборотни ёдлаб олгани учун тақдирлашга сабаб бўлади.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида дарсга қизиқиши бўлмаган ва фаол иштирок этмайдиган талабаларнинг ўртача сони, шунингдек уларнинг ўқитувчилар томонидан қандай қабул қилиниши ва “сийланиши” – қайта кўриб чиқиш лозим бўлган яна бир масала.

Афсуски, аксарият ҳолларда, бу турдаги талабалар ўқитувчилар томонидан “ҳар бир дарсда ҳар доим топиладиган талабалар тури” деб билинган. Шу туфайли ҳам, ушбу талабалар билан муомала қилишда, ўқитувчилар уларни дарсга ҳалал беришдан тийишга интилишган холос. Бироқ, бу талабаларни дарс бериш сифатининг кўрсаткичи деб қаровчи ўқитувчилар сони унчалик кўп эмас. Ўқитувчиларда уларни дарсга жалб қилиш учун ҳаракат етишмаслигини гапирмаса ҳам бўлади.

### **Мураббийлик тизими**

Ўқиш даврида талабаларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш масаласи деярли барча олий таълим муассасаларида энг муҳим вазифалардан бири бўлиб келган ва шундай қолмоқда ҳам. Гарчи ҳар бир университет ушбу масала хусусида, турлича самарадорликда бўлса ҳам, ўз қарашлари ва сиёсатларини ўрнатган бўлсада, бу тизимни янада яхшилаш имкониятлари ҳар доим ҳам топилади.

Тошкент шаҳри ва Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги бир қанча университетларнинг ўқитувчи ва маъмурият ходимлари билан жамоамиз уюштирган узоқ суҳбатлар натижасида, Ўзбекистон олий таълим муассасаларида мураббийлик қандай йўлга қўйилганлиги ҳамда унинг мустақил ўқишни қай даражада рағбатлантириши ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилинди.

Мураббийлар ҳар бир факультет деканати томонидан тайинланади ва мувофиқлаштирилади. Мураббийлар асосан академик тажриба асосида ходимлар орасидан танлаб олинади. Афсуски, уларнинг муомала маҳорати, шунингдек талабалар билан ишлашга қобилияти кўпинча эътиборга олинмайди.

Мураббийларга ОЎМТВ томонидан нашр қилиниб, Ўзбекистоннинг барча университетларига тарқатиладиган буклетлар берилди. Бу буклетларда мураббийлар ўз талабалари билан ўтказиши лозим бўлган турли машғулотлар ва муҳокама қилиши зарур бўлган мавзулар рўйхати келтирилган. Бу буклетлардан ташқари мураббийларга уларнинг мажбуриятлари батафсил тасвирланган ва бошқа бир қанча маълумотларни ўзида жам қилган қўлланмалар берилди. Гарчи қўлланмаларда берилган рўйхатдаги мажбуриятлар анча умумий ва барчага маълум бўлсада, амалда, раҳбарият мураббийлардан анча ортикча, кўпроқ маданий-мафкуравий табиатга эга бўлган фаолиятни талаб қилади. Мажбуриятлар қаторидан талабанинг университетга қатнаш ҳолатидан доим огоҳ бўлиш, унинг ҳақидаги барча шахсий маълумотларга эга бўлиш ҳамда талаба билан алоқа ўрнатишда биринчи ва асосий восита бўлибгина қолмай, ҳомийликдаги талабаларнинг ҳар қандай катта хаттоси учун “айбланувчи кимса” ҳам бўлишлари ўрин олган. Кўпингина ҳолларда, мураббийлар мажлислар мобайнида раҳбариятдан таъна-дашномлар эшитишга мажбур бўлишади.

Вазирлик топшириғига биноан, Ўзбекистоннинг барча университетлари ҳар ойда “Маънавият кун”ларини ўтказишлари керак бўлади. Ўқув йилининг бошиданок мураббийлар талабалар билан йил давомида ўтказишлари лозим бўлган машғулотлари дастурини тузишлари керак. Ушбу машғулотлар рўйхати юқорида айтилган буклетларда келтирилган бўлиб, турли музейлар, театрлар, болалар уйларига сайр қилиш, тарихий қадамжоларга ташриф буюриш ва халқаро ташкилотлар билан учрашувлар уюштириш каби амалиётларни ўз ичига олади.

Эҳтимол мураббийлик тизимини йўлга қўйишнинг дастлабки режаси унинг имкон қадар самарали бўлишини кўзда тутгандир, лекин унинг амалдаги ижроси бир университетдан бошқасига, бир мураббийдан бошқасига фарқ қилади. Бу тизим “жадваллашган” ва мажбурий бўлгани сабабли, талабалар мураббийни, кўпинча,

шунчаки яна бир ўқитувчи деб билишади, зеро юқорида тилга олинган машғулотлар уларга кераксиз ва ортиқча ташвиш бўлиб тушади. Бунинг салбий ишораси ўз-ўзидан маълум. Нафақат талабалар ушбу машғулотлардан қочишга ҳаракат қиладилар, балки мураббийларнинг ўзлари ҳам мажбуриятларнинг кўпинча асл мақсадга мувофиқ келмаслигини яхши фаҳмлайдилар.

Ва, ниҳоят, мураббийлар фаолияти раҳбарият томонидан рейтинг асосида баҳоланади: бундай баҳолаш оқибати ижобий бўлиб, совғалар ва мукофотлар билан тақдирлашни назарда тутлади.

### **Талабаларни касбга йўналтириш**

Мустақилликка эришиб, ўз суверенитетини қўлга киритган Ўзбекистон сезиларли даражадаги интеллектуал салоҳиятни бой берди, чунки минглаб кишилар, шу жумладан, юқори малакали мутахассислар минтақани тарк этди. Олий таълим тизими ва ўтиш иқтисодиёти ўртасида яққол кўзга ташланган номувофиқликка зудлик билан эътибор қаратиш лозимлиги, мустақилликнинг илк йилларида, Президент Ислом Каримов томонидан алоҳида таъкидланган эди: “Ўқув юртларимизни битириб, таълим-тарбия олиб чиқаётган ёшларимизнинг олган мутахассислиги ва тайёргарлиги кўп жиҳатдан замон талабларига, бозор иқтисодиёти эҳтиёжларига жавоб бермаслиги кўзга ташланмоқда”. (“Баркамол авлод – Ўзбекистон тарққиётининг пойдевори”, 1997).

1997 йилда қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастури (КТМД) ва кейинги ҳукумат қарорлари ҳам “таълим тизимининг демократик ва бозор ислоҳотларига мувофиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари” (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги 48-сон Қарори) га эҳтиёж борлигини кўрсатди.

Бу чора-тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олган:

- Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан ишлаб чиқариш ва саноат соҳаларида битирувчиларга бўлган талабни мониторинг қилиш;
- Талабаларни ўқиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш амалиётлари ва бошқа кўринишдаги ишлар (стажировкалар) билан таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш;
- Иш берувчилар билан алоқани яхшилаш ва битирувчиларнинг имкониятларини ошириш масалаларини қамраб олиш учун олий таълим муассасаларининг маркетинг фаолиятини кучайтириш;
- Талабалар ва потенциал иш берувчиларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини акс эттириш учун ўқув режасини ислоҳ қилиш;

Бугунги кунда талабаларнинг олдида ишлаш учун қўйидаги муҳобил имкониятлар мавжуд:

**Шартнома асосидаги таълим олаётган талабалар.** Шартнома асосида таълим олаётган ва шартномаси ташкилотлар томонидан тўланадиган талабалар маълум давр мобайнида ушбу ҳомийлик қилувчи ташкилотларга ишлаб беришлари керак бўлади. Бу турдаги битим талаба ва ҳомий ташкилотнинг иккаласи учун ҳам фойдалидир. Талабалар кундузги бўлимда (яъни тўлиқ асосда) ўқишлари ва университетни тамомолагандан сўнг тегишли иш билан таъминланишлари мумкин. Ҳомий ташкилотлар ҳам бундан бир мунча манфаат кўришади, мисол учун, уларнинг солиққа тортиладиган даромади шартноманинг тўлов қийматига камайтиради. Солиқ байрамидан ташқари, компаниялар учун ишга ёллаш жараёни ҳам силлиқ ўтади, яъни ишга олиш жараёни мутахассисга кескин эҳтиёж юзага келишидан анча аввал бошланади. Қолаверса,

ташкilotлар бўлажак ходимларнинг “тайёрланиш” жараёнини ишлаб чиқариш амалиётлари ва рейтинг дафтарчалари орқали кузатиб боришлари мумкин бўлади.

**Грант асосидаги талабалар.** Университетлар грант асосидаги талабаларни уларнинг малакаларига бўлган талабга асосан тақсимлайди. Бугунги кунда мактаб ва университетларда ўқитувчи ходимларга кучли талаб кузатилмоқда. Мисол учун, Тошкент шаҳрининг ўзида маҳаллий мактаблар учун 40 дан ортиқ физика ўқитувчисига эҳтиёж мавжуд.

**Ишлаб чиқариш амалиётлари.** Иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқич талабалари ёзги таътил даврида ишлаб чиқариш амалиётларига қатнашадилар. Амалиёт натижаларига таянган ҳолда, ташкilotлар талабалардан ўқиш якунида ишни ушбу ташкilotларда давом эттиришни таклиф қилишлари мумкин.

**Иш ярмаркалари.** Университетлар, академик йил якунида, талабалар учун иш ярмаркалари ташкил қилиб, маҳаллий ҳукумат ташкilotларидан тортиб хусусий бизнесгача бўлган ташкilotларни таклиф қиладилар. Ўз-ўзини молияловчи (шартнома асосидаги) талабалар иш имкониятини ўзлари излайдилар.

### **Талабаларнинг ижтимоий ҳаёти**

Мустақил таълимни ривожлантиришда талабаларнинг ижтимоий ҳаёти ҳам муҳим омил саналади. Дўстлар, тенгдошлар ва ўқитувчилар билан бўладиган норасмий мулоқотларда талабалар баъзан муҳим ахборотларни олишлари, янги ғояларни топишлари ва ниҳоят ички қобилиятларини ўстиришлари мумкинлиги амалда ўз исботини топган. Шу боис, талабалар томонидан ва талабалар учун ҳар хил ижтимоий тадбирларнинг ташкил қилиниши доимо рағбатланиши лозим. Бироқ, айтиш жоиз-ки, ўқишдан ташқари ижтимоий тадбирлар таълим жараёнига ҳалал бермаслиги, балки талабаларнинг дарс жадвалига мавофиқ ҳолда ташкил қилиниши шарт.

Университетларга қилинган ташрифлар давомида талабалар билан қурилган суҳбатлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон олий ўқув юртларидаги талабалар университет ва шаҳар миқёсидаги турли тадбирларда иштирок этишган, университетдаги маълум жамиятнинг, аксарият ҳолларда “Камолот” ёшлар ташкilotининг аъзоси бўлишган. Улар турли тадбирларда иштирок этишга ўз қизиқишларини билдиришган. Лекин улар, мажбурий иштирок хусусида ўз норозиликларини ҳам билдиришган. Бу масалалардан умумий хулоса қўйида берилади:

**Мажбурий иштирок.** Баъзи ҳолларда ўқишдан ташқари ишларда қатнашиш кўнгилли равишда эмас, балки мажбурий асосда уюштирилади. Демак, талабанинг ўз феъли ва табиатига мос бўлмаган ишни қилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Мисол учун, талаба ақлий фаолиятга иштиёқ кўрсатишига қарамай, спорт тадбирларида иштирок этади ёки аксинча.

Кўпдан-кўп ёшлар ташкilotи уюшмалари мавжуд: талабалар касаба уюшмаси, талабалар уюшмаси, “Камолот” ёшлар ташкilotи ва ҳ.к. Яна бир бор, аъзолик мажбурий асосда. Ушбу ташкilotда бўлиш истаги бор-йўқлиги ҳақида талабадан сўраб ўтирилмайди, у шунчаки аъзо бўлиб киришга мажбур. Талабалар муайян ёшлар ташкilotида шунчаки “иштирок” этадилар, лекин унинг фаолиятларига қизикмайдилар.

**Қишлоқ хўжалик ишлари.** Муҳокамага қўйилган яна бир муаммо қишлоқ хўжалик ишлари мавсуми бўлиб, унда талабалар бир ой ёки ундан ортиқ (сентябр, октябр ойлари) банд бўладилар. Вилоятлардаги университетлар учун, биринчи семестр

мазкур мавсум сабабли икки даврдан ташкил топади ва талабаларнинг ижтимоий ҳаёти таалуқли равишда ташкил қилишни тақозо этади. Охирги икки йил ичида қишлоқ хўжалик ишлари мавсумини талабаларнинг билим олишларига салбий таъсирини камайтириш йўлида баъзи самарали ишлар қилинди. Қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг такомиллашуви ва зусусийлаштирилиши талабаларнинг билим олиш жараёнини узлуксиз бўлишини таъминлаши даркор.

**Телевидение** кўп вақтни олади, чунки талабалар китоб ўқиш ўрнига телевизор томоша қиладилар. Баъзи кишиларнинг фикрига кўра, телевидение талабаларнинг онгини захарлаб, уларнинг ички дунёсини ғариб қилади. Лекин бошқаларнинг фикрича, талабалар телевидение орқали фақат замонавий дунё омиллари билан юзлашадилар. Бугун телевидение, интернетга қиёслаганда, ахборот олиш ва кўнгил очишда асосий манба саналади. Шундай экан, агар телевизион компаниялар кўпроқ ўқув мақсадидаги маърифий дастурларни намоиш қилсалар, бу бутун жамият учун, айниқса, талабалар учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Китоблар**, бахтга қарши, талабаларнинг қизиқиш рўйхатида охирги мақомни эгаллайди. Бунга сабаблардан бири ўзбек ҳарфларининг кирил алифбосидан лотинчага ўзгаргани ва ўзбек тилига ўгирилган китобларнинг танқислигидир (10 йил олдин талабалар икки тилда мулоқот қилишарди: ўзбек ва рус тиллари. Бироқ эндиликда вилоятларда рус тилини ўрганишга қизиқиш сўнган).

### **Таълим маркетинги**

Таълим маркетингини тушуниш ва ривожлантириш, аниқроғи, университетда таклиф қилинадиган хизматларни телевидение, интернет, радио, газета, теле-анжуман каби ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш даражаси турли университетларда турлича. Баъзи вилоятларда, белгиланган ҳудудда фақат битта олий таълим муассасаси мавжуд бўлгани ҳолда таълим маркетинги яхши йўлга қўйилмаган. Бир қанча ўқув юртларига эга катта шаҳарларда, рақобат ҳисси университетларни маълум даражада тарғибот-ташвиқот ишларига киришишга ундайди. Бироқ, умуман олганда, университетларнинг таклифдаги хизматлар маркетинги билан умумий машғуллик даражаси паст. Қуйида бунинг эҳтимолий сабаблари берилади:

**Университет маркетинг бўлимлари фаол эмас.** Маркетинг бўлимларининг аксарият ходимлари ва аъзолари бўлимнинг асосий вазифаларидан огоҳ эмас. Бу ҳол ушбу бўлимларнинг расман “мавжуд” бўлишига ва демакки университет ривожини учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга масалаларда иштирок этмаслигига сабаб бўлмоқда.

**Ресурслар танқислиги.** Одатда университет маъмурияти маркетинг бўлими харажатлари учун университет бюджетидан маблағ ажратишда сусткашлик қилади. Бироқ сарфланган пул харажат сифатида эмас, балки нуфуз ва молиявий мукофот олиб келиши мумкин бўлган сармоя сифатида қаралиши лозим.

### **III. ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШНИ ЯХШИЛАШ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР**

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида мустақил таълимни янада ривожлантириш учун тавсиялар юқори бобда тавсифланган ички ва ташқи назорат тизими мундарижасига мос ҳолда, қисқа муддатли ва узоқ муддатли ривожлантириш ҳаракат режаси учун тузилди.

## ТАШҚИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ

### Таълим стандартлари

Аввал айтганимиздек, таълим стандартлари таълим бериш жараёнини тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Шундай экан, мустақил таълим муҳитини яхшилаш учун ушбу ҳужжатларга изчил ўзгартиришлар киритиш керак. Гарчи ОЎМТВ ва маҳаллий университетлар мустақил ўқишни устувор масала билиб, стандартларга ўзгартиришлар киритиш учун мунтазам иш кўрсаларда, олий таълим сифати ва стандартларини яхшилаш учун аниқ мақсадлар белгилаб олинмагани сабабли ушбу ўзгартиришлар мустақил таълим ривожини учун ўринли чора-тадбирлар сифатида ўзини оқламайди. Халқаро тажриба ва ТХВУдаги ўз амалиётимизга асосланиб, ЛИГ ва бошқа маҳаллий экспертлар томонидан ривожланишнинг илк босқичи учун қўйидаги тавсиялар мажмуи тайёрланди:

- Таълим стандартлари ОЎМТВ тузган гуруҳ томонидан битирувчиларга иш берувчи истиқболли ташкилот ва корхоналарнинг талаб ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиши керак. Жорий амалиётда, таълим стандартларини ишлаб чиқиш вазифаси ўзининг мавжуд ўқитувчи ходимларини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган етакчи университетларга юклатилади.
- Таълим стандартларини ишлаб чиқишда инновацион ёндашувдан фойдаланиш лозим, яъни стандартлар “бичими” ўқувчиларнинг манфаати ва эҳтиёжи нуктаи назаридан ҳам бажарилиши лозим.
- Фанлар сонини қисқа-муддатда 40%га, узоқ муддатда эса 60%га камайтириб, асосан мазмун ва ўқитиш стратегиясини яхшилашга эътибор қаратиш лозим. Бу орқали Ўзбекистон таълим стандартларини халқаро стандартларга яқинлаштириш мумкин.

Таълим мазмунини бойитиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- йирик интеграллашган мутахассислик йўналишлари ва фанлараро йўналишлар ихтисослашувини жорий қилиш;
- маълум фанларни ўрганишдан олдин талаба фанни ўзлаштириш учун қўйиладиган шартлар ва босқичлараро узвийликни жорий қилиш;
- ҳар бир фан учун курс сўнггида ўзлаштирилиши кутиладиган маълум билим ва кўникмалар таълим натижалари сифатида белгиланиши;
- юқори босқичларда танлов фанлар рўйхатини секин-аста кенгайтириш ва ўтиш (муваффақиятли ўзлаштириш) баҳоларига ойдинлик киритиш;
- ўқув режасида мустақил ўқиш таркиблари, услублари ва ташкил қилиш стратегияларини аниқ қайд этиш.
- Маълум соҳада олий маълумот даражасини олиш учун эгалланилиши зарур бўлган касбий билим ва кўникмалар талабларини аниқ белгилаш ва бундан



таълим жараёнини режалаштиришда ўқишдан кўзланган натижалар сифатида фойдаланиш. Киши барча нарсани ўргана олмайди, лекин бироз нарсани жуда яхши ўрганиши керак. Агар таълим стандартлари даражага қўйиладиган умумий билим ва кўникма талабларини аниқлаб олса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жорий таълим стандартлари педагогик университетлар белгилаб берадиган махсус таълим стандартларига таянади. Бироқ кенгроқ фан соҳасидаги малака учун умумий билим ва кўникма талаблари ишлаб чиқилса, ўқув режасини ўзгартириш ва янги курсларни жорий қилишда мослашувчанликка эришиш мумкин.

- Баъзи фан соҳаларини бир таълим стандарти доирасида умумлаштириб, тор доирадаги масалаларга бағишланган мутахассислик фанларини кўпроқ танлов фанлар сифатида таклиф қилиш орқали ички фан тармоқларини жорий қилиш. Билим ва кўникмаларга қўйиладиган умумлашган талабларнинг белгиланиши кенг фан соҳаларида камроқ сондаги таълим стандартларини ишлаб чиқиш эҳтиёжи туғилади. Танланадиган асосий ва танлов фанлар тўпламига асосан ўқувчиларнинг махсус фан йўналишларини белгилаб олиш ҳамда танлов фанлар сонини кўпайтириш ёрдамида талабаларга кўпроқ кўчувчанлик имкониятини ва университетларга таълим бериш жараёнини тартибга солишда мослашувчанликни тақдим қилиш мумкин.
- Билим ва кўникмаларга бўлган босқичма-босқич малакавий талабларни ўқиш босқичига мос ҳолда белгилаш. Бу ўқитувчи ходимларга ўқишнинг турли босқичлари учун ўқитиш ва баҳолаш стратегиясини ишлаб чиқишда ёрдам беради.
- Қўйиладиган талабларни таърифлашда “минимум” сўзидан фойдаланиш керак.
- Камида битта оралиқ даражани жорий қилиш. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида барча талабалар ҳам тўрт йиллик ўқишни танафуссиз тамомлай олишмайди. Шу сабабли битта оралиқ даражани жорий қилиш ва илк олий таълим малакаси сифатида расман қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ва узок муддат учун:


- Малакаларни белгилашда ўлчовлар технологиясига ўтиш. Бир университет ёки мамлакатдан бошқасига ўтиш учун ўрганилган ва/ёки ўргатилган билим ва кўникмалар ўлчаниши лозим. Бу масала ҳозирги глобаллашув асрида катта аҳамият касб этмоқда, негаки ички бозорлар кўшни мамлакатларнинг бозорлари билан бирлашиб, малакали ишчилар миграцияси учун тўсиқлар йўқолиб бормоқда;
- Ўқишнинг ҳар босқичида оралиқ малакаларни белгилаш. Олий таълим учун ўлчовлар белгилангач, талабаларнинг ҳар бир босқичда эришган ютуғини тан олиш лозим бўлади. Бунда уларнинг ҳар бир фандан билим ва кўникмаларини баҳолаш эмас, балки ўқишнинг бир босқичини тамомлаб чиқишда маълум малака билан тақдирлаш орқали улар жамғарган билим ва кўникмаларни эътироф этиш назарда тутилади;
- Йўналишга қаратилган таълим стандартларидан малакага қаратилган таълим стандартларига ўтиш. Ҳозирги кунда барча ривожланган олий таълим тизимлари, масалан Буюк Британия ва Шимолий Америка тизимлари, сифат ва стандарт

борасида малака стандартлари билан мувофиқлаштирилади. Ўзбекистон олий таълим тизимида, олий таълим малакаси ва ҳар бир мутахассисликка қўйилган талаблар меъёрий ҳужжат (таълим стандарти) сифатида қатъий белгилаб қўйилган. Бу эса ОЎМТВ ва университетлардан бир уюм таълим стандартлари ва расман тасдиқланган йўналишлар билан фаолият юритишни талаб қилади. Малака стандартларини белгилаш ва тасдиқлаш орқали университетлар бозор иштирокчилари томонидан талаб юқори бўлган йўналиш дастурларини қисқа фурсатда тасдиқлаб, жорий қила оладилар ва оқибатда кадрларга бўлган бозор эҳтиёжларига ўз вақтида жавоб қайтаришга имкон яратадилар;

- Ҳар бир малакавий даражани сертификатлаш.

### Ўқув режаси

Ўқув режаларини ҳам босқичма-босқич такомиллаштириш керак. Қўйидаги чизмада биз ўқув режасини икки босқичда такомиллаштириш учун бир моделни тавсия қиламиз.



Чизмадан кўриниб турганидек, ўқув режасининг мазмуни ва тузилишини белгиловчи стратегияни бакалавр курслари учун шундай ишлаб чиқиш керакки, гуманитар-ижтимоий ва математика-табиий фанларнинг ўқитиш стратегиясини оптималлашуви эвазига мутахассислик фанлари улуши берилган давр мобайнида тобора ўсиб борсин. Биз, шунингдек, фан гуруҳлари орасида соатлар тақсмоти учун қисқа муддатли режани таклиф қиламиз. Бу қўйидаги жадвалда ифода этилган:

Фан гуруҳлари	Соатлар		
	Аудитория машғулоти	Мустақил ўқиш	Жами
Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	576	704	1280
Математика ва табиий илмий фанлар	864	1056	1920


Фан гуруҳлари	Соатлар		
	Аудитория машғулоти	Мустақил ўқиш	Жами
Умумқасбий фанлар	576	704	1280
Ихтисослик фанлари	864	1056	1920
	<b>2880</b>	<b>3520</b>	<b>6400</b>

Ўқув режасидаги фанлар улушига оид ўзгаришлар динамикасини кўриш учун ушбу жадвалга юзланамиз:

Фан гуруҳлари	Жорий	Қисқа муддат
Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	25%	20%
Математика ва табиий-илмий фанлар	15%	30%
Умумқасбий фанлар	48%	20%
Мутахассислик фанлари	12%	30%
	<b>100%</b>	<b>100%</b>

Мустақил ўқиш ва аудитория машғулоти соатлари ҳам ўзгартирилиши керак. Ҳозирда ўқишнинг 59%и аудиторияда ўқитувчи билан амалга оширилади. Узоқ муддатли истиқболда, ўқиш соатларининг 65%и мустақил ўқишга ва фақат 35%и синф ишларига ажратилиши лозим. Бу режа ҳам бошқа таклифлар сингари босқичма-босқич ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Қўйидаги жадвал ўқув режасида мустақил ўқиш вақтини қандай оширишга доир бизнинг таклифларимизни намоиш қилади:

#### Аудитория машғулоти ва мустақил ўқиш нисбатини яхшилаш учун тавсия



## Ўқитувчи ва талабалар учун ўқув иш юкلامаси

Ўқитувчи ходимлар ва талабалар учун белгиланган иш юкلامаси ташкили ва тузилиши жихатидан қайта кўриб чиқилиши ва мустақил ўқиш амалиётларини илгари суришга мос ҳолда ўзгартирилиши керак. Маҳаллий мутахассислар, яъни маҳаллий университетлардаги таълим бериш жараёнида машғул кишиларнинг таъкидлашича, қисқа муддатли истиқболда маъруза дарслари ҳафтасига 28/22 академик соатдан ошмаслиги лозим. Оқибатда талабаларнинг ўқув режасида мустақил ўқишга кўпрак соатлар ажратилади. Бу босқичда бир ўқитувчининг ҳафталик дарс бериш юкلامаси 16 соатдан, йиллик фаол иш ҳажми 650 ва умумий пассив иш ҳажми 1200 академик соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Бу иш ҳажми узоқ муддатда ҳам сақлаб қолиниши мумкин.

Экстерн тарзида ўқиш ва масофавий ёки электрон таълим тарзи ҳам таълим стандартлари ва уларнинг талабларида эътиборга олинishi лозим.

Узоқ муддатли режада, талабаларнинг ҳафталик 54/50 соат ўқиш вақтидан 18-20 соати аудитория машғулоти учун, 32-34 соати мустақил ўқиш учун белгиланиши мақсадга мувофиқ .

Ўқитувчи ходимлар учун иш соатларини тақсимлашда сифат ва профессионал тажриба омиллари ҳам эътиборга олинishi лозим. Фаол илмий изланиш билан машғул ходимларнинг ўқитиш соатлари камроқ бўлгани маъқул. Фаол олимлар одатда ҳар қандай университетнинг нуфузини оширади ва айна пайтда бошқа талабаларни ҳам муайян илмий иш билан машғул қилади.

Фан хусусиятлари ҳам ўқув ишлар юкلامаси таркиби ва тузилмасини белгилаши мумкин. Умуман олганда биз аудитория машғулоти ва мустақил ўқиш соатлари нисбати ягона бўлишини, яъни ҳар бир дарс учун бир хил нисбатда колдиришни таклиф қиламиз.

Масалан, мазкур лойиҳа мутахассислари жисмоний тарбия ўқитувчилари учун мустақил ўқув машғулотларига қўшимча вақт қисмларини ажратишни тавсия қилишади. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

№	Фаолият тури	Фаолият кўлами		
		Университет миқёсида	Шаҳар, туман миқёсида	Мамлакат миқёсида
1.	Спорт беллашувга тайёргарлик:			
	- беллашув шартларини тузиш	1-2 соат	2 соат	2 соат
	- жамоаларни таклиф қилиш (6-7)	1 соат	4-5 соат	4-5 соат
	- беллашув ўтказиладиган жойни тайёрлаш	2 соат	4 соат	4 соат
2.	Беллашувни ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш			
	- жамоаларни саралаш	1 соат	2 соат	2 соат
	- беллашув кундалигини ишлаб чиқиш	1 соат	2 соат	2 соат
	- ҳакамлар рўйхати	0.5 соат	1 соат	1 соат

№	Фаолият тури	Фаолият кўлами		
		Университет миқёсида	Шаҳар, туман миқёсида	Мамлакат миқёсида
	- беллашув жадвали	2 соат	2 соат	2 соат
	- ҳайъат аъзолари	2 соат	2 соат	2 соат
3.	Беллашувни ўтказиш	4-6 соат	6-8 соат	6-8 соат
4.	3-4 кунлик беллашув	12-24 соат	24-32 соат	24-32 соат
5.	Беллашувга якун яшаш, ҳакамлар учрашуви, совринларни тайёрлаш ва х.к.	2 соат	2 соат	2 соат
6.	Ҳисобот	2 соат	2 соат	2 соат
<b>ЖАМИ</b>		<b>23-30 соат</b>	<b>45-50 соат</b>	<b>45-50 соат</b>

Талабаларнинг мустақил ўқишини ташкил этиш учун ўқув иш соатларининг ажратилиши мустақил таълим муҳитини шакллантириш ва ушлаб туриш учун, маълум маънода, мукофот ва айни пайтда йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади.

### **Баҳолаш тизими**

Ҳозирги баҳолаш тизимининг самарадорлигини оширишда, таълим ходимларининг ҳам, талабаларнинг ҳам баҳолаш ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириш катта аҳамият касб этади. Баҳолашга кўшимча ташвиш сифатида эмас, балки талабаларни ўз билим ва кўникмаларини мунтазам оширишга ундовчи ҳамда ходимларни талабалар билан биргаликда қанчалик унумли иш олиб борганликлари ҳақида хабардор қилувчи восита сифатида қараш лозим. Жорий баҳолаш тизимини яхшилаш учун ЛИГ томонидан илгари суриладиган баъзи бир тавсиялар куйида келтирилади.

**Баҳолаш компонентлари улуши.** Баҳолаш улушлари ва усулларини белгилашда ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусияти алоҳида инobatга олиниши лозим. Акс холда, баҳолаш ўтилган курсдан олинган яхлит билим ва кўникмаларни акс эттирмайди. Рейтинг тизимининг яхшироқ ишлашига эришиш учун, улушлар тақсимотини анча мослашувчан қилиб белгилаш керакки, баҳолаш фаннинг хусусиятларига монанд баҳо беришга йўналсин, юзаки билимни ва ахборотнинг ёдга олинишини синашга эмас.

**Баҳолаш учун иш ҳажми.** Баҳолашнинг сифатини ошириш учун баҳолаш учун бажариладиган ишлар сонини камайтириш керак. Баҳолаш тизимини тартибга солишда ходимларнинг иш вақти ва ресурслар сарфи инobatга олиниши керак. Айниқса, ходимлар зиммасидаги баҳолаш юки ортикча бўлмаслиги керак. Ҳозирги баҳолаш тизими “Барча баҳолашлар сўзсиз зарурми ёки уларнинг баъзиларини умумлаштириб, қолганларини батамом бекор қилиш мумкинми?”, деган саволни ўртага ташлаши керак. Синов топшириқлари сони камайганда хилма-хил баҳолаш усулларини қўллаш, талабаларга бажарилган иш борасида юқори сифатли тақриз бериш ҳамда талабалар ва ходимларнинг баҳолашга бўлган умумий қизиқишини ошириш имконияти ҳосил бўлади.

**Баҳолаш усуллари.** Жорий баҳолашда усуллар хилма-хиллиги етишмайди. Рефератлар, тестлар, ёзма имтиҳонлар баҳолаш қуроллари сифатида одат тусига кирган.

Кетма-кет имтиҳонлар шаклига кўра такрорланганда (жуда кўп тестлар ёхуд жуда кўп рефератлар олинганда) талабалар берилган имтиҳон шаклида яхшироқ натижа кўрсатадиган бўлишлари мумкин, бироқ уларнинг умумий билим олишлари чуқурлашмайди. Шу туфайли, талабаларнинг баҳолашга бўлган қизиқишини доимий таъминлаш, хилма-хил кўникмаларни шакллантириш ва билим олиш кўламини кенгайтириш мақсадларида баҳолашнинг турли усуллари изчил равишда қўллаш муҳимдир. Баҳолашнинг хилма-хил усуллари қўллашга яна бир зарурат шуки, барча баҳолаш усуллари маълум талабаларга, хусусан ёзиши секин, нутқи заиф, тасвирда маҳоратсиз бўлганларга ўз билимларини борича намойиш қилишга имкон бермайди. Ҳар доим айна бир талабалар ўз билимларининг тўғри баҳоланишлари имконсиз бўлиб қолмасликлари учун, бир қатор баҳолаш усуллари барпо қилиш лозимки, бу сифатли баҳолаш тизимига эришиш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Тақриз бериш тизими.** Буюк Британия таълим тизимида, талабаларга бажарилган иш борасида тақриз бериш (feedback) билим олиш муваффақиятини таъминловчи жараён деб қаралади. Мазкур лойиҳа доирасида олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, Ўзбекистон олий ўқув юртлиларида бажарилган вазифага ўқитувчи томонидан индивидуал тақриз беришга жуда кам эътибор қаратилади (суҳбатга тортилганларнинг 47%и таъкидлашича, баҳолаш ташвиши ва баллар тақсимотининг мураккаблиги шунга сабаб бўлар экан). Шунини билиб қўйиш керакки, баҳонинг бир ўзи талабанинг айнан қаерга эътибор қаратиши кераклигини айтиб беролмайди. Агар баҳога кўшиб тегишли шарҳлар, тақриз ва тавсиялар берилса, бу талабаларга йўналиш бериши ва билим олиш сифатини яхшилаши мумкин. Бироқ шунини ҳам эслатиш керакки, барча турдаги тақриزلар ҳам фойдали бўлавермайди. Ўқитувчилардан бирор кўринишда тақриزلар ёзишни талаб қилишдан аввал сифатли тақриз бериш маданиятини шакллантириш зарур, яъни бериладиган тақриз танқидий бўлмаслиги, балки ишни яхшилаш учун нима қилиш кераклигини аниқ ва равшан кўрсатиши лозим.

**Ўқув ресурслари.** Тадқиқотдан кўринадики, талабаларнинг 50%и имтиҳонларга тайёрланишда фақатгина маърузалар давомида ёзиб олинган қайдлар (конспект)дан фойдаланадилар. Бу албатта соғлом ҳолат эмас, чунки талабалар маъруза мобайнида ўзлари ёзишга улгурган ахборот улушига қарам бўлиб қолишади. Таълим самарадорлигини ошириш, айниқса мустақил ўқишни кучайтириш учун талабаларни турли ресурслар, жумладан электрон дарсликлар, интернетдаги манбалар, газета ва журналлардан фойдаланишга, шунингдек турли манбалардаги ахборотни таққослаш ва таҳлил қилишга ўргатиш лозим. Бундан буён маъруза ва семинарларда маълум бир фанга тегишли барча маълумотни қамраб олиш имконсиз бўлиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам маълумотдан бохабар бўлган талабаларни билимли деб бўлмайди. Талабаларни ахборот билан таъминлашнинг энг унумли йўли бу уларни турли хил ўқув-ресурс материалларидан фойдаланишга қобилиятли қилиш ва ресурслардан қандай фойдаланишни ўргатишдир.

### **Академик қоидалар**

Британия таълим тизимидаги тажрибага асосланган ҳолда, академик қоидалар борасида қўйидагиларни тақриф қиламиз.

**Давомат қоидалари.** Ҳозирги Британия таълим тизимида дарсларда иштирок этиш мажбурий эмас. Уларнинг ёндашувга кўра, талаба балоғатга етган инсон бўлиб, ўз таълим жараёнини ўзи бошқара олиши керак.

ТХВУ ҳам ўз фаолиятининг дастлабки уч йилида худди шу ёндашувни қўллади. Шундан сўнг тажриба кўрсатдики, кўпгина талабалар иштирок эркинлигини суистеъмол қилишди ва оқибатда муваффақиятсизлик жабрини тортишди. ТХВУ семинарларида мажбурий иштирок жорий қилингани ҳолда, маърузаларга қатнашиш ҳамон эркинлигича қолган. Бундан ташқари, талаба ҳаётида баъзи бир қўтилмаган вазиятлар юз бериши мумкинлигини тан олган ҳолда, давомад сиёсати талабаларга семестрдаги барча семинарларнинг учдан бир қисмини қолдиришга рухсат беради. Агар талаба бир ёки бир неча фанда семинарларнинг 1/3 қисмидан кўпроғини қолдирган бўлса, унда жазо тизими ишга тушади ва унга кўра университет талабага таълим беришни тўхтатиш ёки уни ўқишдан четлатишга ҳақли бўлади.

**Баҳолаш қоидалари.** Буюк Британия (хусусан Вестминстер Университети) амалиётига мувофиқ, баҳолаш учун масъул маъмурият Бакалавр (Магистр) факультети идорасидаги алоҳида бўлимдан жой олган бўлиб, унинг асосий масъулияти қуйидагилар:

- Талабаларнинг ишларини тегишли муддатда қабул қилиш. (Кечикиб топширилган ишлар учун жазолар бўлиб, уларни кейинроқ муҳокама қиламиз)
- Тақдим қилинган ишларни рўйхатдан ўтказиб бориш (Ҳар бир баҳолаш учун имзоли варақалар ишлатилади)

Барча талабалар ўз курс ишларини топширгач, фан ўқитувчиси уларни идорадан олиб кетади ва бунда олинган ишлар сонини кўрсатган ҳолда ўз имзосини қолдиради.

Ўқитувчи балл қўйиб бўлгач, унга балларни эълон қилишга рухсат берилмайди. Бунинг ўрнига, у балларни факультет идорасига қайтаради ва бу ерда баллар компьютердаги талабаларга тегишли маълумотлар базасига киритилади ҳамда маъмурият ходимлари томонидан эълон қилинади.

**Академик қарзлар (Referrals).** Талаба фанни баҳолашда ўтиш мезони бўсағасидан ўта олмаса (яъни умумий 40 балл тўплай олмаса), лекин умумий фан баллининг энг камида 30% ини тўплаган бўлса, унда унга тегишли имтиҳонларни ёзда қайта топшириш имконияти берилади. Бу «қайта топшириш» имконияти деб аталади. Бу ҳолатда, талабаларга, тузилишига кўра дастлабки имтиҳонга ўхшаш яна бир вазифа берилади. Бундай қўшимча имконият учун белгиланган жарима шуки, умумий фан балли 40% дан оширилмайди.

**Курс қўмитаси (Course committee).** Университетларда курс қўмитаси ташкил этилган бўлиб, у университетдаги барча академик бўлимларнинг ходимлари ҳамда барча босқич ва йўналишлардаги талабаларнинг вакиллари ўртасида очиқ тарзда фикр-мулоҳазалар алмашиш учун имконият туғдиради. Унда университет сиёсатининг умумий масалалари, курсларни олиб бориш ва ривожлантиришга доир муаммолар ҳал қилинади. Бу форумда, шунингдек, турли йўналишларнинг умумий қоидаларга бўйсунishi ва мувофиқлаштирилишини таъминлашда аҳамиятлидир. Талабалар вакиллиги ҳар бир фан соҳасидан камида иккита талаба иштирокида ташкил этилиши керак.

**Курс қўмиталарида талабаларнинг роли.** Талабалар учун ўқув фанини бошқаришда иштирок этишнинг асосий йўли бу Курс қўмитаси орқалидир. Қўмита фаннинг олиб борилиши ва тўхтовсиз ривожланишида муҳим ўрин тутаяди. Аъзо талабалар ўқитилаётган фанни тартибга солишга тўғридан-тўғри ҳисса қўшишлари, муаммоларни бартараф этишда ёрдам беришлари ва узоқ муддатли ўзгаришлар ташаббуси билан чиқишлари мумкин.

**Ғирромлик.** Университетда таҳсил олаётган талабаларнинг билим даражаси ва муваффақияти уларнинг ўзи бажарган ишлари асосида баҳоланиши шарт. Бироқ ғирромлик қилувчи талабалар борки, улар бошқалардан устунликка эришиш учун адолатсиз йўл тутадилар.

Имтиҳон ёки тест мобайнида талабалар бир-бирлари билан мулоқотда бўлмасликлари керак. Улар имтиҳон варақасида расман ижозат берилган ашёлардан ташқари, ҳеч бир материал, конспект ёки бошқа ёрдамчи воситаларни имтиҳон/тест хонасига олиб кирмасликлари керак. Назоратчилар қоидаларга қатъий риоя қилишлари керак. Агар назоратчи бирор талабани таъқиқланган материаллар, қайдлар ёки техник воситалар билан кўрса ёхуд унинг бошқалар билан гаплашганига гувоҳ бўлса, у дарҳол бу ҳолат ҳақида хабар бериши керак. Мазкур ҳолат ходимлар гуруҳи томонидан тафтиш қилиниши ва тегишли қарор қабул қилиниши керак. Бу кичик қоида-бузарлик ёки катта қоида-бузарлик сифатида талқин қилиниши мумкин. Демак жазо ҳам қоидабузарлик табиатида боғлиқ.

**Плагиат (кўчирмачилик).** Плагиат ҳам ғирромликнинг бир кўринишидир. Ҳар қанча қимматга тушса ҳам, кўчирмачиликка йўл қўймаслик лозим бўлиб, қоидани бузган талабалар, буни билмай қилишларига қарамай, жазоланадилар. Тўғри иқтибос келтириш қоидаларини билиб олиш талабанинг ўз масъулияти.

Таърифга кўра, плагиат аслида бошқа шахс ёки шахслар яратган (ёзма, оғзаки ёки кўрғазма) материални ижодкорни эътироф этмасдан тақдим қилишни англатиб, бунда иш талабанинг ўзиники деб тахмин қилинади. Агар талабалар матн ёки маълумот ёки сурат ёки дизайн ёки санъат асарларидан уларнинг ижодкорини эътироф этмасдан фойдалансалар, унда уларни кўчирмачиликда айблаш эҳтимоли бўлади. Буни фақат олинган ахборотнинг манбасини (масалан: китоб, мақола, интервью, ҳисобот, интернет саҳифаси ёки ҳукумат нашрларини) аниқ кўрсатиш орқали бартараф қилиш мумкин. Буларнинг барчаси нафақат библиографик рўйхатда, балки матннинг ўзида ёки остида изоҳланиши керак.

## Ўқув ресурслари

“Замонавий талабаларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципаал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида” 2006 йил 20 июндан қабул қилинган “Республика аҳолисини кутубхона-ахборот билан таъминлаш тўғрисида” Президент қарорига мувофиқ ЛИГ томонидан тавсиялар мажмуи тайёрландики, бу мазкур қарорнинг ижро этилиши ва Ўзбекистонда мустақил таълимнинг ривож олиши учун ёрдам беради.

Таклиф қилинган тавсияларни босқичма-босқич, қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадларга мувофиқ амалга ошириш мумкин.

Таклиф қилинадиган ўзгартиришларнинг асосий моҳияти ва мустақил таълим ривожини учун энг муҳим масалалардан бири шуки, **кутубхонани ташкил қилиш фалсафасини ўзгартириш керак.** Кутубхоналар миждозлар эҳтиёжига йўналтирилиши ҳамда кенг турфа ахборот ресурсларини ўз ичига олиши, китоб жамғармасига очик кириш имкониятини таклиф этиши ва фойдаланувчиларга ахборотни излаш ва аниқлаштиришда кўмак бериши лозим. Академик кутубхоналар ўқув-ресурс



марказларига айлантирилиши лозим. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун қўйидаги фаолиятларни жорий қилиш лозим:

**Кутубхона жамғармасини янгилаш.** Кутубхона фондини янгилаш ўқитувчилар томонидан бериладиган китоб буюртмаларига асосан режалаштирилиши лозим. Бунда кутубхона раҳбарияти қандай китоблар биринчи ўринда харид қилиниши кераклиги, қайси фанлардан китоблар етарли ва қайсиларидан кам эканини яхшироқ англайди. Ҳозирги пайтда кутубхоначиларда бундай ахборот мавжуд эмас. Натижада, баъзи дарслар ортиқча сондаги ўқув материаллари билан таъминланган бўлса, баъзиларида бирорта ҳам йўқ.

**Ўқув шароитларини яхшилаш.** Кўпгина кутубхоналарда ўқув шароитларини яхшилаш, жумладан қулай стол-стул, компьютерлар, овозли аппаратлар, ёлғиз ишлаш учун мўлжалланган ҳоли жойлар ва ҳ.к. қулайликларни яратишга зарурат мавжуд. Кўшимча тарзда, гуруҳли ишларни амалга оширишга мўлжалланган муҳокама залларини ташкил қилиш керак.

**Кутубхона каталогини.** Барча кутубхоналарда электрон кутубхона каталогини жорий қилиш орқали фойдаланувчиларга керакли ресурсларни қисқа муддатда излаб топишда ёрдам бериш ва айна пайтда кутубхона ходимлари учун кутубхона жамғармасини бошқаришни енгиллаштириш мумкин.

**Кутубхона ресурслари** хилма-хил бўлиши, жумладан электрон маълумот базалари, етарли сондаги маҳаллий ва хорижий даврий матбуот нашрлари, видео-аудио материаллар, мультимедия маҳсулотлари, компьютерга асосланган интерактив қўлланмалар ва ҳ.к. ларни таклиф қилиши керак.

Кутубхонанинг янги аъзолари учун ташкил қилинадиган **ўқув машғулоти** янада самарали ўтказилиши лозим, яъни кутубхона каталогидан қандай фойдаланиш ҳақида ахборот бериш билан чегараланмай, хилма-хил манбалардан, хусусан интернет, электрон маълумот базалари, даврий нашрлар ва электрон нашрлардан қандай унумли фойдаланиш мумкинлиги ҳам ўргатилиши керак.

Инглиз ва рус тилларидан ўзбек тилига китобларни **таржима қилиш** яна бир ўта муҳим тавсиядир. Агар таржима қилувчи дастурий таъминот мавжуд бўлса барча кутубхоналарга ундан фойдаланиш имконияти берилиши лозим. Агар адабиётлар ўқув режасининг биринчи ва иккинчи фан блокига оид бўлса, таржималар ОЎМТВ томонидан мониторинг қилиниши лозим. Қолган фан блокларига оид адабётларни таржима қилиш жараёни эса университетлар доирасидаги ўқув-услубий кенгашлар томонидан бошқарилиши мумкин.

**Илмий ҳамкорлик алоқалари.** Маҳаллий университетлар орасидаги илмий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш орқали университетларда мавжуд ахборот ресурсларидан биргаликда фойдаланиш амалиётини яхшироқ йўлга қўйиш анча ижобий самара бериши мумкин.

**Ахборот технологиялари (АТ).** АТга асосланган ресурслар сонини ошириш, интернетдан фойдаланишни яхшилаш ва интранет (ички тармоқ) ни шакллантириш маҳаллий таълим муассасаларида барча кутубхоналарни модернизация қилиш учун муҳим омиллардир. Бунга қўшимча равишда, ҳар бир кутубхона ўз ресурслари самарасини ошириш учун ўзининг веб-саҳифасини ишлаб чиқиши керак бўлади.

Янги келган адабиётлар учун мунтазам равишда **кўргазмалар** ташкил қилиб, ходимлар ва талабаларни энг сўнгги материаллардан огоҳ қилиш лозим. Ушбу мақсад учун кутубхона веб-сайтидан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Кутубхона ходимларини қайта тайёрлаш** ишлари ҳам самарали йўлга қўйилиб, мутахассисларни кутубхона соҳасидаги энг сўнги янгиликлардан хабардор қилиб туриш лозим. Шу мақсадда махсус ўқув марказлари ташкил қилиниши зарур.

**Молиявий рағбатлантириш.** Кутубхонага ёш ва малакали ходимларни жалб қилиш ва ушбу касбнинг нуфузини яхшилаш учун кутубхона ходимларининг рағбатлантиришга бозор талабларидан келич чиққан ҳолда ёндошиш керак.

### **Ходимлар малакасини ошириш**

**Кадрлар малакасини ошириш тизими.** Лойиҳамизнинг ушбу хусусдаги катта тавсияларидан бири – ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини номарказлаштириш ва бу вазифаларни университетларнинг ўзига топшириш лозим. Бунга мантиқий асос шуки, ходимнинг малакасини оширишга бўлган эҳтиёжларидан ҳеч бир бошқа ташкилот университетнинг ўзи каби яхши огоҳ бўлолмайди. Гарчи аксарият университетлар ўз ходимлари учун маълум даражада малака ошириш машғулотларини ташкил қилишсада, университетларнинг ўз мутахассисликларига алоқадор бўлган кенг турдаги малака ошириш дастурларини йўлга қўйишлари йўлида анча-мунча иш қилиш лозим. Бироқ бу ташкилий ишлар ҳам ўз ҳолича самарали бўлмайди. Яхши натижага эришиш учун университетлар ўртасида тренинглари алмашиш дастури ёки тизими йўлга қўйилиши керак.

**Муносабат.** Бу хусусда эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир жуда муҳим омил шундайки, малака ошириш курсларига бориш эҳтиёжи ходимларда ноҳуш таассурот, салбий муносабат уйғотади. Ваҳолан-киб кузатишлар шуни кўрсатади-ки, ўқитувчи ходимлар таклиф қилинган ўналишлардан кўпроқ ўз соҳалари ва ИКТ йўналиши бўйича малака ошириш курсларини афзал кўрадилар. Бу ўринда раҳбарият ҳал қилувчи рол ўйнайди. Тренинглари ўқитувчи ходимлар томонидан фойда сифатида қабул қилиниши учун раҳбарият тегишли чоралар кўриши, хусусан бу университетнинг уларга катта ғамхўрлиги ва касбий ривожларига ёрдами эканини тушунтириши лозим. Ва аксинча, малака оширишга ишни сақлаб қолишнинг мажбурий шарти сифатида қарашга чек қўйиш зарур. Мажлислар ва йиғилишларда бу масалани ходимларга шундай етказиш керакки, ўқитувчилар ўз касбий ривожланишлари учун масъул эканликларини англасинлар. Ходимларда касбий ривож эҳтиёжларига эгалик ҳиссини уйғотиш айни муддаодир.

**Тренинг эҳтиёжлари.** Раҳбарият малака ошириш марказининг фаолиятидан барча ходимлар бохабар бўлишини таъминлаши лозим. Тегишли ахборот материали барчага етиб бориши учун малака ошириш курсларининг дастурлари ва тадбирларини қандай эълон қилишни яхшилаб ўйлаш зарур. Таклиф этилаётган малака ошириш дастури муассасанинг маҳаллий ва асосий эҳтиёжларига мос келиши керак. Малака оширишга бўлган эҳтиёжни ҳар бир бўлимга ташриф буюриб, масъул ходимлар билан суҳбатлашиш орқали яхшироқ аниқлаш мумкин. Кўпгина малака ошириш эҳтиёжи ходимларни аттестациядан ўтказиш вақтида янада яққолроқ кўриниши мумкин.

**Ички муассасавий тренинглари.** Муассасанинг ички тренинглари ҳам анча катта эътибор қаратиш лозим. Барча тоифалардаги ходимларнинг эҳтиёжлари инobatга олиниши лозим. Анъанага биноан, урғу ўқитувчи ходимларнинг эҳтиёжларига берилади. Бироқ, техник бўлим, котибият, маъмурият ва таъминот ходимларининг барчаси ташкилотда ўз ўрнига эга бўлиб, барчанинг малакасини оширишга сармоя ажратиш орқали муассасадаги ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мумкин. Ўқув тадбирларида барча бирдек таништирилиши ва бошқа бўлимлардаги кишиларни ўзаро билиб олиш

имконияти берилиши лозим. Тренинглар бўлимлараро ёки функционал маҳдудликка барҳам беришда кўмак бўлиши лозим.

**Университетдан ташқари** ўқув тадбирларини ташкил қилиш ҳам анча яхши самара беради. Ходимларни муҳим тадбирлар учун муассасадан ташқарига олиб чиқиш уларни нафақат кундалик ишлар билан чалғишдан асрайди, балки бунда ходимлар ўзларини янада қадрли ҳис қиладилар ҳамда малака ошириш тадбирларининг қадрига яхшироқ етадилар.

Шунингдек, малака ошириш машғулотлари яхши ўқиш ва ўқитиш жараёнини намоиш қилиш воситаси ҳам бўлиши мумкин. Яхши тузилган ва самарали ўтказилган ўқув семинари ходимларга, тадбирдан олиб кетиб, талабалар билан ўз ишларида қўллашлари учун, муваффақиятли амалиёт ва усуллардан намуналар тақдим қилиши мумкин. Баъзида яхши мураббий ишлатадиган техникалар ўқув тадбирининг мавзусидан кўпроқ эса қоларли (ва фойдали!) бўлади.

## Ички НАЗОРАТ ТИЗИМИ

### Таълим йўналишини кўчириш

Талабалар учун таълим йўналиши ва жойини ўзгартириш имкониятларини яратишга қаратилган маълум чора-тадбирларга ишора қилишдан аввал мамлакатга хос ижтимоий, иқтисодий ва маданий омилларни эътиборга олишимиз керак бўлади. Шунинг назарда тутиб, талабаларнинг кўчувчанлигини ошириш учун куйидаги тавсиялар таклиф қилинди:

- Асосий фан таркибида бир неча тармоқ фанларни кўпайтириш орқали танлов фанлар рўйхатини бойитиш;
- Талабаларнинг шахсий ва касбий камолоти учун қўшимча (ёки ўқув режасидан ташқари факультатив) машғулотларни ташкил қилиш (чет тиллари, илмий тадқиқот усуллари, мулоқот кўникмалари, спорт ва ҳ.к.);
- Ўлчов (кредит)ларни киритиш билан олинган малака даражасини солиштириш амалиётини таъминлаш орқали бошқа университетларда ўқишни давом эттириш имкониятини яратиш.

### Мураббийлик

**Мураббий ва талаба ўртасидаги муносабат.** Аввало, раҳбарият, шунингдек мураббийлар барча имкониятни ишга солиб, мураббий ва талаба ўртасидаги муносабатларда мажбурийлик туйғусини бартараф этишлари лозим. Мураббий ва талаба ўртасида ўзаро ишонч, ҳамжиҳатлик ва жуда очик муҳит устуворлик қилиши керак. Бу тизим талабаларга ортиқча ташвиш бўлиб тушмаслиги жуда муҳимдир. Аксинча улар ўз мураббийларини ҳар қандай муҳтожлик пайтида юзланиш мумкин бўлган мададкор киши деб билишлари зарур. Сир сақлаш ушбу муносабатда катта аҳамият касб этади. Бироқ мураббийнинг талабага ҳаддан зиёд ва беҳожат мурожаати, бениҳоя йўл-йўриқ ва кўрсатмалари уни ўз ўқишига бўлган масъулиятдан айиради. Бу айниқса мустақил таълимни ривожлантираётган университетда акс самара бериши мумкин. Талабанинг мураббийлик машғулотларини бир неча бор қолдириши эса қандайдир хатолик юз берганидан дарак беради ва буни кўриб чиқиш лозим бўлади.

Гарчи турли муҳокамалар мураббийларга ўз талабаларини ҳар хил машғулотларга қатнашишга рағбатлантириш учун ёрдам беради, талабаларда хоҳиш ва ҳаттоки иштиёқнинг кучли бўлиши учун машғулотлар ташаббуси уларнинг ўзидан чиқиши лозим, яъни талабалар ўзларини бу машғулотларнинг эгаси деб ҳис қилишлари ва мураббийлар ушбу машғулотларнинг **талабалар учун** ташкил этилишида ёрдам бера олувчи шахс бўлиб иш юритишлари лозим.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, мураббийларнинг ўз талабалари билан бўладиган ҳар бир учрашуви жуда қадрли бўлиб, ундан иложи борича унумли фойдаланиш учун пухта тайёргарлик кўриш лозим. Мураббий – талаба учрашувининг норасмийлиги ушбу тизимнинг мақсадига монанддир.

**Танишув ҳафтаси.** Гарчи ўқишнинг ҳар бир босқичида таништириш ўтказиш зарурати муҳокама талаб қиладиган яна бир катта мавзу бўлсада, ушбу давр шахсий мураббийлар учун энг яхши ва энг муҳим фурсат саналади. Бу пайтда мураббийлар учун ўз талабалари билан жуда яқин алоқада бўлиш имконияти пайдо бўлади. Иккала томон

бир-бирларидан нима кутишни белгилаб оладилар ва бир-бирларини яхшироқ ўрганадилар.

**Ким мураббий бўлиши лозим?** Бу жуда нозик масала бўлиб, ҳаммабоп жавоб беришнинг имкони йўқ. Айниқса, катта университетларда талабалар сонининг юқорилиги бу масалани янада кескинлаштиради. Бунда, энг аввало, кўзда тутилган ходим томонидан мураббий бўлиш ва талабалар билан ишлашга хоҳиш ва иштиёқ билдирилиши керак. Аниқки, бундай кайфият ҳар бир ўқитувчида ҳам топилавермайди. Бироқ раҳбарият оқилона мулоҳаза юритиб ходимларнинг кўнглига чўғ солиши мумкин. Лекин баъзи ўқитувчиларнинг мураббий бўлишга хоҳиши зўр ва иштиёқи баланд бўладию лекин бу ҳар доим ҳам уларнинг профессионал даражада ҳаракат қила олишидан дарак беравермайди. Демак, танланганлар “мураббий” ролини ўйнашдан аввал махсус мураббийлик тренингини ўташи лозим.

**Маъмурият ва мураббийлар.** Мураббийлик тизимининг самарадорлигини таъминлашда раҳбарият ўзига ҳос ўрин тутди. Юқорида айтилганидек, мураббийларнинг илк ва давомий иштиёқи сезиларли даражада раҳбариятга, хусусан, унинг кўмаги ва йўл-йўриғига боғлиқдир. Университет доирасида ўзаро уйғунликни таъминлаш учун мураббийлик тизимини ҳар томонлама мувофиқлаштириш лозим. Мураббийларнинг ҳозирдаги иштиёқсизлигини Масловнинг мотивация назариясига асосан тушунтириш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, тадқиқотимиз мобайнида маълум бўлганидек, мураббийлар ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун иш ҳақларига кичик бир қўшимча оладилар холос. Қолаверса, раҳбариятнинг мураббийлик машғулотлари ва мажбуриятларига доир тўхтовсиз талаблари ва босимини эътиборга олганда, аҳвол бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

### **Талабаларни касбга йўналтириш**

Гарчи бозор талаби ва битирувчилар ўртасида мувофиқликни таъминлашда бир қадар ижобий силжишга эришилган бўлсада, изчил ва пишиқ стратегия борасида оқсоқлик мавжуд. Ишлаб чиқариш, бизнес ва давлат секторидаги иш берувчилардан талаб ва битирувчилардан таклиф ўртасида ҳамон сезиларли тафовут мавжудлиги тан олинади. Бу тафовут кўпинча битирувчиларда иш берувчилар талаб қиладиган махсус ва умумий кўникмалар ва сифатларнинг етишмаслиги оқибатида юзага келмоқда. Қолаверса, янги битирувчилар кўпинча мавжуд иш имкониятларидан беҳабар қоладилар. Натижада, сезиларли сондаги кадрлар исроф бўлади, бизнес имкониятлари бой берилади ва битирувчиларнинг ишсизлиги давом этади.

Бунда қуйидагилар тавсия этилади:

- Университетларда касб-ҳунарга доир маслаҳат марказларини ташкил қилиш;
- Иш берувчилар ва университетлар ўртасидаги мулоқотга кўмаклашувчи веб-сайтларни яратиш;
- Талабаларни ўз ишларини режалаштиришга ўргатиш;
- Ишлаб чиқариш билан интеграллашган таълимни қўллаб-қувватлаш.

### **Ўқув шароитлари**

Ўқув шарт-шароитлари мустақил ўқишни ташкил этишда жуда муҳим компонент саналади. Жамоамиз турли маҳаллий олий ўқув юртларига ташриф буюриб, жорий ўқув

шароитлари ушбу ўқув юртларида мустақил таълимни ривожлантириш учун етарли эмас деб топди. Ҳолатни яхшилаш учун ЛИГ куйидаги тавсияларни тайёрлади:

**Моддий шарт-шароит.** ОЎМТВ “университет ўқув зали (аудиторияси)”нинг таърифини ишлаб чиқиши ва бундай зал (аудитория) учун минимал стандартлар рўйхатини тақдим қилиши керак (моддий шароит, техник шароит, аудио-видео ва бошқа турдаги воситалар). Айтиш жоизки, университет аудиторияси мактаб синфхонасидан фарқ қилиши ва муносиб мебел жиҳозларидан ташқари “намойиш майдончаси”, оқ синф тахтаси (whiteboard), Power Point да презентация қилиш воситалари ва ОНР проекторлари (минимал стандартлар) билан таъминланиши керак. Қўшимча тарзда, ўқитувчилар хонаси яхши жиҳозланиб, барча керакли воситалар ва ўқув куролларига эга бўлиши лозим.

ОЎМТВнинг тавсияларига биноан барча олий таълим муассасалари аудиторияларни замонавий таълим стандартлари талабларига мос қилиб ташкил қиладилар.

Бунга қўшимча ҳолда, барча университетлар учун куйидагилар ҳам жуда муҳим бўлиши керак:

- Ногирон талабалар учун ғилдиракли курсилардан фойдаланиш учун шароит;
- Хожатхоналар шароитини яхшилаш ва ногирон талабалар эҳтиёжини ҳам назарга олиш;
- Ўқитувчиларни яхши иш жойи ва керакли воситалар билан таъминлаб, етарли қулайликларни ҳозирлаш.

**Ижтимоий шароит.** Ўқитувчилар ва маъмуриятнинг талабаларга нисбатан муносабатини ўзгартириш борасида сезиларли ҳаракат қилиниши лозим. Ходимларнинг фаолияти кўпроқ талабаларга йўналтирилган бўлиб, улар талабаларни ҳар ишда қўллаб-қувватлашлари, муҳокамалар учун очик бўлишлари ва қийинчиликда ёрдамларини аямасликлари керак.

**Технология ва ресурслар.** Ахборот технологияси ресурслари жуда тез маънавий эскиришга учраётгани боис, бу ресурслардан таълим мақсадларида интенсив фойдаланиш тақозо қилинади. Улар талабалардан узоқ тutilмаслиги лозим. Ўқитувчи ва маъмурият ходимлари компьютер курсларидан ўтиб, ўз кўникмаларини оширишлари ва мавжуд технологик ресурслардан унумли фойдалана олишлари зарур.

**Илмий шароит.** Ўқитувчи ходимларни илмий изланишларга рағбатлантириш мақсадида илмий шарт-шароитларни яратиш лозим.

### **Талабаларнинг ижтимоий ҳаёти**

Талабаларнинг жамоатчилик ишларида иштирок этиши уларда ташаббускорлик ва мустақил ҳаракатни ривожлантиради. Фаол мулоқот ўтилган ва янги материални муҳокама қилишга, фикр алмашишга рағбат уйғотади ҳамда талабани янги билим олишга ундайди. Шундай доира ҳосил қилиш керакки, талаба қанчалик ижтимоий фаол бўлса, шунчалик янги материал ўрганишга қизиқиши ортсин, ва қанчалик янги нарса ўрганса шунчалик жамоатда фаоллашсин. Куйидаги тавсиялар университетдаги жамоатчилик тадбирларига кўпроқ талабаларни жалб қилиш учун таклиф этилади:

**Жамоатчилик тадбирлари.** Жамоа билан ишлаш, ўзаро муомала ва мулоқот кўникмалари ҳамда талабанинг шахсий баркамоллиги учун зарур бошқа маҳоратларни

Ўстириш мақсадларида, университетдан ташқарида турли жамоатчилик тадбирларини тизимли асосда ташкил қилиш зарур. Тоққа чиқиш, театр ёки концертга бориш бунга яхши мисол бўла олади. Бундай тадбирлар талабани ўқишга ва университетдаги бошқа амалиётларга янада эътиборли қилади.

**Талабалар уйи.** Талабалар уйининг шарт-шароитларини яхшилаш, айниқса, яхши жиҳозланган ошхоналар, ётоқхоналар, телевизор томоша қилиш хоналари, компьютер хоналари, кутубхона ва бошқа иншоотларда қулайликлар яратиш орқали талабаларни ўз ўқишларига яхшироқ эътибор қаратишга рағбатлантириш мумкин.

**Талабаларнинг қизиқишлари ва қобилиятлари.** Талабаларни жамоатчилик ишларида иштирок этишга чорлашдан аввал, тегишли бўлимлар уларнинг алоҳида қизиқишлари ва қобилиятларини инобатга олиши лозим.

Умуман олганда, талабанинг муаммоси хоҳ маърифий, хоҳ ижтимоий бўлсин, бундан қатъий назар, **талаба ва ўқитувчи ўртасида бевосита алоқа бўлиши зарур.**

### **Таълим маркетинги**

Ҳар қандай олий таълим муассасасининг маркетинг бўлими берилган университетга жамоатчилик қизиқишини ошириш учун ишлаши лозим, негаки жамоатчилик қизиқиши ОТМнинг умумий нуфузига беҳад таъсир кўрсатиши ўз исботини топган. Бу бўлим, хусусан, қуйидагиларга масъул бўлиши лозим:

- Жорий эҳтиёжлардан хабардор бўлиш учун бозор билан ҳамкорлик қилиш;
- Ўқитилаётган курсларнинг умумий сифати ва уларнинг бозордаги тадбиқини мониторинг қилиш;
- Университетдаги янгиликлардан оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилиш;
- Муайян ОТМда ўқишни истовчи абитуриентлар сонини кўпайтириш учун таалукли йўналишлар ҳақида маълумот ёйиш ва маслаҳат бериш ишларини ИКТ воситалари орқали уюштириш.

## **IV. ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШНИ ЯХШИЛАШ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҲАРАКАТ РЕЖАСИ**

Жорий вазиятнинг кенг қўламли таҳлили ва таклиф қилинган тавсияларга асосан, ЛИГ Ўзбекистон олий таълими тизими доирасида мустақил таълимни янада ривожлантириш учун ҳаракат режасини тузиб чиқди. Мазкур боб мустақил ўқиш манфаатдорлари, жумладан университетлардаги маориф ва маъмурият ходимлари, талабалар, ва айниқса, ОЎМТВ томонидан узоқ ва қисқа муддатда амалга оширилиши мумкин бўлган махсус хатти-ҳаракатларни тақдим қилади. Ҳаракат режаси бобига, барча олдинги боблар сингари, ташқи ва ички назорат тизими асосида тартиб берилди.

## ТАШҚИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ

### Таълим стандартлари

#### Қисқа муддатли ҳаракат режаси:

- Таълим стандартларини такомиллаштириш учун маориф ходимлари, илмий-педагогик кадрларни ва потенциал иш берувчилар иштирокидаги экспертлар гуруҳини шакллантириш;
- Қўйидагилар орқали фанлар сонини 40%га камайтириш:
  - Яхлитлашган, фанлараро комплекс йўналишлардаги фанларни киритиш;
  - Фанларнинг босқичлараро узвийлигини жорий қилиш;
  - Ҳар бир фан учун таълим натижаларини белгилаб, ундан таълим олиш босқичи учун билим ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар сифатида фойдаланиш;
  - Юқори босқичларда танлов фанлар рўйхатини секин-аста кенгайтириш ва ўтиш баҳоларига ойдинлик киритиш;
  - Ўқув режасида мустақил ўқиш омиллари ва уларни ўқитиш стратегияларини аниқ қайд этиш;
- Ҳар бир босқич учун умумий таълим натижаларини ва ҳар бир фан учун махсус таълим натижаларини белгилаш ва булардан билим ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар сифатида фойдаланиш;
- Камида битта оралиқ даражани жорий қилиш;

#### ва ўзоқ муддат учун:

- Малакаларни белгилашда ўлчовлар технологиясига ўтиш;
- Ўқишнинг ҳар босқичида оралиқ малакаларни белгилаш;
- Йўналиш таълим стандартларидан малака таълим стандартларига ўтиш;
- Ҳар бир малакавий даражани сертификатлаш.

### Ўқув режаси

#### Қисқа муддатли ҳаракат режаси:

- Ҳар бир фан учун мустақил ўқиш соатларининг умумий ўқув вақтидаги улушини 55% га етказиш;
- Бакалавр дастури учун жами ўқув соатини 6400 соатга оптималлаштириб, ундаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар улушини 20%, математика ва табиий-илмий фанлар улушини 30%, умумқасбий фанлар улушини 20% ва мутахассислик фанлари улушини 30% қилиб белгилаш.

#### Узоқ муддатли ҳаракат режаси:

- Ҳар бир фан учун мустақил ўқиш соатларини умумий ўқув вақтининг 65% га етказиш;



- Бакалавр дастури учун жами ўқув соатини 5200 соатга оптималлаштириб, ундаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар улушини 10%, математика ва табиий-илмий фанлар улушини 20%, умумқасбий фанлар улушини 30% ва мутахассислик фанлари улушини 40% қилиб белгилаш.

## **Ўқитувчи ва талабалар учун иш ҳажми**

### **Қисқа муддатли ҳаракат режаси:**

- Талабаларнинг ҳафталик ўқиш вақтини 54 соатдан оширмаслик керак;
- Талабаларнинг жами аудитория машғулоти соатлари 26 соатдан ошмаслиги лозим;
- Ўқитувчининг ўқитиш билан бандлик ўқув ишлар юкламаси бир ҳафтада 16 соатдан, бир йилда эса 650 фаол ва 1200 жами иш соатидан кўп бўлмаслиги лозим;
- Ходимларнинг илмий изланишлари ва маслаҳат бериш фаолиятлари учун академик иш соатларини ажратиш лозим.

### **Узоқ муддатли ҳаракат режаси:**

- Талабанинг жами ўқув вақти 50 соат атрофида бўлиши керак;
- Аудитория машғулотлари ҳафтада 18-20 соат бўлгани ҳолда, мустақил ўқиш вақти 30-32 соат бўлиши лозим.

## **Баҳолаш тизими**

### **Қисқа муддатли ҳаракат режаси:**

- Қуйидаги жадвал семестр мобайнида амалга ошириладиган баҳолашларнинг ҳозирдаги ва ЛИГ томонидан тавсия қилинадиган сонини акс эттиради:

	<b>Жорий назорат ўртача</b>	<b>Оралик назорат ўртача</b>	<b>Яқуний назорат</b>
<b>Ҳозирги модел</b>	4	2	1
<b>Тавсиядаги модел</b>	2	1	1

Бошланғич қадам сифатида, жорий баҳолашни 4 тадан 2 тагача, шунингдек оралик назоратни 2 мартадан 1 мартагача тушириш тавсия қилиниши мумкин. Демак, талабалар бир семестрда ҳозиргидек 7 карра ўрнига 4 карра баҳоланадилар. Ўқитувчилар мураккаброқ вазифаларни бериш имкониятига эга бўладилар ҳамда тақризлар ёзиш ва тақдим этиш учун кўпроқ вақтга эга бўладилар. Талабаларга эса ўз вазифалари устида ишлаш ва мустақил равишда тайёрланиш учун кўпроқ вақт берилади.

- Барча блоклар учун ҳозиргидек умумий кўринишдаги улушлар тақсимоти ўрнига тўртта блокнинг ҳар бири учун баҳолаш компонентларининг ўзига хос улушларини белгилаш. Бошқача айтганда, ҳар бир блок баҳолаш компонентлари учун ўз улушлар тақсимотига эга бўлади. Демак, баҳолаш янада синовчан бўлиб, талабаларни фанни чуқурроқ ўрганишга ундайди.
- Фанни ўқитишдан кўзланган натижаларга мос келувчи баҳолаш усулларини қўллаш. Баҳолаш усули шундай бўлиши керакки, у фанни ўқишдан кўзланадиган натижаларни баҳоласин. Фан йўналиши ҳужжатларида тасвирланган ўқув натижалари билан талабалар ишига қўлланадиган баҳолаш мезонлари ўртасида ёрқин боғлиқлик бўлиши керак.
- Ходимлар ва талабаларнинг эътиборини оширувчи баҳолаш усулларини қўллаш. Ҳозирги рейтинг тизимининг шартларини ҳисобга олиб айтганда ҳам талаба, ҳам ўқитувчининг баҳоланиш ёки баҳолашга бўлган қизиқишини оширувчи, шунингдек баҳо қўйиш учун нисбатан кам вақт талаб қилувчи баҳолаш усулларини тадбиқ этишга катта эҳтиёж мавжуд. Бундай усулларга яхши мисол сифатида тенгдош баҳолаш (талабаларнинг бир-бирини баҳолаши), гуруҳли курс иши ва оғзаки презентацияни келтириш мумкин. Айтиб ўтиш жоизки, суҳбатга тортилган маъмурий ходимларнинг 19 %и баҳолашнинг оғзаки турларини рағбатлантиришни таклиф қилишган, чунки уларнинг назарида бу талабаларга сўзлаш ва намойиш қилиш кўникмаларини, шунингдек ўз фикрини ифодалаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантириш имконини беради. Бунга қўшимча ҳолда, оғзаки баҳолаш ғирромликни камайтиради ва ахборот излашга ундайди.
- Баҳолашнинг норасмий усулларида фойдаланиш. Талабаларнинг таълим олишда бажарадиган деярли барча амаллари баҳоланганда, улар табиий равишда ўз ўқишларига старатегик ёндашувни шакллантирадилар ва фақат баҳолашни кўзда тутадиган вазифаларга эътибор қаратадилар. Шу боис баъзан баҳолашнинг норасмий усулларини қўллаш яхши самара беради. Масалан: семинарлар давомида талабаларга саволлар бериш. Махаллий ОТМларда, талабалардан ўтилган материалга доир саволлар сўраш тизими кенг амал қилади. Бироқ, бу одатда баҳолашнинг таркибий қисми сифатида қаралиб, талабаларга берган жавоблари учун баҳо қўйилади. Баҳолашнинг бундай оғзаки савол-жавоб усули аҳамиятини қайта ўйлаб кўрган мақул. Буни норасмий баҳолаш усули сифатида қараш лозим бўлиб, бунинг учун талаба баҳо олмаслиги, балки уни фақат ўз фикрини ифодалаш имконияти деб билиши лозимдир. Бу шунингдек ўқитувчилар зиммасидаги юкни камайтиради ва айни пайтда талабаларнинг юксалиш даражасини билиш имконини беради.
- Ўқитувчиларни қандай қилиб самарали тақриз ёзишга ўргатиш. Ўқитувчи ходимлар аввало сифатли тақриз ёзишни ўрганиб олишлари лозим. ТХВУ ходимлари тақриз ёзишда анча кўп тажрибага эгаликлари туфайли, уларни бундай малака ошириш машғулотларига муррабий сифатида жалб қилиш мумкин.
- Баъзи топшириқларгагина тақриз ёзиш. Ортиқча сондаги баҳолашларни ҳисобга олган ҳолда, бошланишда, семестр мобайнида бажариладиган топшириқларнинг баъзиларигагина тақриз ва тавсиялар берилгани мақул. Яна шуни эслатиш керакки, баҳолашнинг барча усуллари ҳам ёзма равишдаги тақризни талаб қилавермайди. Бошқа сўз билан айтганда, агар ўқитувчи талабаларга тест берса, унда талабанинг иши учун тақриз ёзишга ҳожат йўқ. Бошқа томондан эса, курс ишлари шарҳланишга муҳтож. Курс ишлари талабанинг бир турфа

кўникмаларини баҳолагани туфайли, тақриз талабалар учун муҳим йўл-йўрик бўлади ва уларга айнан нимага кўпроқ эътибор қаратиш кераклиги ва қаерда яхши иш қилганликларини билиш имконини беради.

- Барча талабаларни компьютердан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги деярли барча университетларда талабаларнинг фойдаланиши учун компьютер хоналари мавжуд. Ҳақиқат шуки, компьютерлар сони университетдаги барча талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бироқ бу ҳолат компьютер хоналарига фақат университетнинг “энг яхши” талабаларини киритиш учун баҳона бўла олмайди. Хар бир талабалар гуруҳи учун компьютер хоналаридан фойдаланишнинг қатъий жадвали тузилса, кўпроқ талабалар компьютер билан ишлай оладилар. Компьютерларни интернетга улаш орқали кўпдан-кўп талабаларни компьютерда ишлашга жалб қилиш ҳамда уларда ахборот излаш кўникмаларини ривожлантириш мумкин бўлади.
- Ўқишга янги кирган талабалар учун танишув ҳафталарини ташкил қилиш талабаларни университет ресурсларидан фойдаланишга ундашнинг яна бир йўлидир. Танишув ҳафтаси ўқув йилини биринчи ҳафтаси бўлиб, унда талабалар ўз ўқишларига алоқадор турли масалалар, жумладан университет тузилмаси, низоми ва қоидалари, ўқув дастури, баҳолаш тизими ва талабалар ихтиёридаги ресурслар билан танишиб оладилар. Бу вақт давомида, талабалар кутубхона ва факультетдаги барча ресурслардан хабардор бўлиб олишлари ва улардан оқилона фойдаланишни ўрганишлари керак бўлади.
- Серкирра вазифаларни белгилаш. Вазифаларни шундай белгилаш керакки талабалар уларга енгил-елпи қараб, фақат битта адабиёт билан чегараланиб қолмасинлар. Бунинг учун баҳолашнинг кўп қиррали усулларини қўллаш керакки, талабаларда ўқув ресурсларидан фойдаланишга интилиш кучайсин.

#### **Узоқ муддатли ҳаракат режаси:**

- Университет миқёсида хар бир фан бўйича амалга ошириладиган баҳолашлар сонига доир қарор қабул қилиш. Баҳолашлар сонига доир таклиф фан ўқитувчиси томонидан берилиши ва сўнгра кафедра (бўлим) ёки факультет томонидан тасдиқланиши лозим.
- Баҳолаш ҳажми камайтирилганда, талабаларга вазифа сифатида янада мураккаб топшириқларни, жумладан илмий иш лойиҳаси, ҳисобот, “портфел”, очик имтиҳон ва ҳ.к.ни бериш лозим.
- Ходимлар малакасини ошириш курслари ўқув режасидаги “Ўқитиш методологияси” фанининг дастурига тақриз ёзишга доир махсус боб киритиш.

#### **Академик қоидалар**

##### **Қисқа муддатли ҳаракат режаси:**

- Давомаднинг ўз низоми бўлиши керак. Бир семестрда 30 соат дарсга иштирок этмасликка руҳсат бериш тавсия қилинади. Бунинг ортида турган сабаб шуки, маъмурият талабаларини вояга етган инсон сифатида ҳурмат қилиши ва кутилмаган вазиятлар юзага келиб, талабани дарс қолдиришга мажбур қилиши мумкинлигини тан олиши лозим. Хар янги семестрда маъмурият талабанинг аввалги даврдаги “йўқламаси”ни давом эттирмаслиги керак. Бу талабага бир

мунча эркинлик беради. Қолаверса бу орқали порахўрликка элтувчи йўллардан бирига барҳам берилиши мумкин.

- Ҳамма таълим йўналишлари учун илмий ёзма нутқини ривожлантириш бўйича махсус фан жорий қилиниши керак. Илмий ёзма нутқни ривожлантириш фани учун дастур тузилиши лозим. Буни тадбиқ этадиган жамоа учун ТХВУ яхши маслаҳатчи вазифасини ўташи мумкин.
- Бу йўналишда дарс берувчи муаллимлар унга бўлган изчил ёндашувни таъминлаш учун тайёргарликдан ўтишлари шарт.
- Талабаларнинг рефератлари, курс ишлари ёки ҳар қандай бошқа турдаги ёзма ишларини баҳоловчи бошқа барча ходимлар плагиатни аниқлашни ўргатувчи махсус машғулотлардан сабоқ олишлари керак.
- Экспертларнинг наздида, талабаларни тўғри иқтибос келтириш қоидаларига ўргатиш ёрдамида кўчирмачилик муаммосини ҳал қилиш мумкин. Плагиатга хос маданиятни ўзгартириш учун бир йил керак бўлади. Фақат ушбу қадамлар қўйилгандан сўнггина, плагиатга доир жазо қоидаларини кучга киритса бўлади.
- Ғирромликнинг ечими жуда осон! Имтиҳондаги назорат (кузатув) мобайнида ўқитувчилар қатъий ва изчил бўлсалар бас! Ҳозирда ғирромликнинг юз беришига ягона сабаб – ўқитувчининг ўзи бунга йўл беради. Қоидабузарларга нисбатан чора-тадбирлар низоми ишлаб чиқилиши ва қатъийлик билан қўлланилиши шарт.
- Талабаларнинг ўз фикр ва мулоҳазаларини ифодалаш учун имкониятлар яратиш тизими тажриба тариқасида бир факультет ёки университетда йўлга қўйилиши мумкин. Ушбу тизимни тадбиқ этишда ТХВУ ходимлари маслаҳатчи вазифасини ўташлари мумкин.
- Ҳар бир фаннинг ҳужжатида таъкидланган, ўқишдан кутиладиган натижаларга эришишнинг минимал даражасини аниқ-равшан белгилаши лозим.
- «Ўтиш» ва «қолиш» баллари белгиланиши лозим (масалан, жорий ўтиш балли 55 бўлса, унда “қолиш” бали 45-55 оралиғида бўлиши мумкин)
- Академик қарзлар учун белгиланадиган вақтлар қайта кўриб чиқилиши лозим. Даъво қилиш мумкинки, агар талаба бутун бир семестр давомида аранг “қолиш”га эришган бўлса, академик қарзлар (хвостичкалар)дан ҳалос бўлиш учун бериладиган ҳозиргидек 2 ҳафта муддатда сезиларли ўзгариш қила олмайди. Лекин, агарда барча қарзлар ёзга кўчириладиган бўлса, бир масалани кўздан қочирмаслик керакки, маъмуриятнинг иш ҳажми ортиб кетади.

#### **Узоқ муддатли ҳаракат режаси:**

- Плагиатга доир қоидалар низоми ишлаб чиқилиши керак. Унда ашаддий қоидабузарлар учун салбий оқибатлар таърифи ҳам ўрин олиши лозим.
- Вазифаларни фақат белгиланган муҳлатгача қабул қилиш жараёнини ишлаб чиқиш шарт. Бундан вазифалар ўз вақтида топширилмаганда ишга тушадиган тартиботлар ҳам белгиланиши керак.
- Талабаларнинг ўз фикр ва мулоҳазаларини ифодалаш учун имкониятлар яратиш тизими барча университетларда йўлга қўйилиши керак.

## **Ўқув ресурслари**

### **Қисқа муддатли ҳаракат режаси:**

Кутубхона жамғармасига “очиқ кириш”ни ташкил қилиш учун қуйидагиларни жорий қилиш тавсия қилинади:

- Ўқув зали учун муносиб (деразалари катта ва ёруғ, иссиқ ва шинам) хона ва мебел (стол-стул, китоб жавонлари) танлаш;
- Талабаларга энг манзур ва кўп ўқиладиган китобларни фақат кутубхона ичида фойдаланишга бериш;
- Очиқ кириш бўлими учун махсус қоидаларни ишлаб чиқиш ва бунда барчанинг тенг ҳуқуқини кафолатлаш;
- Кутубхона жамғармасининг яхши сақланишини таъминлаш ва уни муҳофаза қилиш учун хавфсизлик чораларини кўриш;
- Аъзоларга кўмаклашиш учун кутубхонага яна иккита ходим (жумладан АТ мутахассислари)ни ёллаш.
- Кутубхона заллига нусха кўчириш аппаратини жойлаштириб, талабаларга бу жиҳатдан имконият яратиш;
- Интернет ва электрон маълумотлар базасига уланган компьютерлар билан таъминлаш;

Кутубхона жамғармасини янгилашда қуйидаги ҳаракатлар яхши самара беради:

- Кутубхона раҳбари ва ижрочилари барча бўлимлар (кафедралар)дан талабаларга тавсия қилинган китоблар рўйхатини сўраб олишлари керак;
- Такдим қилинган рўйхатлардаги адабиётларни кутубхона жамғармаси имкониятлари билан солиштириш;
- Жамғармада мавжуд бўлмаган китобларга буюртма бериш;
- Китоблар келтирилгач, бу ҳақда барча ўқитувчи ходимларни хабардор қилиш;

Кутубхонанинг электрон каталогини жорий қилиш учун бир неча вазифаларни бажариш лозим:

- Кутубхона ходимларига керакли ахборотни қисқа вақтда излаб топиш ва кутубхона жамғармасини самарали бошқариш имкониятини такдим қилувчи энг илғор электрон каталогни танлаш ва харид қилиш;
- Уни ўрнатиш ва ишга тушириш учун иккита АТ мутахассисини ёллаш;
- Карточкали қўл каталогидан электрон каталог тизимига босқичма-босқич ўтказган маъқул, чунки баъзи университетлардаги кутубхона жамғармаси жуда катта (1млн. атрофида) бўлгани учун уларнинг ҳаммасини қисқа вақтда электрон шаклда қайд этиш жуда мушкул;
- Дастлаб биринчи босқич талабалари учун энг зарур бўлган китоблар электрон каталог тизимига киритилиши лозим. Шу пайтнинг ўзида уларга (биринчи босқич талабаларига) электрон идентификациялаштириш рақами берилиши керак. Кейинги йил иккинчи босқич талабалари учун айна иш такрорланади. Тўрт йилда барча

китоблар электрон кутубхона тизимига киритиб бўлинади. Шундан сўнг бадиий адабиётлар ва ўқиш жараёнига таалуқли бўлмаган материалларни электронлаштириш мумкин.

### **Ходимларни қайта тайёрлаш тизими**

#### **Қисқа муддатли ҳаракат режаси:**

- Малака ошириш факультетлари масъулиятини қайта кўриб чиқиш ва қайта белгилаш. Университет доирасида эҳтиёжлар таҳлилини амалга ошириш зарурати ва сифатига алоҳида эътибор қаратиш;
- Турли тренингларни ўтказиш учун барча йўналишларда университетнинг экспертлик салоҳиятини аниқлаш;
- Малака ошириш факультетига университет ходимлари орасидан мутахассислар танлаб олиб, ҳар бир тренинг учун мураббийлар жамоасини тузиш вазифасини топтириш;
- Университет томонидан тақдим этилиши мумкин бўлган барча тренинглар рўйхатини тузиш ва ушбу рўйхатдан барча университетлар фойдалана олишларини таъминлаш;
- Қўшимча тавсия тариқасида, университетлар орасида ходимларни алмашиш дастурини йўлга қўйиш мумкин.

#### **Узоқ муддатли ҳаракат режаси:**

- Кадрларнинг малакасини ошириш тизимини номарказлаштириб, университет даражасига тушириш;
- Малака ошириш курсларига юбориш билан боғлиқ салбий муносабатдан ҳалос бўлиш. Бу ташаббуснинг самараси кўп даражада раҳбариятга боғлиқ. Раҳбарият ушбу тренингларнинг фойдали томонларига урғу бериши ва керакли ходимларни уларда иштирок этиш учун *рақбатлантириши* (тайинлаши ёки буюриши эмас балки) керак. Ходимларнинг номларини рўйхат қилиб, ушбу тренингларга чақириб олишга ҳеч қанақасига йўл қўймаслик лозим. Маслаҳат-кенгаш кўринишидаги муҳокамалар индивидуал ходим ва факультет/курс/фан йўналиши раҳбарияти ўртасида эҳтиёжга қараб махфий тарзда ўтказилиши керак.

### **Ички Назорат Тизими**

#### **Таълим йўналишини кўчириш имконияти**

#### **Қисқа муддатли ҳаракат режаси:**

- Асосий фан таркибида бир неча тармоқ фанларни яратиш, танлов фанлар рўйхатини бойитиш;
- Талабаларнинг шахсий ва касбий ривожини учун қўшимча (ёки ўқув режасидан ташқари) фанларни ташкил қилиш (масалан, чет тиллари, илмий тадқиқот усуллари, мулоқот кўникмалари, спорт ва ш.к.).

**Узоқ муддатли ҳаракат режаси:**

- Ўлчов (кредит) ўтказиш орқали таълимни бошқа университетларда давом эттириш имкониятини яратиш.

**Дарс бериш ва билим олиш услублари****Қисқа муддатли ҳаракат режаси:**

- Малака ошириш факультети томонидан мувофиқлаштириладиган (илк бора ТХВУ мураббийлари томонидан тайёрланадиган) ходимларни тайёрлаш жамоасини тузиб, қуйидаги йўналишларда навбатли тренингларни йўлга қўйиш:
  - маъруза ва семинарларни олиб боришнинг интерактив усуллари;
  - дарсларда ахборот технологияси (АТ) ускулларидан самарали фойдаланиш;
  - самарали презентация қилиш кўникмалари;
  - талабаларнинг бажарган ишларига тақриз беришнинг самарали йўллари.
- Қуйидагилар билан таништириш мақсадида янги қабул қилинадиган талабалар учун бир ҳафталик танишув тадбирини жорий қилиш:
  - мустақил ўқиш моҳияти ва унинг мантикий асоси;
  - олий таълим тизими ва ўқув жараёни;
  - улар ўқийдиган фанлар;
  - улар билан ишлайдиган ўқитувчилар ва мураббийлар;
  - йўл-йўрик/маслаҳат керак бўлганда юзланиш/мурожаат қилиш мумкин бўлган кишилар.
- Курслар/факультетлар ичида ёки ўртасида ўзаро дарс кузатиш тизимини йўлга қўйиш. Гарчи бу амалиёт ўз устида ишлаш, малака ошириш, фикр алмашиш мақсадлари учун йўлга қўйилсада, унинг натижаларини Малака ошириш факультети томонидан қайд қилиб бориш ва мувофиқлаштириш лозим
- Ходимлар ўртасида чоракли равишда “Энг яхши амалиёт” ҳақида муҳокамалар ўтказиш.

**Узоқ муддатли ҳаракат режаси:**

- Талабага таълим бериш жараёнида педагогнинг ролини қайта кўриб чиқиш. Ўқитувчи қай даражагача талабани ўқишга тортиши ёки ундаши ёки йўналтириши лозимлигини белгилаш;
- Ўқув режасини қайта кўриб чиқиб, фанларнинг таркиби ва мазмуни борасида ўқитувчиларга янада мослашувчан ёндашув имкониятини бериш;
- Баҳолаш тизимига тузатишлар киритиш. Талабалар балларни фақат маълум сондаги салмоқли вазифаларни бажарганликлари учун олишлари керак, давомат ва кўпгина арзимас ёки ҳатто бошланишда (аввал) эълон қилинмаган компонентлар учун эмас.

## **Мураббийлик**

### **Қисқа муддатли ҳаракат режаси:**

- Мураббийнинг мажбуриятларини самарадорлигини кўриб чиқиш;
- Шу нарсага урғу бериш ва амалиётга тадбиқ этиш керакки, мураббийлар шунчаки йўл-йўриқ берувчи ва кўллаб-қувватловчи кишилар бўлиб, ўз эътиборларидаги талабаларнинг ҳеч бир ҳаракати учун мутлақо масъул эмасдирлар;
- Талабалар гуруҳининг ўз мураббийлари билан учрашувлари жадвалдан ташқари, олдиндан режалаштирилмасдан, ўзаро келишилган, зарурат туғилган ҳолда ташкил қилиниши керак. Акс ҳолда ушбу учрашувлар шунчаки яна бир дарс машғулоти сифатида қабул қилинади ва мураббийларнинг бошқа ўқитувчилардан ҳеч фарқи қолмайди. Мазкур учрашувларнинг зарурат туғилганда ўтказилиши мураббий ва уларнинг талабалари ўртасидаги муносабатнинг норасмийлигига ўз хиссасини қўшади;
- Мураббийлар иложи борица талабаларнинг ўзлари ташаббус кўрсатган турли жадваллаштирилган машғулотларни ўтказишга ҳаракат қилишлари керак, чунки машғулотга эгаллик қилган талабада иштирок этиш истаги ҳам, унинг самараси ҳам юқори бўлади;
- Мураббийларни танлаш мезонларини қайта кўриб чиқиш. Мураббийни танлашда унинг илмий тажрибасига асосий эътибор қаратиш керак эмас, чунки яхши илмий тажриба ва маҳорат ҳар доим ҳам мураббий учун зарур муомала кўникмалари ва талабалар билан ишлаш қобилиятидан дарак беравермайди;
- Деканатда тегишли малакали кадрлар бўлмай туриб, унинг томонидан мураббийларни мувофиқлаштириш тавсия қилинмайди;
- Мураббийлар ҳар қандай гуруҳли ёки яқка учрашувларини, шунингдек талабалари билан амалга оширган ҳар қандай тадбирларини қайд этиб боришлари лозим;
- Мураббий ўз мажбуриятларини самарали ва виждонан бажариши учун рағбатлантириш тизими муҳим аҳамият касб этади. Мураббийлик кўшимча иш соатларига мос ҳолда моддий мукофотланиши лозим. Ўқитувчининг жами иш ҳақи устига қўшиладиган кичик бир фойза бунга кифоя эмас.

### **Узоқ муддатли ҳаракат режаси:**

- Талабалар билан муҳокама қилинадиган мавзулар рўйхатини тузиш ва кўриб чиқишда этник, диний ва миллий мансубликни эътибор олиш;
- Унда мафкуравий мавзунини камайтириб, маърифий ва шахсий камолот юзасидан кўпроқ суҳбат қуриш;
- Ўз мураббийлари ҳақида талабалар фикр ва мулоҳазаларини билиш тизимини йўлга қўйиш ихтиёрий равишда тавсия қилинади;
- Мураббийлар фаолияти тўғрисидаги қайдлардан суист фаолият учун койишда эмас, балки “Энг яхши мураббийлик” амалиётлари учун эътироф этишда фойдаланиш лозим.



## Талабаларни касбга йўналтириш

- Университетларда иш ярмаркаларини ташкил қилиб, иш берувчилар ва битирувчилар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш;
- Давлат грантини бериш шартларига асосан, барча бюджет асосида таҳсил олаётган талабалар университет томонидан тайинланадиган давлат ташкилотларида 3 йилгача ишлаб беришлари керак. Давлат грантлари шартлари ҳақидаги маълумот ОТМга қабул вақтида қабул комиссияси аъзолари томонидан барча абитуриентларга етказилиши лозим ва давлат грантини олаётган талаба билан контракт асосида расмийлаштирилиши керак;
- Турли ташкилотларга тақсимлашда битирувчиларнинг фикрлари инобатга олиниши лозим;

## Ўқув шароитлари

- Биз мавжуд воситалардан самарали фойдаланишни тавсия қиламиз. Бизнинг жамоамиз назарида компьютерлар ва бошқа АТ ресурслари жуда қадрли ашёлар саналади. Университетларда компьютер воситаларидан фойдаланиш имконияти жуда чекланган. Бунга яхшироқ эътибор қаратиш лозим. Компьютерлар жуда қисқа муддатда маънавий эскиришга учрашни ҳисобга олиб, талабаларга улардан тўлиқ ва интенсив фойдаланиш имконини бериш зарур;
- Университет аудиториясига бўлган талабларни такомиллаштириш ҳамда университет ўқув хонаси ва мактаб синфхонаси ўртасидаги фарқланишга ойдинлик киритиш ҳамда турли мақсадда фойдаланиладиган ўқув хоналар учун асосий талабларни аниқлаш;
- Ўқув шарт-шароитлари талабаларни ўқишга рағбатлантириши лозим. Ҳеч бўлмаганда ўқув хоналарида етарлича ёруғлик бўлиши ва иситиш тизими тўғри ишлаши керак;
- Университет ўқув хонасидаги барча мебелнинг кўчмас бўлиши шарт эмас. Ўқитувчи уларни дарснинг махсус мақсадига (доиравий муҳофафа, роллар ижроси, кичик гуруҳли машқларга) мувофиқ равишда силжити олиши лозим;
- Ҳар бир аудиторияда АКТ воситалари ўрнатилиши лозим. Ҳар бир кафедра (бўлим) ўз ноутбуки (компьютери), LCD проектори ва оқ экранига эга бўлиб, ўқитувчилар томонидан биргаликда ишлатилиши лозим;
- Ўқишга алоқадор материалларни кўпайтириб, талабаларга тарқатиш учун, ҳар бир кафедра ўзининг чоп этиш ва нусха кўчириш аппаратларига эга бўлиши лозим;
- Барча ўқитувчилар ўз иш жойларига эга бўлишлари, яъни алоҳида стол, курси ва китоб жавони билан таъминланиши керак;
- Қоғоз, ручка ва бошқа ўқув куроллари тегишли маъмурият томонидан таъминланиши лозим;
- Ўқитувчилар дарсга тайёрланишда фойдаланишлари учун ҳар бир кафедра (бўлим)да доска ва флип чарт бўлиши лозим.

## Ижтимоий ҳаёт

- Университетдаги ижтимоий бўлимлар, биринчи галда, талабаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга масъул бўлишлари лозим. Улар талабаларни қандайдир ишларга иштирок этишга мажбур қилмасликлари, балки руҳлантириш йўллариини излашлари лозим. Ижтимоий бўлим талабаларга тадбирларни ташкил қилишда ва молиялаш манбаларини излаб топишда ёрдам бериши мумкин.
- Талабаларга кўмак берувчи бўлимлар кўнгиллилар ёки бошқа бўлимлардаги ходимлар зиммасига қўшимча бурч сифатида ташкил қилинмаслиги лозим. Ишнинг сифатига кишиларни молиявий рағбатлантириш ёрдамида эришиш мумкин.
- Талабаларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини аниқлашда сўровномалар яхши ёрдам беради. Талабаларнинг қандай фазилатларга эгаллигини билиб олиш мақсадида Ижтимоий бўлим Маркетинг бўлимининг ёрдами билан сўровнома шакллариини ишлаб чиқиши мумкин. Бу талабалар иштирокидаги ҳар қандай тадбирни ташкил қилишда қўл келади.
- Яхши шароит бу фақат дабдабали нарсалар сотиб олиш дегани эмасдир; талабалар ўз турган жойларининг тоза-озода сақланиши учун масъулиятни ҳис қилишлари керак. Баъзи университетлардаги талабалар уйда турли мусобақалар ташкил қилинганлиги яхши ўрнак бўлиб, талабаларни ўз яшаш жойларидаги шароитларни яхшилашга руҳлантиради.
- Йилда бир марта университетлар ота-оналар кунини ташкил қилишлари лозим. Бу тадбир талабаларнинг ўз университетлари билан ғурурланишлари ва ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан фахрланишларига сабаб бўлади. Ижтимоий тадбирлар талабалар уйда ҳам ташкиллаштирилиши лозим: бу шаҳар ва вилоятлардан келган талабалар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди.
- Талабаларга иш ва ўқишни уйғунлаштириш имкониятини берувчи ёзги сабоқларни (мактабларда, далаларда ва ҳ.к.) ташкил қилиш натижасида ҳам университет, ҳам ташкилот, ҳам талаба наф қўриши мумкин.
- Мураббийлар талабаларнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиши лозим, лекин ҳуда-беҳуда эмас. Айниқса университетлардаги ўқишнинг биринчи йили талабалар учун оғир давр бўлади ва улар ҳеч бўлмаганда ўз муаммоларини айтишлари учун катталарга эҳтиёж сезадилар. Агар факультетлар турли ҳудудларда жойлашган бўлса, унда ҳар бир факультетда профессионал психологнинг маслаҳат тизими йўлга қўйилиши лозим.
- Талабаларни қўллаб-қувватловчи бўлим турли жамоатчилик дастурларини йўлга қўйишда ёрдами тегадиган ҳар хил ташкилотлар ва агентликлар билан ҳамкорлик қилиши керак. Мисол учун тиббий суғурта, хорижда ишлаш ва саёҳат дастурлари талабаларни қизиқтириши турган гап.
- Талабаларни ижтимоий тадбирларга чорлашдан аввал шуни ёдда тутиш керакки, талабалар рағбатлантиришга лаёқатлидирлар. Кучли рақобат ва яхши рағбатлантириш – фаол иштирок гарови.

## **Таълим маркетинги**

### **Қисқа муддатли ҳаракат режаси:**

- Тарғибот-ташвиқот ишларининг таркибий қисми сифатида, университетлар тўхтовсиз равишда мактаблар ва ўрта-махсус таълим муассасаларига ташриф буюриб, университет таклиф қиладиган барча дастур ва машғулотлар ҳамда уларнинг бошқа университетлардаги дастур ва машғулотлардан фарқи ҳақида презентациялар қилишлари лозим. Бунда, бўлажак талабалар университет ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари ва шунга таяниб, бу ёки бошқа университетни танлашга қарор қилишлари осон кечади.
- Очiq эшиклар куни бўлажак талабалар ва ота-оналарга университет ва ундаги шарт-шароитларни кўриш имкониятини тақдим этади. Улар педагогик ходимлар ва талабалар билан суҳбатлашишлари мумкин.
- Таълим кўргазмаларида иштирок этиш тобора оммавий тус олмоқда. Университет ходимлари талабалар билан биргаликда ушбу тадбирларда қатнашишлари мумкин. Таълим кўргазмаси университетларга ўзаро ахборот улашиш имконини беради. Истикболли талабалар турли университетларни кўриб, таққослашлари мумкин.
- Ҳар бир таълим муассаси ўз маркетинг адабиётларига эга бўлиши лозим. Брошюра ёки проспектлар рангли суратларга бой ва ўқишга осон бўлиши лозим.
- Университетнинг маркетинг бўлими оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ишлаши лозим. Жамоатчиликнинг университетга эътибори ва қизиқиши янада ортиши учун маҳаллий газета ва журналларга реклама жойлаштириш, теле-радио дастурлар тайёрлаш лозим.
- Таълим стандартлари талабларига жавоб бериш учун маркетинг бўлими ҳар доим талабалар, педагогик ва маъмурий ходимлар ҳамда абитуриентлар орасида сўровлар уюштириши керак бўлади. Бу нарса таълим сифатини назорат қилиш ҳамда бирор янгилик ёки ўзгартириш киритиш учун эҳтиёжларни ўрганишда самара беради. Талабалар ҳам албатта бу ишларда машғул бўлишлари мумкин.

### **Узоқ муддатли ҳаракат режаси:**

- Университетга кириш учун ҳужжатларни онлайн тизимида тақдим этишни йўлга қўйиш.
- Ўзбекистон таълим порталларини тўхтовсиз равишда янгилаб, барча университетларга доир батафсил маълумотларни мужассам қилиш.
- Университет учун Маркетинг тадқиқотлари марказини ташкил этиш ҳам зарурдир. Барча изланиш ва ўрганиш харажатлари университет бюджетига киритилиши лозим.

## Адабиётлар

1. Каримов И. (1997) *Баркамол авлод – Ўзбекистон тарбиясининг пойдевори*
2. Race Ph (2006) *The Lecturer's Toolkit*
3. Brown S (2003) *Assessment Matters in Higher Education: choosing and using diverse approaches*
4. Brown S (1996) *500 Tips on Assessment*
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (2001) *Олий Таълим – меъёрий хужжатлар тўплами*
6. Woolfson M. (2000) *Identifying and Responding to Students in Difficulties, A Guide for Personal Tutors*, Nottingham University.
7. West A. (2004) *Supporting the Supporters: A Framework for Assisting Academic Staff in Their Support of Students*, Perspectives London policy and practice in higher education, v8
8. Biggs, J. (1999) *Teaching for quality learning at university* Society for Research into Higher Education & Open University Press Buckingham.
9. Westminster International University in Tashkent (2005) *Business Computing Course Handbook*

## 1 – ИЛОВА. ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УНИВЕРСИТЕТЛАРГА ҚИЛИНГАН ТАШРИФЛАР ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ


### ТАЛАБАЛАРНИНГ СЎРОВНОМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Сўровнома саволларини мантиқан бир неча тоифага бўлиш мумкин, умуман олганда: ўқиш ва ўқитиш жараёни ҳамда уни қўллаб-қувватловчи мавжуд ресурслар.

#### Ўқиш ва ўқитиш


Ҳар бир фаннинг бошланишида талабаларга қандай турдаги ахборот тарқатилишини билиш муҳим эди. Бу мустақил таълим нуқтаи назаридан аҳамиятлидир, чунки шунга асосан яхши талаба ўз ўқишини режалаштиради.

Шунинг учун “Фанлар бошланганда сизга қандай маълумотлар берилди?” деган савол берилди.



1-чизма

Яна бир сўралган савол маълумотлар берилган шакл ҳақида эди.



2-чизма

### Ресурслар

Таълим учун ўқув адабиётлари ўта муҳим эканлигини инобатга олганда, талабаларнинг 83 фоизига адабиётлар рўйхатининг берилиши қувонарли ҳол.

Талабаларнинг 32 фоизи кутубхонадан барча керакли ресурсларни топа олишларини кўрсатишган (3-чизма), бироқ биз шуни таъкидлашимиз керакки, ўқитувчилар талабаларга фақат кутубхонада мавжуд бўлган китоблар рўйхатини беришгани бу кўрсаткичга сабаб бўлиши мумкин (бирок муайян фандан билим олиш учун бу кифоя қилмаслиги ҳам мумкин). Жавоб берганларнинг 45 %и кутубхонада китобларнинг фақат 20-50% ини топиш мумкинлигини айтишгани юқоридаги таъкидни қўллаб-қувватлайди. 24% талаба китобларнинг мавжудлиги фанга боғлиқ эканини билдиришган. Кутубхонани кузатиш жараёнида маълум бўлдики, илмий фанларга доир китоблар етарли бўлиб, мустақилликдан сўнг киритилган ижтимоий фанларда танқислик бор.




3-чизма

Кутубхона ва компьютер лабораториялари талабаларнинг ўқиши учун асосий ресурсларни таъминлаб берар экан, талабаларнинг бу ресурслардан қандай фойдаланиши ва Университетнинг улар билан қанчалик таъминлангани ҳақида билиш муҳимдир.

Дарс мобайнида ва ундан ташқарида талабаларнинг қайси ресурслардан фойдаланиши ҳақида сўралган саволларни таҳлил қилиб, қуйидаги ахборотни олдик:

- жавоб берганларнинг 44%и дарслар мобайнида ва ундан ташқарида компьютер лабораторияси ва кутубхонадан фойдаланишади (4-чизма).
- Бироқ уларнинг фақат 13 фоизигина фақат компьютер лабораториясидан ва 39 %и фақат кутубхонадан фойдаланади.

Бу топилмадан кўриш мумкинки, маҳаллий университетларда компьютер лабораториялари етарли эмас ва бир талабага компьютер нисбати ҳали ҳам жуда паст.



4-чизма

Юқоридаги 4-чизмадан кўринадики, талабаларнинг 50%дан биров кўпроғи компьютердан фойдаланар эканлар. Бу ҳолда, талабалар ушбу ресурсдан каерда фойдаланишгани ҳақида билиш муҳим. Натижани 5-чизмадан кўрамиз.




5-чизма

Жавоб берганларнинг 48%и компьютердан университетда фойдаланишини, 43%и интернет кафеда, 21%и уйда ва қолган 13%и ҳеч қаерда компьютердан фойдаланиш имконияти йўқлигини кўрсатган (5-чизма). Аммо, кутубхона ва интернет воситаларини кузатишда шу нарса аён бўлдики, баъзи университетларда талабалар интернетдан ҳафтада 1 марта фойдалана олсалар, баъзиларида интернет имконияти умуман йўқ. Шунингдек, талабалар интернет кафеларда нархнинг қимматлиги туфайли интернетдан ўқув мақсадларида самарали фойдалана олмасликларини қайд этишган.


Талабалар компьютердан турли мақсадларда, мисол учун, интернетда ахборот қидириш, курс ишлари матнини териш, дастурлаштириш кўникмаларини машқ қилиш ва ҳ.к. мақсадларда ишлатишлари мумкин. Ҳолбуки, интернетдан ўқиш мақсадларида ҳам,

кўнгил очиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Алоҳида савол талабаларнинг интернетдан ўқув мақсадларида фойдаланиш даврийлигини аниқлаш учун берилди. Бу савол натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, талабалар интернетдан фақат унга эҳтиёж туғилганда, яъни курс ишларини ёзишга тўғри келганда фойдаланишади (6-чизма).



6-чизма

Курс ишини ёзишга одатий ёндашувлардан бири – бу уни интернетдан тушириб олиш. [www.referat.ru](http://www.referat.ru) Россия тармоғидаги машҳур сайтлардан бири бўлиб, унда кўпгина талабалар тайёр курс ишларини топишлари мумкин. Шунинг назарда тутиб, талабалар курс ишларини қандай ёзишларига доир савол берилди. Мамнун бўлиш керак (7-чизма), респондентларнинг фақат 13%и уни интернетдан кўчириб олишларига иқдор бўлишган. Талабаларнинг 50%дан ортиқроғи уни китоб ва интернетдан фойдаланиб, ўзлари ёзишларини қайд этишган. 40%и эса уни турли китоблардан фойдаланиб, ўзлари ёзишларини айтишган.



7-чизма




Таҳлил шуни кўрсатадики, талабаларнинг 60%и кўпроқ китобларга эга бўлишни хошлашган. 29% талабалар тўлиқ қониқиш билдиришган ва фақат 16%и умуман қониқишмаган.

Баъзи талабалар мавжуд ресурсларни қониқарли деб билганлари ҳолда, кейинги вариантни ҳам белгилашган, яъни кўпроқ ресурслар бўлганда яхшироқ бўлишни кўрсатишган. Бу шундан далолат берадики, талабалар нима бўлганда ҳам кутубхонада кўпроқ ресурслар бўлишини исташади.

### Ўқиш ва ўқитиш жараёни

Таълим бериш жараёни маъруза ва семинарлар давомида юз беришини инобатга олиб, дарслар давомида нималар юз беришини ойдинлаштиришга қаратилган махсус саволлар берилди.

Ушбу бобга оид биринчи мантикий савол шундай бўлди: “Қандай тарқатма материаллар тақдим этилади?”. Бунга жавобларни 8-чизмада намоиш қилдик.



8-чизма

Респондентларнинг 44%и уларга маърузалар матни берилганини, 34 %и эса семинар саволлари ҳам олдиндан берилганини қайд этишган. Фақат 9.6 фоиз респондент амалий мисоллар берилишини айтган ва 8 фоизи ҳеч нарса олмаслигини билдирган. Бу яна шундан далолат берадики, талабалар ўқитувчилардан жуда кам материал оладилар.


### Дарс бериш услуби

Дарс ва семинарлар қандай ўтилишини таҳлил қилиш мақсадида саволлар берилди. 64% талабаларнинг айтишларига қараганда, маъруза пайтида ўқитувчи мавзуга доир ахборотни айтиб туради ва талабалар уни жуда тез ёзиб оладилар. Фақат 18% ўқитувчи кўргазма қуроллардан фойдаланади. Маърузани интерактив тарзда ўтишга уринишлар ҳам бўлади, хусусан 33 % талабанинг айтишига кўра муаллим мавзуни тушунтиради ва талабаларга тегишли саволларни беради.

Семинарларни олиб боришда ҳам аҳвол рисоладагидек эмас. 82% талабанинг таъкидлашича, одатда домла саволлар беради, талабалар эса уларга жавоб қайтариб баҳо олишади. Фақатгина 17 фоизи семинар давомида гуруҳ бўлиб ишлашларини қайд этишган. Ундан камроғи, яъни 13 фоизи ўқитувчининг мисоллар беришини маълум қилган.

### Имтиҳонга тайёргарлик


Сўровномадаги иккита савол талабаларнинг имтиҳонга қандай тайёрланишларини аниқлашга қаратилган эди.



9-чизма

50% дан ортиқроқ талабалар шунчаки конспект ўқишади. Атиги 9% талабанинг берилган материални ўз курсдошлари билан муҳокама қилиши, уларнинг бир-бирларидан ўрганмасликларига ишорадир.

Шунга ўхшаш яна бир савол имтиҳонга тайёрланишда талабалар қандай ахборот манбаларидан фойдаланишларини аниқлашга қаратилган.



10-чизма

9 ва 10-чизманинг иккаласи ҳам тахминан 50% талаба маърузалар матнини ўқишини кўрсатади.

9-чизмани таҳлил қилиш орқали кўриш мумкинки, фақат 9% талаба имтиҳонларга биргаликда тайёрланади. Шу ўринда айтиш керакки, сўровномада яна бир савол талабаларнинг бир-бирларидан ўрганиш-ўрганмасликларини билиш учун берилган эди. Кўриб мамнун бўлиш керакки, талабаларнинг 50%и семинар давомида амалий мисолларни муҳокама қилган ҳолда бир-бирларидан ўрганишларини қайд этишган.

Гарчи талабаларнинг, ҳеч бўлмаганда, семинарларда ўзаро билим алмашишларини кўриб қониқиш ҳосил қилсақда, уларнинг жавоблари дарс бериш бобидаги натижаларга бироз зид келади. (82 фоиз талабанинг айтишича, семинар мобайнида одатда ўқитувчи саволлар беради ва талабалар уларга жавоб қайтариб, ўз баҳоларини олишади).

Сўровномадаги саволлар, гарчи баъзан фойдаланиб бўлмас (8-савол тўғридан-тўғри савол бўлиб, уни рост жавобни олишда қўллаб бўлмайди, 10-савол эса фарқлаб бўлмас жавоб вариантларини беради) ва баъзан зиддиятли (7-савол ва 11-савол) бўлсада, улар талаба-ўқитувчи муносабатига бироз бўлсада ойдinлик киритиш имконини беради.

Ўқитувчи талабалар устидан умумий назорат ўрнатган бўлиб, талабаларга белгиланган ва ўхшаш вазифаларни бериб, уларнинг мустақил ўқишга ташаббусини чеклаб қўяди. Талабалар ўқитувчини йўлбошчи ҳамкор сифатида эмас, балки кўрсатма берувчи раҳбар сифатида кўришади. “Индивидуал ёндашув” деган иборалар умуман ишлатилмайди; барча маърузалар оммавий тадбирга айланган бўлиб, ҳар бир талабанинг қобилият ва кўникмалари турлича эканлиги инобатга олинмайди. Катта сондаги талабалар гуруҳи ичида ўқитувчи ўртача талабага эътибор қаратади. Бу муносабат тезкор талабани зериктириб унинг иштиёқини сўндирса, сустроқ талабанинг қизиқишини йўқотиб, орқада қолиб кетишига сабаб бўлади. Савол-жавоб услуги талабаларни ўқитувчи берадиган мавзулар доирасига беркитиб қўяди ва ундан ташқари чиқишга имкон бермайди. Баҳолар хотиравий иқтидор учун берилади, ахборотни топиб таҳлил қилгани учун эмас. Бутун жараён бошдан-охир ўқитувчи томонидан назорат қилинади.

Буларнинг барчаси билим олишни эркин ва ижодий жараёнга айлантириш ўрнига, унинг мажбурий ва зерикарли тартибот бўлишига сабаб бўлади.

Талаба ва ўқитувчи ўртасида ҳамкорлик муносабатининг бўлиши сув ва ҳаводек зарур, негаки бу анча кўп самара беради. Бироқ бунда ўқитувчи томонидан ортиқча ҳаракат ҳамда талаба томонидан хоҳиш ва тушуниш талаб этилади. Индивидуал ўқитиш ҳам қиммат баҳоланади, зеро бунда ўқитувчи ўзининг ҳар бир ўқувчисини ўрганиб чиқиб, уларга ўз қобилиятларига яраша йўл-йўриқ кўрсата олиши учун, бир ўқитувчининг кам сондаги талабани ўқитиши талаб қилинади.


### **Ўқитувчи ходимлар билан ўтказилган суҳбатлар таҳлили**

Ўзбекистондаги университетларга қилинган ташрифлар давомида 28 та педагог ходим билан интервью ўтказилди. Қуйидаги боб ушбу интервьюларнинг натижаларини баён қилади.

### Умумий маълумот


Фикрларнинг хилма-хиллигини таъминлаш мақсадида, турли соҳаларда таълим бераётган ва турлича иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчи ходимлар интервьюларга таклиф қилинди. 11 ва 12-чизмалар интервьюларнинг тафсилотларини тақдим этади:

Иш тажрибаси бўйича:



11-чизма

Лавозим бўйича:



12-чизма

Респондентлар турли фанлардан дарс беришади, шу жумладан: ярим ўтказкичлар физикаси; механика; умумий физика ва умумий электроника; сиёсий фалсафа; маданият фалсафаси; ижтимоий фалсафа; рус тили; славян маданияти; микроэкономика; ташкилот ва молиявий инвестиция; меҳнат иқтисодиёти ва социологияси; аудит; корпоратив молия; пул, бозор ва молия; макроиқтисодиёт; математика; дастурлаштириш; тоқ сонлар назарияси; ахборот технологиялари; педагогика; агро-муҳандислик; иш таълими методологияси; статистика; хорижий мамлакатлар иқтисодий тизими; ҳуқуқ;

инновациялар менежменти; менежмент; бухгалтерия ва аудит; муҳандислик механикаси; аналитик кимё.

### Умумий саволлар

Сухбатнинг кириш қисми сифатида бир қанча умумий саволлар сўралди, жумладан: Яхши ўқитувчини қандай тасаввур қиласиз? Ушбу саволга уч турдаги жавоб олинди;

**Биринчи гуруҳнинг** ўйлашича, яхши ўқитувчи таълим жараёнида яқиндан иштирок этиши ва талабалар билан биргаликда илмий изланиш олиб бориши, ўз фанидан яхши билимга эга бўлиши лозим;


**Иккинчи гуруҳнинг** фикрига кўра, ўқитувчи турли мавзуларни содда ва тушинарли тилда, ҳаётий мисоллар билан бера олиши лозим;

Муаллим фан ҳақида талабада ёрқин тасаввур ҳосил қилиши, жуда яхши тайёргарлик кўрган бўлиши ва талабаларни ўқишга руҳлантира олиши лозим.

**Учинчи гуруҳ** респондентларнинг таъкидлашича эса яхши ўқитувчи мулойим киши, яхши услубиётчи ва яхши рухшунос бўлиши ҳамда талабаларнинг кўнглига йўл топа олиши лозим.

Интервью натижаларини умумлаштириб шундай мулоҳаза қилишимиз мумкинки, олий таълимда ўқитувчининг ролига нисбатан эскича қараш ҳамон сақланиб қолмоқда. Ўқитувчига ҳали ҳам ахборот ёхуд билим тарқатувчи сифатида қарашади. Бугунги кунда ўқитувчи билим олишни енгиллаштирувчи шахс сифатида қаралади. Бу дегани, талабалар ахборотни ўзлари топишлари, тўплашлари, қайта ишлашлари ва энг муҳими уни қарор қабул қилиш жараёнида қўллай олишлари учун ўқитувчи уларда етарли кўникма ва қобилиятларни ўстириши лозим. Қисқа қилиб айтганда, ўқитувчи талабаларда мустақил ўқиш, танқидий фикрлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.


Ўқитувчи ходимларга берилган яна бир умумий савол ҳозирги талабалардаги ижобий сифатлар ва яхшиланиши лозим бўлган соҳаларни аниқлашга қаратилди. Интервьюда бўлганларнинг фикрига асосан, талабаларнинг ўқишга бўлган умумий даражадаги иштиёқини қуйидаги чизмада акс эттириш мумкин:



Сухбатга тортилганлар талабаларнинг иштиёқига қўйидаги омиллар таъсир қилади деб билишади: ўз бизнесини юритиш эҳтиёжи; ўқишдан аниқ бир мақсаднинг йўқлиги; ўзлаштириладиган фанларнинг жуда кўплиги; фанларнинг ҳаётга алоқаси пастлиги; ўзбек тилида яхши сифатли китобларнинг камлиги; ўқитиш услуби ҳамда иш топишнинг мушкуллиги.

Бир сухбатдошимизнинг таъкидлашича, университетга кираётган талабаларнинг билим даражаси йилдан-йилга тушиб бормоқда.

### Умумий иштирок даражаси:




14 чизма.

Таъсир кўрсатувчи омиллар: мактаб таълимининг ёмонлашуви; мактаб ва университетларда физика ва математика ўқитувчиларининг етишмаслиги (масалан, Тошкентнинг ўзида физикадан 130 та мактаб ўқитувчисига эҳтиёж бор).

### Дарс бериш

Дарс бериш масаласини муҳокама қилиш асносида қўйидаги саволлар берилган эди: “Ўқитаётган фанингиздан қандай натижалар қўзланган?”, “Агар дарсингиз жамоа бўлиб ўқитилса, унда ушбу фан жамоаси йиғилиш ўтказиб турадимиз?”, “Семинар саволларини ким тузади?”, “Одатда қандай ўқитиш воситаларидан фойдаланасиз?”.

Қўйидаги чизма интервью номзодлари ўз фанларидан кутилган ўқув натижаларини қай даражагача аниқ таърифлай олганларини кўрсатади:



15-чизма

Агар дарс жамоа бўлиб ўтилса, унда жамоа аъзолари ўқув йили бошида учрашиб, фанга таалуқли барча масалаларни муҳокама қиладилар. Фан ўқитувчиси маърузаларни олиб боради ва семинар саволларини тайёрлайди. Кўп ҳолларда жамоа аъзолари таълим бериш ва билим олиш стратегиялари, курс иши вазифалари ва имтиҳон варақалари ҳамда уларни биргаликда баҳолаш масалаларини муҳокама қиладилар. Респондентларнинг учдан бири дарсларнинг яқка тартибда ўтилишини қайд этган.

Педагогик ходимларнинг тахминан 12-15 %и ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланади. Бирок, “доска ва бўр” билан анъанавий йўлда ўқитиш устуворлик қилади. Компьютер саводхонлиги даражасининг пастлиги ва тил билан боғлиқ тўсиқлар туфайли ходимлар янги воситаларни ишлатишда қийналадилар. Информацион ва технологик фанларда домлалар компьютер ёки эски мосламаларни ишга соладилар. Тошкент шаҳрида жойлашган университетлар вилоятлардаги олийгоҳларга қараганда яхшироқ жиҳозланган.


### Маърузалар ва семинарлар

Интервьюларда маъруза ва семинарлар хусусида ушбу саволлар сўралди: Семинарлар/маърузалар мобайнида бажарадиган машқларингизни тасвирлаб беринг? Талабаларингиз семинарларга тайёрланиб келишадими? Агар йўқ бўлса, сизнингча муаммо нимада? Семинар саволларини қандай шаклда тарқатасиз? Семинарларга қандай тайёрланасиз, маърузаларгачи? Маъруза ва семинарларингиз давомида одатда қандай интернет ресурсларидан фойдаланасиз?


ЛИГ кузатувларига кўра: Ўқитувчи дастлаб маърузани оғзаки тушунтиради ва сўнгра уни талабаларга ёзиб олишлари учун айтиб туради. Фақатгина 5% чамаси ўқитувчилар интерактив маърузанинг баъзи элементларидан фойдаланадилар.

Респондентларнинг такидлашича, семинарлар мобайнида улар талабаларга хусусий вазифалар беришади, муаммоларни биргаликда ҳал қилишади, амалий ишларни муҳокама қилишади, саволлар беришади, умумий ўзлаштириш кўрсаткичини текширишади, баҳс-муноза ва экспериментлар ўтказишади. Семинарлар мобайнида улар турли машқлардан фойдаланишади; муҳокамалар баъзида шиддатли ва суронли тус оладики, муаллим талабаларни тартибга чақириши лозим бўлади.

16 ва 17-чизмалар талабаларнинг дарсга қай даражада тайёрланиб келиши ҳамда уларнинг тайёрланмай келишига эҳтимолий сабаблар тўғрисида маълумот беради.




16-чизма



17-чизма

Семинар саволлари қачон берилиши ҳақида сўралган саволга, аксарият педагоглар семестр бошида берилишини маълум қилишади. Бироқ бошқача жавоблар ҳам бўлдики, уларни қўйидаги диаграмма кўрсатади:



18-чизма



Баъзи респондентлар бўлдики, уларнинг айтишича, тайёрланишга ҳожат йўқ, чунки фанни кўп йиллардан бери ўқитишаркан (4 та респондент). Уларнинг аксарияти таъкидлашича, улар ҳар бир келгуси маъруза ёки семинар учун умумий ҳолда 2-3 соат сарфлаб китоб ўқишар, ёки масала ечишар, интернетда ахборот излашар экан.




19-чизма


Лекин бирор киши ҳам тайёргарлик тартиботи ва тузилиши ҳақида ҳеч нарса демаган. Бу ҳол табиий, негаки маҳаллий университетларда амалий машғулотлар, семинарлар ва маърузалар, анъанага кўра, талабаларга имкон қадар кўпроқ ахборот беришни мўлжаллаб олиб борилади.

### Уй вазифаси

Сўралган саволлар: Уйга вазифа берасизми? Талабалар уй вазифасини ўз вақтида бажаришадими? Дарсга тайёрланмай келган талабалар муаммосини қандай ҳал қиласиз?



20-чизма



21-чизма

Вазифаларни ўз вақтида бажармаслик сабаблари: баъзи топшириқлар жуда қийин бўлиши мумкин; баъзилари курс ишлари муҳлати билан кесишади.

Маҳаллий университетларда тайёрланмаган талабалар муаммоси бир неча йўллар билан ҳал қилинади:

- тайёрланмаган талабалар қолдирган мавзуларини мустақил тайёрлаб келишлари ва ўз баҳоларини яхшилаш учун 5-6та жумбоқ ёки оғзаки синовни ҳал қилишлари керак бўлади;
- уларга қўшимча топшириқлар берилади.
- баъзи ўқитувчилар бу муаммони фаол ва суст талабалар гуруҳини аралаштириш ёхуд уларни билим олишга руҳлантириш ёрдамида ҳал этишади.
- талабалар билан гаплашиб, сабабларни аниқлаш ёрдамида.

### Иш юкламаси

Хафта давомида неча соат дарс берасиз? Ҳафта мобайнида бошқа машғулотларингиз борми? Қабул соатларингиз борми? Ҳа бўлса қандай?


Мавжуд низомга мувофиқ, ОТМдаги педагогик ходимларнинг иш юкламаси бир йилда 1560 соатни ташкил қилади ва бу ўз навбатида икки қисмга бўлинади: ўқитиш (таълим) ёки услубий иш ва илмий-ижтимоий иш. Фаннинг хусусияти ва таълим семестрига боғлиқ равишда ўқув юклама хажми маҳаллий университетларда хафтасига 8 соатдан 24 соатгача бўлиши мумкин. Табиий-илмий фанлар ўқитувчисига ижтимоий-иқтисодий фанлар ўқитувчисига нисбатан умумий ҳолда аудиторияда талабалар билан бевосита ишлаш соатлари кўпроқ.

Ўз шахсий иш режаси доирасида ҳар ўқитувчи ходим қўшимча илмий, услубий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиши, бўлим ёки клубга бошчилик қилиши, ётоқхоналарда мураббийлик қилиши, диплом ишларига раҳбар бўлиши, илмий ёки услубий анжуманларда қатнашиши, мақолалар чиқариши, малака ошириш курсларига бориши, талабалар ётоқхонасига ташриф буюриши, ўқув бўлимида тайинланган бошқа қўшимча ишларни бажариши керак бўлади.

Қабул соатлари борасида шуни эслатиб ўтиш керакки, маҳаллий университетларда қабул соатлари Ғарбдагига нисбатан бошқача маъно касб этади. Бир тарафдан ресурслар, айниқса, хоналар танқислиги ва икинчи тарафдан, ўқитувчилар иш графигининг ҳаддан зиёд бандлиги қабул соатлари учун қатъий кун ҳамда вақтни белгилашга имкон бермайди. Лекин ўқитувчи ходимлар талабалар билан синфдан ташқари мулоқот қилиши учун семестр мобайнида ўз ўринларида бўладилар. Баъзи вилоятлардаги университетларда душанбадан шанбага қадар 9-00 дан 17-00 гача кафедрада ўтириш мажбурий саналади. Қабул соатлари ўрнига педогогик ходимлар учун кафедрада навбатчилик вақти белгиланган. Афсуски, семестр давомида, респондетларнинг такидлашича, талабалар ўқитувчи ёки мураббийлар билан маслаҳатлашиш учун камдан-кам келадилар.


### МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР КУЗАТУВЛАРИ ТАҲЛИЛИ

#### Дарсларга қатновчи талабаларнинг ўртача сони



22-чизма

#### Кузатилган маърузалар ва семинарлар нисбати




23-чизма

### Дарсларда ишлатиладиган техник воситалар.

Маъруза ўқитувчилари, шунингдек семинар ўтказувчи домлаларнинг аксарияти дарслар мобайнида қора тахта (доска)дан фойдаланадилар. Аммо, доскалар семинарларда самаралироқ ишлатилади: талабалардан “доскага чиқиб” масала ечишлари сўралади. Маърузаларда доскадан кўпинча асосий мавзу ва дарс режасини баён қилиш учун фойдаланишади. Бироқ баъзи домлалар борки, улар анча илғор ўқув жиҳозларини, масалан видеоманитофон, оддий проектор, Power Point слайдлари, телевизор ва компьютерларни ишга солишади. Гарчи баъзи ўқитувчилар ушбу жиҳозларнинг янги имкониятларини очишга ҳаракат қилишсада, бошқалари улардан шунчаки ўз йўлига фойдаланиб қўйишади.

### Талабаларнинг ўртача қатнашув даражаси



24-чизма


### Ўқитувчиларнинг муносабати

Гарчи ўқитувчиларнинг муносабати борасида ўртача тенденцияни топиб олиш бир қадар мушкул бўлсада, ўқитувчи, мураббий ва талаба ўртасида умумий субординация ёки масофа, ёки тўсиқ борлиги ёққол кўзга ташланади. Баъзи ўқитувчилар жуда фаол, кўмақдош, рағбатлантирувчи ва дўстона муносабатни намоён қилишган бўлишса, бошқалари важоҳатли, қўпол ва ҳаттоки ваҳимали кўринишган. Аксарият олиб борилган дарсларда ўқитувчи марказий ўринни эгаллаган ва унга ягона ахборот манбаи сифатида қарашган ҳамда унинг қарашлари талабалар томонидан деярли сўроққа тугтилмаган. Нотўғри жавоблар ва ҳаттоки нотўғри саволлар учун жазоланиш эҳтимоли кўпчилик ҳолатларда талабаларнинг фаол бўлишига йўл бермайди.

Қолаверса маъруза ўқувчи домлаларнинг аксариятида презентация кўникмалари анча қониқарсиз бўлгани, хусусан “кўз алоқаси”, ўзини тутиш, овоз проекцияси яхши бўлмагани қайд этилган. Бу нуқсонлар меъеридан ошиб кетганда, лоқайд ва иштиёксиз талабалар сони кўпайиб борган.


### Мустақил ўқишни рағбатлантириш, йўл-йўрик

Ўқув ресурслари тавсия қилинади




25-чизма

Семинар саволлари берилди




26-чизма

Саволларга жавоб  айтаришида йўл-йўри  берилади



27-чизма

Ўтилган мавзуларга муҳожаат  илинади



28-чизма

### Дарс тарихи

Кузатув қайдномаларидан яққол кўринадики, кўпчилик дарслар тузилишига кўра бир-бирини такрорлайди. Масалан, маърузаларда бир хил формулага амал қилинади:


“Кириш → мавзуни баён қилиш → (баъзида, ўтилган мавзуни эслаш учун саволлар) → Янги мавзуни ёзиб олиш → Хулоса”. Семинарларнинг кўпчилиги талабаларнинг ўтилган мавзуга оид билимини баҳолаш билан бошланади (кўпинча ўларнинг барчаси саволларга жавоб бериб, ўша дарс учун маълум баҳони қўлга киритишлари лозим

бўлади), сўнг эса янги мавзу ёзиб олинади. Қизиғи шуки, кузатилган семинарларнинг кўпчилиги олиб борилишига кўра маърузалардан фарқ қилмаган, чунки дарс вақтининг сезиларли қисми янги мавзунини ёздиришга бағишланиб, ўтилган мавзунини муҳокама қилишга кам, баъзан эса, умуман вақт қолдирилмаган.

**Маъруза ва семинарлар орасидаги нисбат** эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим мавзудир. Биз кутган “1 та маъруза : 1 та семинар” нисбатига қарши ўлароқ гувоҳ бўлдикки, баъзи маърузалар икки ҳафтада бир марта ўтказилган пайтда, семинарлар бир ҳафтада икки бора ташкил қилинган. Дарсларнинг бундай ташкил этилиши қуйидагича асосланади. Маърузалар катта мавзунини жуда кенг доирада қамраб олса, унга эргашиб келувчи семинарларда айна мавзу батафсил кўринишда муҳокама қилинади.


### Талабаларни турли услублар билан дарсга жалб қилиш қобилияти

Иштиёқ сиз/суст талабалар сони



29-чизма

Суст талабаларни жалб қилишга уринган



30-чизма

### МАЪМУРИЯТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ИНТЕРВЬЮЛАР ТАҲЛИЛИ

Таълим жараёнига оид турли масалалар хусусида маъмурият ходимларининг фикрларини билиш учун турли университетлардан 18 та номзод интервьюга тортилди. Маъмурият ходимлари билан ўтказилган интервьюлардаги барча саволлар бир неча тоифаларга бўлинади.

#### Ўқув режаси

Ушбу тоифа саволларидан муддао ҳозирги ўқув режасининг мослашувчанлик ва самарадорлик даражасини аниқлаш эди. Суҳбат асносида ушбу саволлар сўралди: Муайян фанни жорий қилиш ёки бекор қилиш тартиботи қандай? Мазкур тартиботни яхшилаш учун бирор таклифингиз борми? Ўқув режасини яхшилашга эҳтиёж бор деб ўйлайсизми?

Суҳбатдошларимиз берган жавобларга асосланиб, ўқув режасига доир қуйидаги умумий ахборотга эга бўлдик:

Ҳар қандай таълим йўналиши бешта блокдан ва ўртача 70 та фандан ташкил топган. Фанларнинг аксарияти талабаларнинг ихтисослигига бевосита боғлиқ бўлмай, асосан ҳукуматнинг жорий сиёсатини тушунтиришга ва талабаларда ватанпарварлик туйғусини уйғотишга қаратилган. Блокларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

**1-блок.** Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар; жами 22 та фан; барча талабалар учун мажбурий; ҳеч бирини ўқув режасидан чиқариш мумкин эмас. Ушбу фанлар қамраб оладиган барча материал мактабда ўтилган.

**2-блок.** Математика ва табиий-илмий фанлар; 6 та фан; ҳамма йўналишлардаги ҳамма талабалар учун мажбурий. Уларнинг ҳеч бири ўқув режасидан олиб ташланиши мумкин эмас. Бу фанлар мактабда ҳам ўқитилади.

**3-блок.** Умумқасбий фанлар; 17 та фан; ўзгартириш мумкин эмас.

**4-блок.** Мутахассислик фанлари; 9 та фан.



**5-блок.** Танлов фанлар – жами 5 та фан. Гарчи ушбу блок доирасидаги фанлар танлов деб аталсада, улар ўқитувчилар томонидан ресурсларнинг мавжудлиги асосида танланади. Қолаверса, талабаларга ўқув дастури қўлланмаси ва фанларнинг тафсилий рўйхати берилмаслиги, уларнинг онгли равишда қарор қабул қилишларига йўл бермайди.

Мабодо ўқув режасига бирор ўзгартириш киритиш мумкин бўлса, у ҳам фақат 4 ва 5-блокда. Биринчи учта блокка ўзгартириш киритишга фақат ОЎМТВ ваколатлидир.


Ўқув режасини янгилаш, бошқача айтганда 4 ва 5-блокка ўзгартиришлар киритиш тартиботи жуда кўп вақтни талаб қилади. Бу тартибот қуйидаги тузилишга эга:

**1-босқич:** Фан ўқитувчиси фанга бўлган эҳтиёжни аниқлайди ва намунавий фан дастурини тайёрлайди. **2-босқич:** ушбу фан кафедра даражасида муҳокама қилинади, кейин бошқа университетдан шундай фан учун тузилган фан дастурининг намунаси топилади. Кейин эса, кафедранинг таклифи университетнинг Илмий кенгашига киритилади; **3-босқич:** Илмий кенгаш фанни ўқув режасига кўшиш ёки ундан чиқариш эҳтиёжини муҳокама қилади; **4-босқич:** Таклиф ОЎМТВга ўтказилади ва у таклифни қабул қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

### Ўқув режасини кўриб чиқиш ва таркибини янгилаш

Ўқув режаси ОЎМТВ томонидан қаттиқ тартибга солинади. Унинг атиги 10 фоизигина ўзгартирилиши мумкин бўлиб, алоҳида блоклар доирасидаги ўзгариш 5%дан ошиб кетмаслиги лозим.

Қуйидаги чизма суҳбатдошларимизнинг ўқув режасини яхшилашга доир фикрини намоён қилади:



31-чизма

### Баҳолаш


Бу тоифадаги саволлар суҳбатга тортилганларнинг рейтинг тизими тўғрисидаги фикрларини билишга қаратилган эди. Хусусан қуйидаги саволлар сўралди: Ўқитувчилар

томонидан қандай баҳолаш усуллари қўлланади? Қайси бири энг оммабоп, нима учун? Баҳолаш ёндашувида бирор нарсани ўзгартириш керакми? Баҳолаш усуллари ва сонини ким белиглайди? Талабалар ўз ишлари бўйича қандай шаклда мулоҳаза оладилар?

Маълум бўлишича, баҳолашнинг ёзма шакллари, жумладан тестлар ва ёзма ишлар ҳукмрон усуллар саналади. Интервьюларда таъкидлашларига қараганда, ушбу усуллар кўп йиллар мобайнида ишлатиб келинган бўлиб, шу боисдан бошқа усулларга солиштирганда баҳолаш учун осонроқдир. Бундан ташқари, уларни танлашларига сабаб баҳо қўйиш учун нисбатан кам вақт сарфланишидир.


Қуйидаги чизма интервьюда бўлганларнинг рейтинг тизимини яхшилашга доир тавсия-таклифларини умумлаштиради.

32-чизма.




Берилган чизма баҳолаш учун бериладиган вазифалар сонини (маъмурият ходимлари фикрига кўра) камайтириш, бошқача айтганда жорий, оралиқ ва якуний назорат таркибидаги синовлар миқдорини озайтиришга бўлган эҳтиёжни намоён қилади. Гуруҳнинг 18 фоизи оғзаки баҳолашни рағбатлантириш истагида бўлган. Бу баҳолаш соатларининг қисқаришига ҳам олиб келади.

Қуйидаги чизмада университет ходимларининг баҳолаш усуллари ва сонини ким белгилаши лозимлиги борасида билдирган фикрлари тасвирланган:



33-чизма

Тақриз ёзиш тизими ҳам яхши ривожланмаган: суҳбатдан ўтган маъмурият ходимларининг 35 фоизи тақриз умуман берилмайди деб, 29 фоизи эса баъзида фақат оғзаки кўринишда берилади, деб кўрсатган. Яна 24 фоиз киши тақриз тақдим қилинишини айтишгану бироқ тафсилот беришмаган (тафсилотлар учун қуйидаги чизмага қаранг)




34-чизма.

### Малака ошириш

Сўралган саволлар: факультет/кафедра ўқитувчилар учун бирор профессионал тренинг ташкиллаштирадими? Қандай тренинглар ўтказилади? Нача марта? Бу

тренинглар (агар ташкиллаштирилса) қанчалик самарали?

Одатда ўқитувчилар учун тренинглар соҳанинг етакчи университети томонидан ташкил қилинади. Бу тренинглар асосан ўқитувчиларнинг педагогик ва ахборот технологиялари борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш ва янгилашга қаратилади. Бошқа турдаги тренинглarda иқтисодий ислохотлар, президент асарлари, янги низомлар ва рейтинг системасига доир янгиликлар ўзлаштирилади.



35-чизма.

Малака ошириш даврийлиги университетлар бўйлаб фарқ қилади. Баъзи ходимлар бир ойда икки марта, баъзилари бир семестрда бир бора тренинг бўлишини таъкидлашган бўлса, яна баъзилар охириги марта қачон тренинг ўтказилганини эслай олишмади. Тренинглarning самарадорлиги ҳақидаги фикрлар ҳам хилма-хил. Баъзилар бу тренинглarnи самарали деб айтишса, баъзилар махсус ҳолатларда самарали дейишган ва яна баъзилар самарасиз, деб билишган. Бироқ, айтиш жоизки, интервьюдагиларнинг катта қисми мазкур саволга жавоб бермасликни маъқул топишган.



36-чизма.

### Талабалар жамияти


Интервьюларда бу хусусда берилган саволлар қуйидагича эди: Сизда талабалар жамиятлари ёки клублари борми? Талабалар томонидан бирор илмий тадбирлар (давра столлари, лойиҳалар, дебатлар ва х.к.) уюштириладими? Агар талабалар бирор тадбир уюштирмоқчи бўлсалар, бунинг тартиботи қандай бўлади?

Гарчи барча университетларда маълум турдаги талабалар жамиятлари, масалан тил клублари, баҳс-мунозара ва ш.к. бўлсада, улар жуда фаол деб қаралмайди. Суҳбатдошларимизнинг аксарияти талабалар томонидан турли академик тадбирлар ташкил этилишини уқтиришган бўлсада, уларнинг 29 фоизи охириги марта талабалар ўтказган тадбирни аниқ эслай олишмади.



37-чизма.

Талабалар илгари сурадиган ҳар қандай ташаббус аксарият ҳолларда маъмурият томонидан кўриб чиқиб тасдиқланади



38-чизма.